

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ  
МАКРОИҚТИСОДИЁТ КАФЕДРАСИ**

**БОЖХОНА ИШИ АСОСЛАРИ**

**ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент 2011**

**Тузувчи:** **Рахманов Ш.И.** – “Макроиқтисодиёт” кафедраси  
катта ўқитувчиси

**Такризчилар:** **Садикова И.А.** – “Минтақавий иқтисодиёт ва  
менежмент” кафедраси доценти  
**Хошимова Н.** – Тошкент Давлат Техника  
университети “Менежмент” кафедраси доценти

## МУНДАРИЖА

Фан дастури .....	4
Фан ишчи дастури .....	20
Баҳолаш мезонлари ва баллар тақсимоти .....	36
Таълим технологияси .....	38
Маъруза матнлари .....	86
Тест топшириқлари .....	126
Назорат саволлари .....	145
Реферат мавзулари .....	152
Мустақил таълим учун саволлар .....	154
Глоссарий .....	156
Слайдлар .....	166
Адабиётлар .....	193

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

№ \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 200 й.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта махсус таълим вазирлигининг

200\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги

« \_\_\_\_ »-сонли буйруғи билан  
тасдиқланган

**БОЖХОНА ИШИ**

фанининг

**ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**Билим соҳаси:**

300 000 – Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ

**Таълим соҳаси:**

340 000 – Бизнес ва бошқарув

**Таълим йўналиши:**

5340500 – Божхона иши бакалавриат таълим  
йўналиши учун (фаолият тури бўйича)

**Тошкент – 2009 й.**

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб – ҳунар таълими ўқув – услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2009 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги « \_\_\_\_\_ »-сон мажлисида муҳокама этилган ва маъқулланган

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилди

Тузувчилар: и.ф.д., доц. Кучаров А.  
и.ф.н., доц. Тоиров Ш.  
кат.ўқт. Боев О.

Тақризчилар: ОХБИ, б/х генерал- лейтенанти Орипов С.  
ОХБИ, б/х катта лейтенанти доцент Юлдашева У.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ўқув – услубий кенгашида тавсия қилинган (2009 йил \_\_\_\_\_ даги « \_\_\_\_\_ »-сонли баённома)

## КИРИШ

Давлат мустақиллигининг кўлга киритилиши, Бирлашган миллатлар ташкилотига, Бутунжаҳон божхона ташкилотига (БЖБТ) ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши Ўзбекистон учун ўзининг мустақил ички ва ташқи сиёсатини аниқлаш ва амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказишнинг ўзига хос йўллари танилаш, халқ турмуш фаровонлигини оширишнинг кенг йўллари очиқ берди. 2008 йилда бошланган ва бугунги кунда кўламини тобора кенгайтириб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига баҳо берар эканмиз ҳар бир мамлакат томонидан ташқи савдо айланмасини ошириш масалаларига бўлган эътиборни олиб кирилаётган товарлар таркиби ва сифатига бўлган талабларни халқаро стандартларга мос келишини таъминлашни тақозо этади.

Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида келтирилган материаллар, қоидалар ва хулосаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш фанни ўрганиш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви даврида давлатимизнинг барча бошқарув тизимларида, шу жумладан ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасида ҳам сезиларли иқтисодий ислохотларни амалга оширишда. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар ташқи иқтисодий фаолиятга, уни эркинлаштиришга ва ушбу йўналишда бундан кейин амалга ошириладиган ислохотларга янгича ёндашиш зарурлигини тақозо этмоқда. Шулар жумласига Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий – иқтисодий ривожланиш яқунлари ҳамда 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устивор йўналишларини белгилаб берган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида қилган маърузаси, 2009 йил 29 февралда қабул қилинган ПҚ 805 – сонли “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат Дастури қарори ва шу каби бошқа қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар кирди.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар ташқи иқтисодий фаолиятга, уни эркинлаштиришга ва ушбу йўналишда бундан кейин амалга ошириладиган ислохотларга янгича ёндашиш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу ўз навбатида давлатнинг халқаро-ҳуқуқ соҳасида ҳамкорлик қилиш ва Ўзбекистон Республикасида божхона ишини тартибга солиш муаммоларига давлат томонидан янгича ёндашишнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ўзбекистон Республикаси Ушбу ҳаракатларнинг асосий мақсади-фискал сиёсатни амалга ошириш, ташқи савдони тартибга солиш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлаш каби божхона органлари олдида турган долзарб масалаларни ҳал этишнинг

самарали ва рационал йўллари излашдан иборат. Халқаро савдони глобаллашуви ташқи савдо сиёсати воситаларидан фойдаланишни янада такомиллаштиришни, яъни халқаро савдони тартибга солишда нотариф усулларидан тариф усулларига ўтишни тақозо этаяпти. Бу эса тариф усулларини бевосита амалиётда қўлловчи божхона ишини, унинг асосий ташкил этувчиларини, асосий тамойиллари ва қоидаларини ўрганишга бўлган эътиборни оширади.

### **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари**

«Божхона иши» фанини ўқитишдан мақсад талабаларда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда божхона ишини тутган ўрни, божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказишни, улардан божхона қонунчилигида белгиланган божхона тўловларини ундирилишини объективлигини таъминлашни, контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишига қарши курашни, божхона иши бўйича халқаро ҳамкорликни, божхона хизмати учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни, мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишидаги аҳамияти тўғрисида, назарий ва амалий билимлар ҳосил қилишдан иборат. Фанни ўқитилишининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги иқтисодий ривожланиши, халқаро ҳамжамият билан ўзаро савдо иқтисодий алоқаларини кенгайтириш шароитида республикамиз божхона органларининг фаолиятини Жаҳон амалиётида қабул қилинган меъёрлар асосида такомиллаштиришни зарурлиги тўғрисида талабаларда илмий изланишлар олиб боришга қизиқиш уйғотиш.

### **Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар**

“Божхона иши” фани бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар қуйидагилар:

- Ўзбекистон тарихини билиши; миллий маънавий масалалар ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини баён этиши ва илмий асослай олиши, миллий ғоя асосида фаол ҳаётий ўринни эгаллаши;

- табиат ва жамиятда юз бераётган жараёнлар ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши, замонавий илмий асосларда улардан ҳаётда ва касбий фаолиятда фойдалана олиши;

- инсонлар орасидаги жамиятга, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни билиши, уларни касбий фаолиятда ҳисобга ола олиши керак;

- хорижий технологияларни ўзлаштириш, ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш, ишлаб чиқиш ва унумли фойдалана олиши; ўз касбий фаолиятида мустақил фикрлаш ва керакли қарорлар қабул қила олиши;

- бакалавриятнинг тегишли йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши керак;
- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил этиши лозим;
- соғлом турмуш тарзини шакллантириш, жисмонан бақувват ва спорт билан шуғулланиб боришзарурати ҳақида илмий тасаввурга ва эътиқодга эга бўлиши, жисмонан такомиллаштиришнинг малака ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Бу фанни талабалар томонидан тўлиқ ўзлаштирилиши, «Божхона иши» йўналишининг намунавий ўқув режасида белгиланган «Иқтисодиёт назарияси», «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар», «Макроиқтисодиёт», «Микроиқтисодиёт», «Маркетинг», «Менежмент», «Ташқи иқтисодий фаолиятда давлат бошқаруви» каби **фанлар билан боғлиқ**. Ушбу фанни ўқитишда таълимнинг маъруза, амалий (семинар) машғулоти ва мустақил таълим каби шаклларидан фойдаланилади. Бунда илғор педагогик технологияларнинг интерактив, ақлий ҳужум, такдимот усулларидан фойдаланилади. Ушбу усуллардан фойдаланишда илғор ахборот технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

### **Фанни ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Давлат божхона Қўмитаси томонидан ташқи савдонинг давлат томонидан бошқарилишини таъминловчи асосий механизм бўлган божхона хизматини такомиллаштириш борасида доимий равишда аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда. Бу эса ўз навбатида бошқарувнинг замонавий тизимига эга бўлган божхона хизматини шакллантириш, анъанавий ишлатиб келинаётган божхона процедураларини такомиллаштиришнинг янги стратегияларини ишлаб чиқишни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг бугунги божхона хизмати дунёдаги илғор тажрибаларни ўзида мужассамлаштиришга ва XXI - аср божхона хизмати самарали фаолиятининг намунаси бўлган Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш бўйича халқаро конвенция (Киото) тамойилларига мос келишга ҳаракат қилаётган ривожланаётган тизимдир. “Божхона иши” фанининг асосий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси вилоят ва шаҳар бошқармаларида, ДБҚ Олий Харбий божхона институти ҳамкорлигида ўқув ва ўқув-услубий мажмуаларида ишлатилиши тавсия қилинади. Ушбу фан бўйича ўқиётган талабаларда божхона иш асослари ва ДБҚнинг барча бўлим ва бошқармаларида фаолият юритишлари мумкин.

### **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Ушбу фанни ўқитишда таълимнинг маъруза, амалий (семинар) машғулоти ва мустақил таълим каби шаклларидан фойдаланилади. Бунда



илғор педагогик технологияларнинг интерактив, ақлий ҳужум, веер усули, эссе- кўйилган саволга асосли жавоб келтирилган ёзма ишдир тақдимот усуллари илғор ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Муаллиф маълим бир позицияни эгаллайди ва уни ҳимоя қилади, бунда ўзининг позициясини қўллаб-қувватлаш учун бир қанча асосланган исботларни келтиради. Мақсад-муаллиф лозим топадиган карашларни бошқаларнинг ҳам қабул қилишига ишонтириш. Савол бўйича нисбатан муаллиф нуқтаи-назарини баён этилиши, баён этилган позицияни асослаш-ушбу позицияни қўллаб-қувватлашни муаллифнинг ишонарли далиллари, ушбу позицияни қабул қилишга ишонтириш, хулоса-резюме Дискуссия усулида ўтказиладиган амалий машғулот. Талабалар билимини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш. Талабалар билимини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга асосланган амалий машғулот Кириш кўргазмали тематик маъруза. Ахборот кўргазмали маъруза. Информацион маълумотга эга бўлган бахс-мунозара маъруза. Инсерт асосида ташкил этилган Информацион маъруза қайси техникада фойдаланилиши Кластер техникадан фойдаланиш, илғор ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир. ТДИУ “Божхона иши” кафедраси мудир А. Кучаров, доцент А. Алиев, Ш. Тоировлар ҳаммуаллифлигида тайёрланган “Божхона иши” ўқув курси бўйича таълим технологияси ва ўқув - услубий мажмуаси, “Божхона иши тарихи”, “Божхона органларини иқтисодий фаолияти” мавзулари бўйича ишлаб чиқилган кейс – стабилар, маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар ҳамда Power Point ва Excel компьютер дастурлари ва интернет сайтларидан олинган маълумотлардан фойдаланилади.

### **Асосий қисм(маъруза)**

#### **Халқаро савдо ва уни ривожланиш тарихида божхона хизматининг тутган ўрни**

Халқаро савдонинг назарий ва амалий асослари. Халқаро савдо назариялари. Халқаро савдонинг асосий шакллари. Ташқи иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёнидир. Ташқи иқтисодий фаолият шакллари. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг аҳамияти. Товарлар ва хизматларни айирбошлаш. Сармояларни олиб чиқиш ва олиб кириш. Ишчи кучининг ҳаракатини амалга ошириш. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш. Ташқи иқтисодий фаолиятни бож тарифи орқали тартибга солиш. Ташқи иқтисодий фаолиятни бож тарифи орқали тартибга солишда божхона хизматининг тутган ўрни. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил эти шва бошқариш. Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишда тариф усулларидан фойдаланишни афзаллиги. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда божхона таомилларининг аҳамиятини ошиб бориши.

### **Қадимги дунёда божхона муносабатларини пайдо бўлиши**

Мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини вужудга келиши ва божхона хизматининг ташкил топиши. қадимги Шарқ ва Ўрта ер денгизи давлатларида божхона муносабатлари. қадимги Грецияда божхона ишини ташкил топиши. Мисрда эрамыздан олдинги IV асрда божхона иши қадимги Римда божхона хизматининг ташкил топиши. Европада ҳунармандчилик ва савдо марказларини ташкил этилиши шароитида божхона иши. Божхона божлари давлатларнинг иқтисодий ривожланишини белгиловчи омилдир. Қадимги Осиё ва Европа давлатларида божхона хизматининг ташкил топиши ва унинг ҳуқуқи асосларини такомиллашуви. Европа давлатларининг ўзаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришда божхона хизматининг тутган ўрни.

### **Ўрта асрларда божхона ишининг ривожланиши**

Ўрта асрларда халқаро савдо алоқаларини кенгайтиши, давлатлар ва молиявий иқтисодий муносабатларнинг қарор топиши. Европада божхона ишини ташкил топиши. Европада шаҳарлар ва князликлар ўртасида иқтисодий алоқаларнинг кенгайтишини божхона сиёсатини ташкил топишига таъсири. Европа давлатларида божхона ишини марказлашуви. Илк меркантилизм ёки монетаризм даврида божхона иши қадим Францияда божхона ишининг фискал вазифаларини кучайтиши. Ғарбий Европада капиталистик муносабатларнинг ривожланиши давомида савдо компаниялари пайдо бўлиши ва уларни божхона ишининг шаклланишига таъсири. АҚШ ва Канада давлатларининг божхона сиёсатида иқтисодий ва сиёсий мустақилликни таъминлаш манфаатларини ўрин олиши.

### **Марказий Осиёда божхона иши тарихи**

Буюк Ипак йўли орқали амалга ошириладиган савдо алоқаларини ривожлантиришда Марказий Осиёда ташкил топган божхона ишининг аҳамияти. Амир Темур ва темурийлар салтанатида божхона иши. Амир Темур салтанатидаги божхона ишини хориж савдогарлари учун бериладиган имтиёзлар. Бухоро хонлигида божхона иши. Божхона ишида товарларни келиб чиқиш мамлакатига қараб божхона имтиёзларининг берилиши. Бухоро хонлигидаги божхона ишини Россия билан Афғонистон ўртасидаги савдо алоқаларига таъсири. Хива хонлигида божхона ишини пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи. Қўқон хонлигидаги божхона хизмати Туркистон ўлкаси мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқни ривожланишига таъсири.

### **Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг ташкил топиши ва ривожланиши**

Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон давлат божхона қўмитасининг ташкил этилиши. Давлат божхона хизмати билан ички ишлар вазирлигининг товар-моддий бойликларини Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний олиб чиқиб кетишга

қарши курашларини мувофиқлаштириш. Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг Давлат солиқ қўмитаси таркибидаги фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қайта ташкил этилиши ва унга ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи мақомининг берилиши. Божхона органларининг асосий вазифаларини белгилаш. Божхона қонунчилигининг яратилиши ва такомиллаштирилиши. Ўзбекистон Республикаси божхона хизматини хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро божхона ташкилотлари билан ўзаро манфаатли алоқаларининг ўрнатилиши.

### **Ўзбекистон Республикаси давлат божхона органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг асосий вазифаларини белгиловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикаси давлат божхона Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги ва «Божхона хизмати тўғрисида»ги қонунлари. Давлат божхона қўмитасининг функциялари. Республика божхона ҳудудида Давлат хавфсизлигининг жамоат тартибини ҳимоя қилиш. Контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишига қарши кураш. Божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қонунийликка риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш. Халқаро божхона ва савдо ташкилотлари билан ҳамда хорижий давлатларнинг божхона органлари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш. Божхона органларининг моддий техника таъминотини такомиллаштириш. Божхона органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш.

### **Божхона ишини ташкил этиш ва бошқариш асослари**

Ўзбекистон Республикасида ягона божхона тизимининг яратилиши. Ягона божхона тизимининг ташкилий тузилиши. Божхона ишини ташкил этиш ва амалга оширишда божхона инфратузилмасининг тутган ўрни. Божхона органларида бошқариш асослари. Бошқариш тушунчаси, бошқариш қонунлари ва тамойиллари. Бошқариш функциялари ва усуллари. Божхона ишини бошқариш самарадорлигини оширишда бошқариш тизимининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш. Бошқариш самарадорлигини оширишда божхона органлари ходимларининг манфаатдорлигини ошириш. Бошқариш самарадорлигини оширишда божхона ходимларини ижтимоий ҳимоялаш масалалари.

### **Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларини божхона назорати ва расмийлаштирувдан ўтказиш**

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона назорати ва расмийлаштирувдан ўтказишнинг моҳияти ва тузилиши. Божхона назоратининг объектлари ва субъектлари. Божхона назоратини ва расмийлаштирувини ташкил этишнинг асосий йўналишлари. Божхона

назорати ва расмийлаштирувининг ўтказиш жойи ва вақти. Божхона органлари томонидан дастлабки операцияларни ўтказишни белгилаш ва қўллаш тартиби. Олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тақиқланган ва чегараланган товарлар. Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги ва Божхона Иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг товарларини божхона назоратини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари.

### **Божхона назоратининг тамойиллари ва шакллари**

Божхона назоратининг шакллари. Божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш. Транспорт ҳужжатлари, савдо ҳужжатлари, божхона ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар. Божхона кўригидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар рўйхати. Товарлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олиш. Жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўраб суриштириш. Товарлар сақланиши мумкин бўлган ҳудудлар ва хоналарни текшириш. Божхона назоратини танлаб ўтказиш. Маълум божхона назорати шаклларида озод этиш.

### **Божхона режимлари ва уларни қўллаш шартлари**

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини белгилаш. Товарларни бутунлай уларни олиб ўтаётган шахс ихтиёрига ўтишини белгиловчи божхона режимлари: импорт, реимпорт, экспорт, реэкспорт. Божхона органлари томонидан белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда товарлардан аниқ мақсадларда фойдаланиш режимлари: божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, транзит, вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш), эркин божхона зонаси, эркин омбор, қайта ишлаш, давлат фойдасига воз кечиш, товарларни йўқ қилиш. Божхона режимлари савдони, саноатни ва халқаро ташувларни ривожлантиришга қаратилгандирлар. Божхона режимларининг аҳамияти. Божхона режимларининг тавсифи. Ҳар хил божхона режимларида қўлланиладиган иқтисодий сиёсат чоралари. Товарларни белгиланган божхона режимлари остида бўлиш муддатлари. Аниқ божхона режими остига қўйилиши мумкин бўлган товарлар рўйхати. Божхона режимини танлаш ва ўзгартириш.

### **Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда божхона юк баённомасини қўллаш**

Божхона юк баённомаси (БЮБ) товарлар ва транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувида фойдаланиладиган асосий ҳужжат. Божхона юк баённомасини божхона расмийлаштируви амалиётига киритилишидан мақсад. Божхона юк баённомасининг шакллари. Божхона юк баённомасини тўлдириш бўйича божхона органларининг талаблари. Божхона юк баённомасининг асосий бўлимларини тавсифи. Божхона юк баённомасидаги ахборот бўлимлари. Ўтказиб беришнинг умумий тавсифи. Ташқи савдо келишувини божхона расмийлаштирувидан ўтказишда иштирок этувчи юридик шахслар. Жўғрофий бўлим. Транспорт бўлими. Молия бўлими. Туркумлардаги ҳар бир товарнинг тавсифи. БЮБ дан фойдаланган ҳолда божхона назорати ва расмийлаштирувини ўтказишда талаб этиладиган

хужжатлар. БЮБдан фойдаланган ҳолда товарларни божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш кетма-кетлиги.

### **Божхона чегараси орқали жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларнинг божхона назорати**

Жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларнинг божхона назорати ва расмийлаштируви тартиби. Жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларни божхона назоратидан ўтказишни соддалаштирилган тартиби. Божхона тўловларининг ягона ставкалари. Жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш. Божхона имтиёзларидан фойдаланувчи чет эл шахслари томонидан олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви ва назорати. Божхона имтиёзлари. Барча божхона кўрикларидан озод этиш. Барча божхона тўловларини тўлашдан озод этиш.

### **Турли транспорт воситалари томонидан амалга ошириладиган товарлар ташувининг божхона назорати**

Божхона назоратининг бошланиш ва тугалланиш моментлари. Божхона ва бошқа турдаги назоратни технологик тартиби. Кемаларни божхона назоратидан ўтказиш. Кемаларни божхона назоратидан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар. Темир йўл транспорти ёрдамида ташилаётган юкларни божхона назоратидан ўтказиш. Божхона назорати постларида, темир йўл шоҳ бекатлари ва бекатларда божхона хизматларини ташкил этиш. Ҳаво транспорти ташувларининг божхона назоратини ташкил этиш. Автомобил транспорти ёрдамида амалга ошириладиган ташувларнинг божхона назорати. Автотранспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш. Олиб кириладиган (енгил ёки юк) автомобилларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш.

### **Валюта назорати**

Валюта сиёсати ва валютани тартибга солиш. Ўзбекистон Республикасининг валюта тизими ва валюта бозори. Ўзбекистон Республикаси валюта тизимининг шаклланиш босқичлари. Валютани тартибга солиш объектлари. Валюта муносабатларининг субъектлари. Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари тушунчалари. Валюта бойликлари. Чет эл валютаси. Халқаро жамоа валютаси. Эркин алмаштириладиган валюта. Ўзбекистон Республикасида валюта операцияларини амалга ошириш тартиби. Валюта назоратининг мақсадлари ва асосий йўналишлари. Валюта назорати тизимида божхона органларининг тугган ўрни. Ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда валюта операцияларини назорат қилиш. Ўзбекистон Республикасидан чет эл валютасини ва миллий валютани олиб чиқиш ва олиб кириш тартиби.

### **Божхона назоратининг техника воситалари**

Божхона назорати техника воситаларининг божхона органларини тезкор фаолиятида тугган ўрни. Техника воситаларининг турлари. Божхона назорати техника воситалари. Криминалистика техника воситалари. Божхона

экспертизаси техника воситалари. Маълумотларни узатиш ва алоқа техника воситалари. Ҳавфсизлик хизмати техника воситалари. Божхона назорати техника воситаларининг синфланиши. Божхона назорати техника воситаларини техник тавсифлари. Божхона ҳужжатларини тезкор диагностикадан ўтказиш техник воситалари. Айрим стратегик аҳамиятга эга бўлган хом ашё товарларини узоқдан туриб назорат қилиш техника воситалари. Божхона кўригидан ўтказиш ва қидириш техника воситалари. Божхона назорати объектларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш техник воситалари. Аудио-видео маълумотларни ташувчи воситаларни божхона назоратидан ўтказиш техник воситалари. Ўзбекистон Республикасида божхона тизимида қўлланилаётган техник воситалар ва уларни янада такомиллаштириш масалалари.

### **Божхона назорати тизимида экспертиза**

Экспертиза: тушунчаси, синфланиши ва экспертизадан ўтказиш ташкилотлари. Ўтказилиш тартибига кўра экспертизаларнинг турлари. Бирламчи ва иккиламчи, асосий ва қўшимча, алоҳида ва коллектив, божхона экспертизаси. Божхона экспертизасининг тушунчаси, объектлари ва предметлари. Божхона экспертизасининг объектлари. Божхона экспертизасининг предметлари. Товарларни ТИФ ТН бўйича таснифлаш. Товарларни божхона қийматини ҳисоблаш. Товарларни кимёвий таркиби ва физик тузилишини аниқлаш. Божхона экспертизасини ўтказишда қўлланиладиган техник воситалар ва усуллар. Божхона экспертизасини ўтказиш технологияси. Божхона экспертига қўйиладиган талаблар. Экспертнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Божхона экспертизасини ташкил этиш. Ўзбекистон Республикасида товарларни божхона экспертизасидан ўтказиш жараёнларини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш масалалари.

### **Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси**

Товар номенклатураси тушунчаси ва унинг товарларни синфлаш билан боғлиқлиги. Номенклатура сўзининг маъноси. Товарларни синфлаш тартиби. Товарларни кодлаштириш. Асосий товар номенклатураларининг умумий тавсифи. Брюссель товар номенклатураси. МДҲ давлатларининг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси. Халқаро савдо статистикаси учун товарларнинг минимал рўйхати. Ташқи савдонинг ягона товар номенклатураси ва унинг тузилиши. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг стандартлаштирилган халқаро товарларни синфланиши. Божхона ҳамкорлиги иттифоқининг номенклатураси. Европа иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг комбинациялаштирилган номенклатураси. Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришни уйғунлаштирилган тизими. Товарлар номенклатурасининг уйғунлаштирилган тизимини тавсифи. Уйғунлаштирилган тизимни интерпретациялашнинг асосий қоидалари. МДҲ давлатларининг ТИФ товар номенклатурасини Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолиятида

тутган ўрни. Ўзбекистон Республикаси ТИФ товар номенклатурасининг Киото конвенцияси талаблари асосида қайта ишлаб чиқилиши.

### **Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимида тариф усуллари**

Тариф усуллари ташқи иқтисодий фаолиятни иқтисодий тартибга солиш усуллари асосидир. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни тариф усуллари ёрдамида тартибга солишнинг асосий мақсадлари. Божхона божларини иқтисодий табиати ва уларнинг функциялари. Дифференциал рента тушунчаси. Божхона божларининг функциялари. Протекционистик функцияси, мувозанатлаштирувчи функцияси, рағбатлантирувчи функцияси. Тариф эскалацияси. Божхона божларини шакллантиришда ГАТТ/ВТО, Халқаро валюта фонд ива бошқа халқаро минтақавий ташкилотларнинг талабларини ҳисобга олиш. Божхона божларини миллий иқтисодиёт самарадорлигига, миллий ишлаб чиқариш ҳолатига, давлат даромадларига ва ички баҳоларга таъсири.

### **Товарларнинг божхона қиймати ва уни аниқлаш усуллари**

Товарларнинг божхона қиймати тушунчаси ва унинг иқтисодий аҳамияти. Товарларнинг божхона қиймати ва уларни аниқлаш бўйича жаҳон тажрибаси. Товарларнинг божхона қийматини ҳисоблашнинг Брюссель ва ГАТТ халқаро тизими. Товарларнинг божхона қийматини аниқлашнинг уйғунлаштирилган методологиясини яратиш конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси божхона мақсадларида товарларни баҳолашнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси. Божхона қийматини аниқлаш усуллари тизими. Олиб кирилаётган товар юзасидан тузилган битим қийматиغا қараб товарнинг божхона қийматини аниқлаш. Ўхшаш товарлар юзасидан тузилган битим қийматиغا қараб товарнинг божхона қийматини ҳисоблаш. Бир хил товарлар юзасидан тузилган битим қийматиغا қараб божхона қийматини ҳисоблаш. Ўхшаш ва бир хил товарлар баҳоларини мослаштириш. Товарнинг божхона қийматини қийматларни чегириш асосида аниқлаш. Товарнинг божхона қийматини қийматларни кўшиш асосида аниқлаш. Заҳира усули.

### **Божхона органлари фаолиятида солиқлар, божхона тўловлари ва йиғимларининг тутган ўрни**

Солиқ сиёсатининг асосий тамойиллари ва солиқларнинг функциялари. аниқлик принципи. қулайлик принцип ива самарадорлик принципи. Солиқларни фискал, тақсимлаш ва рағбатлантириш функциялари. Божхона тўловларининг турлари ва уларни ундирилиш тартиби. Божхона божи божхона тўловларининг асосий туридир. қўшилган қиймат солиғини ундирилишининг ўзига хос хусусиятлари. Ташқи савдода акциз солиғи. Божхона йиғимлари ва уларни ундириш тартиби. Ягона божхона тўлови ва уни ундирилиш тартиби. Ягона божхона йиғими. Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун йиғим. Товарларни божхона

кузатувига олганлик учун йиғим. Товарларни божхона омборида сақлаганлик ва божхона органлари томонидан рухсатнома берганлик учун йиғимлар. Ўзбекистон Республикасида божхона тўловларининг ундирилишини ҳуқуқий асослари. Божхона тўловлари бўйича бериладиган имтиёзлар. Божхона имтиёзларини мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни.

### **Божхона органлари фаолиятида нотариф тартибга солиш усулларида фойдаланиш**

Нотариф чеклашларнинг асосий тушунчаси. Импорт операцияларини нотариф чеклаш. Нотариф чеклашларнинг синфланиши. Иқтисодий, маъмурий ва техник нотариф чеклашлар. Паратариф тадбирлари. Божхона қўшимча тўловлари. қўшимча йиғимлар. Ички солиқлар ва йиғимлар. Баҳолар устидан назорат ўрнатиш тадбирлари. Баҳоларни маъмурий чеклаш. Экспорт баҳоларини «иқтиёрий равишда» чеклаш. Демпингга қарши чоралар. Компенсация чоралари. Молия чоралари. Автоматик лицензиялаш чоралари. Бош лицензия. Алоҳида олинган лицензия. Тариф квоталари. Мавсумий квоталар. Глобал квоталар. Монополистик чоралар. Техник чоралар. Нотариф чеклашлардан фойдаланиш жаҳон тажрибаси. Нотариф чеклашларни қўллаш самарадорлиги ва кўлами. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни нотариф чеклашлар орқали тартибга солиш. Нотариф чеклашларнинг миллий экспортга таъсири. Ўзбекистон Республикасида ҳимоя чораларини қўллаш тартиби.

### **Божхона статистикаси божхона иши асосларининг таркибий қисми**

Божхона статистикасининг предмети ва усуллари. Божхона статистикасининг ташкил топиши ва ривожланиши. Божхона статистикасининг иқтисодий статистикадаги ўрни. Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси ва унинг синфланиши. Ташқи савдо божхона статистикаси. Махсус божхона статистикаси. Ташқи иқтисодий фаолиятда хизматлар статистикаси. Ташқи савдо божхона статистикасининг асослари: ҳуқуқий асоси, методологик асоси, ҳужжатий асоси, тузилиш асоси, технологик асоси. Ташқи савдо божхона статистикасида товарларни етказиб беришнинг тижорат шахслари. Товарларни етказиб беришнинг тижорат (базис) шартлари тушунчаси ва уларни синфланиши. Божхона статистикасини ўрганиш объектлари. Статистик кўрсаткичлар бўйича ишларнинг босқичлари. Божхона статистика маълумотларининг манбалари. Ўзбекистон Республикасида божхона статистикасини ташкил этиш ва уни янада такомиллаштириш масалалари.

### **Божхона статистикасини иқтисодий статистика тизимида тутган ўрни**

Ташқи иқтисодий алоқалар статистикасининг асосий вазифалари. Ташқи савдо божхона статистикаси. Ташқи савдо божхона статистикасининг асосий вазифалари. Олиб кириладиган ва олиб чиқилаётган товарларни миқдорий жиҳатдан ҳисобга олиш. Товарлар экспорти ва импортини жуғрофий тақсимланишини ҳисобга олиш. Махсус божхона статистикаси. Ташқи иқтисодий фаолиятда хизматлар статистикаси. Ташқи савдо божхона



статистикасининг асослари: ҳуқуқий асоси, методологик асоси, ҳужжатлар асоси, ташкилий асоси, технологик асоси. Ташқи савдо божхона статистикасида товаланни етказиб беришни тижорат шартлари. Тижорат шартларининг синфланиши.

### **Божхона статистикасини ўрганиш объектлари**

Статистик кўрсаткичлар билан ишлаш босқичлари. Ташқи савдо обороти статистикаси. Божхона тўловлари статистикаси. Давлат фойдасига мусодара қилинган товарлар статистикаси. Халқаро почта жўнатмалари статистикаси. Статистик кузатиш босқичи. Статистик маълумот. Ташқи савдо айланмасини қийматли баҳолаш. Божхона статистикасининг маълумотлар манбаи. Божхона юк баённомаси божхона статистикасини маълумотлар манбаи. Божхона юк баённомасини тузилиши. Божхона юк баённомасида товарларнинг келиб чиқиш мамлақати. Статистик ҳисоботни бошланғич ва якуний шакллари. Ойлик ҳисобот.

### **Божхона органларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти**

Божхона органларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти тушунчаси ва таркиби. Божхона органларини ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятининг шакллари. Божхона органларини ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятининг маъмурий-ҳуқуқий ва маъмурий-процессуал шакллари. Божхона қоидаларини бузилиши тушунчаси ва унинг умумий тавсифи. Божхона қоидаларини бузилишининг объектлари ва субъектлари. Божхона қоидаларини бузганлик учун маъмурий чоралар тушунчаси ва турлари. Божхона қоидаларини бузганлик учун қўлланиладиган маъмурий чоралар. Божхона қоидаларини бузганлик учун қўлланиладиган жиноий жавобгарлик.

### **Божхона органларининг контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишини олдини олишдаги ўрни**

Контрабанда тушунчаси. Контрабанда жинояти. Контрабанда жинояти турлари. Контрабанда объектлари. Контрабанда жинояти предмети. Контрабанда жиноятининг объектив томони. Контрабанда жиноятининг субъектив томони. Контрабанда жиноятини содир қилганлик учун қўлланиладиган маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралар. Божхона қоидаларини бузилиши: турлари ва уларнинг умумий тавсифномаси. Божхона қоидаларини бузилиши бўйича иш олиб бориш босқичлари ва тартиби. Мансабдор шахс томонидан контрабанда жиноятини содир этиш. Уюшган гуруҳ томонидан контрабанда жиноятини содир этиш. Контрабанда жинояти бўйича жиноий ишни кўзғатиш. Божхона органларининг тезкор қидирув фаолияти. Божхона органларининг тезкор бўлинмаларини тезкор қидирув фаолиятининг асосий йўналиши. Божхона органлари тезкор бўлинмаларини тезкор қидирув фаолиятини ахборот таъминоти.

## **Божхона органлари фаолиятини самарадорлигини оширишда божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти**

Халқаро ҳамкорликни Ўзбекистон Республикаси божхона органлари самарадорлигини оширишда тутган ўрни. Республика божхона органларини хорижий мамлакатлар божхона органлари ҳамда халқаро божхона ташкилотлари билан ҳамкорлиги. Ўзбекистон Республикасини МДХ давлатлари божхона органлари билан ҳамкорлиги. Европа Иттифоқи давлатлари божхона ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига кирувчи давлатлар билан божхона ҳамкорлиги. Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти давлатлари билан божхона таомилларини соддалаштириш бўйича олиб борилаётган ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда халқаро божхона конвенцияларининг тутган ўрни. Ўзбекистон Республикасида божхона қонунчилигини халқаро божхона конвенциялари талаблари асосида янада такомиллаштириш.

## **Ўзбекистон Республикаси божхона органларини Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари божхона органлари билан ҳамкорлиги**

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси божхона органлари билан халқаро ҳамкорлиги. Ўзбекистон Республикасини МДХ давлатлари билан эркин божхона зоналарини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлиги. Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари билан божхона иши соҳасидаги ҳамкорлиги. Божхона иттифоқи ва уни ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар. Ўзбекистон Республикасини божхона иттифоқи аъзо давлатлари билан ўзаро ҳамкорлиги. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа МДХ давлатларини божхона иттифоқини шакллантириш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлари. Учинчи давлатларга нисбатан қўлланиладиган ягона тариф ва нотариф тартибга солиш чораларининг яратилиши.

## **Амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий, семинар ва тажриба машғулотларини ташкил этишда «Божхона иши» фанининг хусусиятларини, шунингдек ҳар бир талабанинг шу фан мавзуларини ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни адабиётлар ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- амалий машғулот (семинар)ларга янги адабиётлар асосида тайёргарлик кўриш;
- берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш, уни расмийлаштириш ва семинар дарсларида презентация қилиш;

Мавзуларнинг назарий асосларини мустақил равишда ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш эса малакавий битирув ишини бажаришда амалга оширилади.

### **Мустақил ишларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил ишни ташкил этишда “Божхона иши” фанининг хусусиятларини, шунингдек ҳар бир талабанинг шу фан мавзуларини ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни адабиётлар ёрдамида мустақил ўзлаштириш; амалий машғулот (семинар)ларга тайёргарлик кўриш; берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш, уни расмийлаштириш ва семинар дарсларида презентация қилиш. Мавзуларнинг назарий асосларини мустақил равишда ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш эса малакавий битирув ишини бажаришда амалга оширилади. Мустақил иш сифатида “Божхона иши” фанини боғхона ишидаги роли ва аҳамиятини ўрганиш лозим. Глобаллашув шароитида жаҳон иктисодиётида бўлиб ўтаётган жараёнлар ва мазкур жараёнларда боғхона соҳасида лозим бўлган таъминот чораларининг моҳияти ва мазмуни бўйича билимларни чуқурлаштириш учун халқаро иктисодий ташкилотлар нашр этадиган маълумотларни мустақил равишда мутоала қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мустақил ишни ташкил этишда «Божхона ши» фанининг хусусиятларини, шунингдек ҳар бир талабанинг шу фан мавзуларини ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни адабиётлар ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- амалий машғулот (семинар)ларга тайёргарлик кўриш;
- берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш, уни расмийлаштириш ва семинар дарсларида презентация қилиш.

### **Курс иши, лойиҳа ва чизма-ҳисоблар бўйича услубий кўрсатмалар**

«Божхона иши» фанини ўқитиш жараёнида талабалар томонидан олинган билимларни мустақил равишда назарий-амалий маълумотлар манбалари бўлмиш: адабиётлар, расмий ҳужжатлар, рисолаларда берилган маълумотлар билан бойитиш, уларни талабалар томонидан таҳлил қила олиш ва шулар асосида уларда мустақил фикрлар билдира олиш кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида курс ишлари ёзиш режалаштирилган. Курс ишида боғхона органларидан олинган амалий маълумотлар йиғиш, таҳлил қилиш ва таҳлил натижалари бўйича урганилаётган объектни фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилиши керак.

## **Ўқув режасида ушбу фан бўйича курс ишларини бажариш белгиланмаган.**

### **Информацион-услубий кўрсатма**

Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида илғор ҳамда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари; аниқлаштирилган мақсадли дифференциал технология асосида иқтисодий фанларни ўқитиш мазмуни; иқтисодий фанларни ўқитишда кўргазмаларни кураш ва техника воситалардан фойдаланиш усуллари; олий таълим тизимида замонавий таълим технологияларидан фойдаланишнинг аҳамиятлилигини кўриб чиқилади.

### **Фойдаланилган асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009й.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Божхона кодекси” Қонуни, Т.: 1997 йил.
3. Кучаров А., Тоиров Ш. «Божхона иши». Дарслик. ТДИУ. 2007 й.
4. Алиев А. «ТИФни давлат томонидан тартибга солиш». Ўқув қўлланма. ТДИУ. 2007 й.

#### **Қўшимча**

1. Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Ўзбекистон Республикаси Ислом Каримовнинг 2008 йилда малакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси (Халқ сўзи 2009 йил, 14 феврал)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма, проф. Ходиев Б.Ю., проф. Бекмурадов А.Ш. ва бошқ. ТДИУ, 2009 й. - 120 б.
3. Драганов В.Г. Основы таможенного дела. М.: 1998 г.
4. Жиряева Е.В. «Экспертиза в таможенном деле и международной торговле». Санкт-Петербург. Логос. 2003г.
5. Свинухов В.Г. Таможенное дело: учебник/ М.:Экономист. 2005.-298 с.

#### **Интернет сайтлари:**

1. <http://www.europe.ru>;
2. <http://www.wto.org>;
3. <http://www.agris.ru>;
4. <http://www.fips.ru>;

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Иқтисодиёт факультети декани  
\_\_\_\_\_ проф.Ф.Т.Эгамбердиев

2011 йил “28” август

<u>Божхона иши асослари</u> (фаннинг номи)	фани бўйича
<u>300000-Ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ</u> (номи ва коди)	таълим соҳаси
<u>5340100-Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича)</u> (номи ва коди)	йўналиши учун

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

Умумий ўқув соати	-98
Шу жумладан:	
Маъруза	-20
Амалий машғулотлар	-22
Мустақил таълим соати	-38

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Миллий университетининг “Иқтисодиёт” факультети Илмий кенгашининг 2011 йил “28” августдаги “1” -сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

5340100-Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

Н.А.Рахматова, ўқитувчи

Ш.И.Рахманов, катта ўқитувчи

## **Маъруза мавзулари ва уларнинг қисқача мазмуни**

**Кириш.** “Божхона иши асослари” курсининг мақсади: ҳукуматнинг иқтисодий ва ташқи савдо сиёсатини аниқлаш. “Божхона иши асослари” курсининг вазифалари: бојхона сиёсати; бојхона органларида бошқариш жараёни; товарлар ва транспорт воситаларини бојхона назоратидан ўтказиш; бојхона назорати шакллари; валюта назорати; бојхона режимлари; бојхона юк декларацияси; контрабанда ва бојхона коидаларини бузилиши; бојхона статистикаси масалаларини ўрганиш.

“Божхона иши асослари” курси қуйидаги фанлар билан узвий боғлиқдир: “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларо”, “Микроиқтисодиёт”, “Макроиқтисодиёт”, “Статистика”. “Божхона иши асослари” курсининг иқтисодчи мутахассислар тайёрлашдаги ўрни.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарининг фанни ўқитишдаги роли ва аҳамияти.

### **Божхона хизматининг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихи. Ўзбекистон Республикасида бојхона хизматининг шаклланиш босқичлари.**

Мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини вужудга келиши ва бојхона хизматининг ташкил топиши. Қадимги Шарқ ва Ўрта ер денгизи давлатларида бојхона муносабатлари. Қадимги Грецияда бојхона ишини ташкил топиши. Мисрда эрамиздан олдинги IV асрда бојхона иши қадимги Римда бојхона хизматинин ташкил топиши. Европада ҳунармандчилик ва савдо марказларини ташкил этилиши шароитида бојхона иши. Бојхона бојлари давлатларнинг иқтисодий ривожланишини белгиловчи омилдир. Қадимги Осиё ва Европа давлатларида бојхона хизматининг ташкил топиши ва унинг ҳуқуқи асосларини такомиллашуви. Европа давлатларининг ўзаро иқтисодий муносабатларини ривожлантиришда бојхона хизматининг тутган ўрни.

Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон давлат бојхона қўмитасининг ташкил этилиши. Давлат бојхона хизмати билан ички ишлар вазирлигининг товар-моддий бойликларини Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний олиб чиқиб кетишга қарши курашларини мувофиқлаштириш. Ўзбекистон Республикаси бојхона хизматининг Давлат солиқ қўмитаси таркибидаги фаолияти. Ўзбекистон Республикаси Давлат бојхона қўмитасининг қайта ташкил этилиши ва унга ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи мақомининг берилиши. Бојхона органларининг асосий вазифаларини белгилаш. Бојхона қонунчилигининг яратилиши ва такомиллаштирилиши. Ўзбекистон Республикаси бојхона хизматини хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро бојхона ташкилотлари

билан ўзаро манфаатли алоқаларининг ўрнатилиши. (Слайд-шоу ва ақлий хужум)

### **Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг тариф усуллари**

Тариф усуллари ташқи иқтисодий фаолиятни иқтисодий тартибга солиш усуллари асосидир. Ташқи иқтисодий фаолиятни тариф усуллари ёрдамида тартибга солишнинг асосий мақсадлари. Божхона божларини иқтисодий табиати ва уларнинг функциялари. Дифференциал рента тушунчаси. Божхона божларининг функциялари. Протекционистик функцияси, мувозанатлаштирувчи функцияси, рағбатлантирувчи функцияси. Тариф эскалацияси. Божхона божларини шакллантиришда ГАТТ/ВТО, Халқаро валюта фонди ва бошқа халқаро, минтақавий ташкилотларнинг талабларини ҳисобга олиш. Божхона божларини миллий иқтисодиёт самарадорлигига, миллий ишлаб чиқариш ҳолатига, давлат даромадларига ва ички баҳоларга таъсири. Божхона божини катта иқтисодиётга таъсири. (Слайд-шоу ва ақлий хужум)

### **Божхона органлари фаолиятида нотариф тартибга солиш усулларида фойдаланиш**

Нотариф чеклашларнинг асосий тушунчаси. Импорт операцияларини нотариф чеклаш. Нотариф чеклашларнинг синфланиши. Иқтисодий, маъмурий ва техник нотариф чеклашлар. Паратариф тадбирлари. Қўшимча тўловлари, қўшимча йиғимлар. Ички солиқлар ва йиғимлар. Баҳолар устидан назорат ўрнатиш тадбирлари. Баҳоларни маъмурий чеклаш. Экспорт баҳоларини «иҳтиёрий равишда» чеклаш. Демпингга қарши чоралар. Компенсация чоралари. Молия чоралари. Автоматик лицензиялаш чоралари. Бош лицензия. Алоҳида олинган лицензия. Тариф квоталари. Мавсумий квоталар. Глобал квоталар. Монополистик чоралар. Техник чоралар. Нотариф чеклашлардан фойдаланишнинг жаҳон тажрибаси. Нотариф чеклаишрни қўллаш самарадорлиги ва кўлами. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни нотариф чеклашлар орқали тартибга солиш. Нотариф чеклашларнинг миллий экспортга таъсири. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон Республикасида нотариф тартибга солиш усулларида фойдаланиш. Савдо шартномалари. Ҳуқуқий режимлар (Слайд-шоу ва ақлий хужум)

### **Божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан ва расмийлаштирувидан ўтказиш**

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан ва расмийлаштирувидан ўтказишнинг моҳияти ва тузилиши. Божхона назоратининг объектлари ва субъектлари. Божхона назоратини ва



расмийлаштирувини ташкил этишнинг асосии йўналишлари. Божхона назорати ва расмийлаштирувининг ўтказиш жойи ва вақти. Божхона органлари томонидан дастлабки операцияларни ўтказишни белгилаш ва қўллаш тартиби. Олиб кирилиши ва олиб чиқилиши тақиқланган ва чегараланган товарлар. Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги ва Божхона Иттифокига аъзо бўлган давлатларда божхона назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Божхона назоратининг шакллари. Божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш. Транспорт ҳужжатлари, савдо ҳужжатлари, божхона ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар. Божхона кўригидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар рўйхати. Товарлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олиш. Жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўраб суриштириш. Товарлар сақланиши мумкин бўлган ҳудудлар ва хоналарни текшириш. Божхона назоратини танлаб ўтказиш.

Валюта сиёсати ва валютани тартибга солиш. Ўзбекистон Республикасининг валюта тизими ва валюта бозори. Ўзбекистон Республикиси валюта тизимининг шаклланиш босқичлари. Валютани тартибга солиш объектлари.

Божхона назоратининг бошланиш ва тугалланиш моментлари. Божхона ва бошқа турдаги назоратни технологик тартиби. Кемаларни божхона назоратидан ўтказиш. Кемаларни божхона назоратидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар. Темир йўл транспорти ёрдамида ташилаётган юкларни божхона назоратидан ўтказиш.

Божхона назорати техника воситаларининг божхона органларини тезкор фаолиятида тутган ўрни. Техника воситаларининг турлари. Божхона назорати техника воситалари. Криминалистика техника воситалари. Божхона экспертизаси техника воситалари. (Слайд-шоу )

### **Божхона режимлари ва уларни қўллаш шартлари**

Божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини белгилаш. Товарларни бутунлай уларни олиб ўтаётган шахс ихтиёрига ўтишини белгиловчи божхона режимлари: импорт, реимпорт, экспорт, реэкспорт. Божхона органлари томонидан белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда товарлардан аниқ мақсадларда фойдаланиш режимлари: божхона омбори, бож олинмайдиган савдо дўкони, транзит, вақтинчалик олиб кириш (олиб чиқиш), эркин божхона зонаси, эркин омбор, қайта ишлаш, давлат фойдасига воз кечиш, товарларни йўқ қилиш. Божхона режимлари савдони, саноатни ва халқаро ташувларни ривожлаштиришга қаратилганлиги. Божхона режимларининг аҳамияти. Божхона режимларининг тавсифи. Ҳар хил божхона режимларида қўлланиладиган; иқтисодий сиёсат чоралари. Товарларни белгиланган божхона режимлари остида бўлиш муддатлари. Аниқ божхона режими остига қўйилиши мумкин бўлган товарлар рўйхати. Божхона режимини танлаш ва ўзгартириш. (Слайд-шоу ва ақлий ҳужум)

## **Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда божхона юк баённомасини қўллаш ва жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларнинг божхона назорати**

Божхона юк баённомаси (БЮБ) товарлар ва транспорт воситаларини божхона расмийлаштирувида фойдаланиладиган асосий ҳужжат. Божхона юк баённомасини божхона расмийлаштируви амалиётига киритилишидан мақсад. Божхона юк баённомасининг шакллари. Божхона юк баённомасини тўлдириш бўйича божхона органларининг талаблари. Божхона юк баённомасининг асосий бўлимларини тавсифи. Божхона юк баённомасидаги ахборот бўлимлари. Ўтказиб беришнинг умумий тавсифи. Ташқи савдо келишувини божхона расмийлаштирувидан ўтказишда иштирок этувчи юридик шахслар. Транспорт бўлими. Молия бўлими. Туркумлардаги ҳар бир товарнинг тавсифи. БЮБ дан фойдаланган ҳолда божхона назорати ва расмийлаштирувини ўтказишда талаб этиладиган ҳужжатлар. БЮБдан фойдаланган ҳолда товарларни божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш кетма-кетлиги.

Жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларнинг божхона назорати ва расмийлаштируви тартиби. Жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларни божхона назоратидан ўтказишни соддалаштирилган тартиби. Божхона тўловларининг ягона ставкалари. Жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш. Божхона имтиёзларидан фойдаланувчи чет эл шахслари томонидан олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви ва назорати. Божхона имтиёзлари. Барча божхона кўриқларидан озод этиш. Барча божхона тўловларини тўлашдан озод этиш.

Товар номенклатураси тушунчаси ва унинг товарларни синфлаш билан боғлиқлиги. Номенклатура-сўзининг маъноси. Товарларни синфлаш тартиби. Товарларни кодлаштириш. Асосий товар номенклатураларининг умумий тавсифи. Брюссель товар номенклатураси. МДҲ давлатларининг ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси. (Слайд-шоу ва ақлий ҳужум)

## **Товарларнинг божхона қиймати ва уни аниқлаш усуллари**

Товарларнинг божхона қиймати тушунчаси ва унинг иқтисодий аҳамияти. Товарларнинг божхона қиймати ва уларни аниқлаш бўйича жаҳон тажрибаси. Товарларнинг божхона қийматини ҳисоблашнинг Брюссель ва ГАТТ халқаро тизими. Товарларнинг божхона қийматини аниқлашнинг уйғунлаштирилган методологиясини яратиш конвенцияси. Ўзбекистон Республикаси божхона мақсадларида товарларни баҳолашнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси. Божхона қийматини аниқлаш усуллари тизими. Олиб кириладиган товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб товарнинг божхона қийматини аниқлаш. Ўхшаш товарлар юзасидан тузилган битим қийматига қараб товарнинг божхона қийматини ҳисоблаш. Бир хил товарлар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона қийматини

ҳисоблаш. Ўхшаш ва бир хил товарлар баҳоларини мослаштириш. Товарнинг божхона қийматини қийматларни чегириш асосида аниқлаш. Товарнинг божхона қийматини қийматларни қўшиш асосида аниқлаш. Заҳира усули. Божхона қийматини декларациялаш. (Слайд-шоу ва ақлий ҳужум)

### **Божхона органлари фаолиятида солиқлар, божхона тўловлари ва йиғимларининг тутган ўрни**

Солиқ сиёсатининг асосий тамойиллари ва солиқларнинг функциялари. Аниқлик принципи, қулайлик принципи ва самарадорлик принципи. Солиқларни фискал, тақсимлаш ва рағбатлантириш функциялари. Божхона тўловларининг турлари ва уларни ундирилиш тартиби. Божхона божи божхона тўловларининг асосий туридир. Қўшилган қиймат солиғини ундирилишининг ўзига хос хусусиятлари. Ташқи савдода акциз солиғи. Божхона йиқимлари ва уларни ундириш тартиби. Ягона божхона тўлови ва уни ундирилиш тартиби. Ягона божхона йиқими. Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун йиғим. Товарларни божхона кузатувиغا олганлик учун йиғим. Товарларни божхона омборида сақлаганлик ва божхона органлари томонидан рухсатнома берганлик учун йиғимлар. Ўзбекистон Республикасида божхона тўловларининг ундирилишини ҳуқуқий асослари. Божхона тўловлари бўйича бериладиган имтиёзлар. Божхона имтиёзларини мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тутган ўрни. (Ақлий ҳужум)

### **Божхона статистикаси божхона иши асосларининг таркибى қисми**

Божхона статистикасининг предмети ва усуллари. Божхона статистикасининг ташкил топиши ва ривожланиши. Божхона статистикасининг иқтисодий статистикадаги ўрни. Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси ва унинг синфланиши. Ташқи савдо божхона статистикаси. Махсус божхона статистикаси. Ташқи иқтисодий фаолиятда хизматлар статистикаси. Божхона статистикасини ўрганиш объектлари. Божхона статистика маълумотларининг манбалари. Ўзбекистон Республикасида божхона статистикасини ташкил этиш ва уни янада такомиллаштириш масалалари.

Ташқи савдо божхона статистикасида товарларни етказиб беришнинг тижорат шартлари. Товарларни етказиб беришнинг тижорат (базис) шартлари тушунчаси ва уларни синфланиши. (Слайд-шоу ва ақлий ҳужум)

### **Божхона органларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти ва контрабандага қарши кураш**

Божхона органларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти тушунчаси ва таркиби. Божхона органларини ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятининг шакллари. Божхона органларини ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятининг маъмурий-ҳуқуқий ва маъмурий-

процессуал шакллари. Божхона қоидаларини бузилиши тушунчаси ва унинг умумий тавсифи. Божхона қоидаларини бузилишининг объектлари ва субъектлари. Божхона қоидаларини бузганлик учун маъмурий чоралар тушунчаси ва турлари. Божхона қоидаларини бузганлик учун қўлланиладиган маъмурий чоралар. Божхона қоидаларини бузганлик учун қўлланиладиган жиноий жавобгарлик.

Контрабанда тушунчаси. Контрабанда жинояти. Контрабанда жинояти турлари. Контрабанда объектлари. Контрабанда жинояти предмети. Контрабанда жиноятининг объектив томони. Контрабанда жиноятининг субъектив томони. Контрабанда жиноятини содир қилганлик учун қўлланиладиган маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралар. Божхона қоидаларини бузилиши: турлари ва уларнинг умумий тавсифномаси. Божхона қоидаларини бузилиши бўйича иш олиб бориш босқичлари ва тартиби. Мансабдор шахс томонидан контрабанда жиноятини содир этиш. Уюшган гуруҳ томонидан контрабанда жиноятини содир этиш. Контрабанда жинояти бўйича жиноий ишни кўзқатиш. Божхона органларининг тезкор - қидирув фаолияти. Божхона органларининг тезкор бўлинмаларини тезкор қидирув фаолиятининг асосий йўналиши. Божхона органлари тезкор бўлинмаларини тезкор қидирув фаолиятини ахборот таъминоти.

Халқаро ҳамкорликни Ўзбекистон Республикаси божхона органлари самарадорлигини оширишда тутган ўрни. Республика божхона органларини хорижий мамлакатлар божхона органлари ҳамда халқаро божхона ташкилотлари билан ҳамкорлиги. (Слайд-шоу)

### **Амалий машғулотлар**

Амалий машғулотлар маъруза курсининг қуйидаги мавзулари асосида ўтказилади:

#### **1-Мавзу. Божхона хизматининг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихи. Ўзбекистон Республикасида божхона хизматининг шаклланиш босқичлари (2 соат)**

1. Мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини вужудга келиши ва божхона хизматининг ташкил топиши хусусиятлари.
2. Божхона хизматини ривожланиш босқичлари.
3. Ўзбекистонда божхона хизматининг шаклланиш шарт-шароити ва ривожланиш босқичлари.
4. Ўзбекистонда божхона ишини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари.

#### **2-Мавзу. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг тариф усуллари (2 соат)**

1. Ташқи иқтисодий фаолиятни тариф усуллари ёрдамида тартибга солиш.

2. Божхона божларининг иқтисодий хусусиятлари, функциялари ва турлари.
3. Божхона божларини миллий иқтисодиёт самарадорлигига, миллий ишлаб чиқариш ҳолатига, давлат даромадларига ва ички баҳоларга таъсири.
4. АҚШ эркин савдо шароитида А товарни 110 долл. дан 250 та ишлаб чиқаради ва 400 та истеъмол қилади. Агар АҚШ А товар импортидан 20% ли бож ундиришни бошласа, бу товарнинг жаҳон нархи 100 долл.гача тушади, ички ишлаб чиқариш 300 донага, ички истеъмол эса 350 донага тенглашади. Божхона божининг АҚШ иқтисодиётига таъсирини аниқланг.

### **3-Мавзу. Божхона органлари фаолиятида нотариф тартибга солиш усулларидан фойдаланиш (2 соат)**

1. Нотариф чеклашларнинг моҳияти ва унинг тулари.
2. Микдорий чекловларнинг миллий иқтисодиётга таъсири.
3. Яширин нотариф дастакларнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Молиявий ва ноиқтисодий дастаклар.
5. Кичик мамлакат А товарни 10 долл. дан импорт қилади. А товарнинг ички таклифи  $S = 50 + 5P$ , ички талаб эса  $D = 400 - 10P$  га тенг. Фараз қилайлик, мамлакат ҳар бир дона товар импортини 100 дона микдорида чеклаб қўйди. Нотариф квотанинг мамлакат иқтисодиётига таъсирини аниқланг.

### **4-Мавзу. Божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш (2 соат)**

1. Товарлар ва транспорт воситаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Божхона органлари томонидан дастлабки операцияларни ўтказишни белгилаш ва қўллаш тартиби.
3. Товарлар олиб кириш ва олиб чиқиш тақиқланадиган ҳолатлар.
4. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Божхона Иттифокига аъзо бўлган давлатларда товарларини божхона назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

### **5-Мавзу. Божхона режимлари ва уларни қўллаш шартлари (2 соат)**

1. Божхона режимларининг моҳияти ва турлари.
2. Умумий божхона режимларининг қўлланилиш хусусиятлари.
3. Махсус мақсадларда қўлланилувчи божхона режимлари.

### **6-Мавзу. Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда божхона юк баённомасини қўллаш ва жисмоний шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларнинг божхона назорати (2 соат)**

1. Божхона баённомасининг моҳияти ва шакллари.

2. Божхона юк баённомасини тўлдириш бўйича божхона органларининг талаблари.
3. Божхона юк баённомасининг асосий бўлимларини тавсифи.
4. БЮБдан фойдаланган ҳолда божхона назорати ва расмийлаштирувини ўтказишда талаб этиладиган ҳужжатлар.

### **7-Мавзу. Товарларнинг божхона қиймати ва уни аниқлаш усуллари (2 соат)**

1. Товарларнинг божхона қиймати тушунчасини ва унинг иқтисодий аҳамияти.
2. Товарларнинг божхона қийматини аниқлаш бўйича жаҳон тажрибаси.
3. Олиб кирилаётган товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб товарнинг божхона қийматини аниқлаш.
4. Бир хил ва ўхшаш товарлар юзасидан тузилган битим қийматига қараб товарнинг божхона қийматини ҳисоблаш.
5. Товарнинг божхона қийматини қийматларни чегириш ва қўшиш асосида аниқлаш.
6. Товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг заҳира усули.
7. Божхона қиймати декларацияси.
8. Ўзбекистоннинг «Uzbekistan GM» корхонаси Франциянинг «Peugeot» корхонасидан «Peugeot 206» моторини ишлаб чиқаришга патентни сотиб олди. Аммо ушбу маҳсулотни «Uzbekistan GM» ўзи ишлаб чиқара олмаганлиги учун у «Mitsubishi motors» билан алоҳида шартнома тузди ва Япониядан «Peugeot 206» моторини импорт қилишни бошлайди. Ушбу импортнинг божхона қийматини 1-усул асосида аниқлаш мумкинми? Жавобингизни тушунтиринг.

### **8-Мавзу. Божхона органлари фаолиятида солиқлар, божхона тўловлари ва йиғимларининг тутган ўрни (2 соат)**

1. Божхона тўловларини ундирилиш тартиби.
2. Қўшилган қиймат солиғини ундирилишининг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ташқи савдода акциз солиғининг эгалаган ўрни.
4. Божхона йиғимлари ва уларни ундириш тартиби.
5. Божхона тўловлари бўйича бериладиган имтиёзлар.
6. А товар импортидан 20% божхона божи ва уни ишлаб чиқаришда қўлланилувчи Б товар импортидан 40% божхона божи ундирилади. Б товарнинг А товар қийматидаги улуши 50%ни ташкил қилса самарали божхона божи нечига тенг бўлади?

### **9-Мавзу. Божхона статистикаси божхона иши асосларининг таркибний қисми (2 соат)**

1. Божхона статистикасининг усуллари.
2. Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси ва унинг синфланиши.

3. Ташқи савдо божхона статистикасида товарларни етказиб беришнинг тижорат шартларининг ўрни.
4. Товарларни етказиб беришнинг тижорат шартлари таснифи.

### **10-Мавзу. Божхона органларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти ва контрабандага қарши кураш (4 соат)**

1. Божхона органларини ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти.
2. Божхона қоидаларини бузилишининг умумий тавсифи.
3. Контрабанда жиноятини содир қилганлик учун қўлланиладиган маъмурий ва жинойий жавобгарлик чоралари.

### **Мустақил таълим топшириқлари**

Мустақил иш ўқитувчининг талабаларга аввалда бериб қўйиладиган фаннинг мавзулари асосида ташкил этилади. Мустақил иш учун куйидаги топшириқларни бажариш тавсия этилади:

1. Амалий машғулотларга тайёргарлик (22 соат);
2. Божхона божининг катта ва кичкина иқтисодиётга таъсири бўйича масалалар ечиш (2 соат);
3. Нотариф квотанинг катта ва кичкина иқтисодиётга таъсири бўйича масалалар ечиш (2 соат);
4. Божхона юк декларациясини тўлдириш бўйича кейс-стадилар ечиш (2 соат);
5. Божхона қийматини аниқлаш бўйича масалалар ечиш (2 соат);
6. Божхона бождари, солиқлар ва бошқа тўловларини ҳисоблаш бўйича масалалар ечиш (2 соат);
7. Киото конвенциясининг хусусиятларини таҳлил қилиш (2 соат);
8. Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши афзалликлари ва камчиликларини аниқлаш (4 соат).

### **Информацион-услубий таъминот**

Дастурдаги мавзуларни ўтишда таълимнинг замонавий методларидан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада замонавий педагогик технологияларнинг “Кластер”, “Матбуот конференцияси” ҳамда «Муаммоли таълим» технологиясининг «Мунозарали дарс» методига доир слайдлардан фойдаланиш, дидактик ва ролли ўйин усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **ТАЛАБАНИНГ БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

Балл (фоизда)	Талабанинг билим даражасига қўйиладиган талаблар
86– 100	Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни моҳиятини тушунади, мавзунини иқтисодий жиҳатларини билади ва айтиб бера олади, савол бўйича тасаввурга эга, назарияларни амалиёт билан

	боғлай олади, мустақил мушоҳада юрита олади, илмий ва ижодий ёндашувга эга, хулоса ясай олади.
71 – 85	Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни моҳиятини тушунади, мавзуни иқтисодий жиҳатларини билади ва айтиб бера олади, савол бўйича тасаввурга эга, назарияларни амалиёт билан боғлай олади, мустақил мушоҳада юрита олади.
55 – 70	Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни моҳиятини тушунади, мавзуни иқтисодий жиҳатларини билади ва айтиб бера олади, савол бўйича тасаввурга эга.
0 –54	Мавзу (савол) бўйича аниқ тасаввурга эга эмас, иқтисодий тушунчаларнинг айримларини айта олади.

### **Талабалар мустақил таълимни баҳолаш мезони**

Мустақил таълимга ажратилган баллнинг 86-100 фоизида - берилган барча топшириқларни муддатида, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарган, ишга қизиқиш ва масъулият билан ёндашган, етарли даражада назарий ва амалий билимларга эга эканлигини, масалага ижодий ёндаша олишини кўрсата олган талабага қўйилади.

Мустақил таълимга ажратилган баллнинг 71-85 фоизида - топшириқларни тўлиқ ва тўғри бажарган, лекин айрим камчиликларга йўл қўйган, топширилган вазифани асосан мустақил бажарган, яхши назарий ва амалий билимларга эга эканлигини кўрсатган, ишга етарлича масъулият билан ёндашган талабага қўйилади.

Мустақил таълимга ажратилган баллнинг 55-70 фоизида - топшириқларни умуман бажарган, лекин етарлича мустақиллик ва фаоллик кўрсатмаган, қатор топшириқларни муддатидан кечиктириб бажарган, назарий ва амалий билим даражаси ўртача эканлигини намоён этган талабага қўйилади.

Мустақил таълимга ажратилган баллнинг 0-54 фоизида - топшириқларни умуман бажармаган ёки кам қисмини бажарган, ишга масъулиятсизлик билан ёндашган, назарий ва амалий билими паст савияда эканлигини кўрсатган талабага қўйилади.

### **Фойдаланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати асосий адабиётлар:**

1. Толиш Л. «Технологии обучения в экономическом образовании: введение в технологизацию обучения в экономическом ВУЗе»,- Т., ч. 2, ТГЭУ, 2005, 79с.
2. Толиш Л. «Технологии обучения в экономическом образовании: технологий обучения на лекциях и семинарах в экономическом ВУЗе»,- Т., ТГЭУ, 2005, 203с.
3. Свинухов В.Г. Таможенное дело: учебник / В.Г.Свинухов. М.: Экономист, 2005. 298с.



4. Свинухов В.Г. Таможенное тарифное регулирование внешнеэкономической деятельности. Издательство таможенная стоимость: Учебник/Свинухов В.Г.- М.: Экономист, 2005. 271с.
5. Гулямов С. и др. «Дистанционное экономическое образование», Т.:Шарк, 2004, 84с.
6. Сирожиддинов Н. «Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана». Т.: УМЭД, 2004, 224с.
7. Свинухов В.Г. «Таможенно-тарифное регулирование ВЭД» М: Экономист 2004г.
8. Миляков Н.В.-«Таможенная пошлина» М: Финансы и статистика 2004г.
9. Жиряева Е.В. «Экспертиза в таможенном деле и международной торговле». Санкт-Петербург. Логос. 2003г.
10. Хамидов И.А, Алимов А.М. «Узбекистан Республикасында Ташкилик сиродий фаолият асослари» Т: Узбекистан 2002й.
11. Сандровский К.К. «Международное таможенное право» Киев: Знание, 2002г.
12. Гордиенков А.Д., Козыкин А.Ф. Теория и практика доказывания по делам об уклонении от уплаты таможенных платежей (в стадии предварительного расследования): Монография. - М.: РИО РТА, 2003.- 161 с.
13. Демченко А.А. Организация системы управления в таможенных органах. Лекция. М.: РИО РТА, 2003. - 33с.
14. Д.И.Менделеева: уроки для России: Учебное пособие. - М.: РИО РТА, 2003. -304с.
15. Жиряева Е.В. Экспертиза в таможенном деле и международной торговле. Классификация. Экспертиза. Оценка. - СПб.: Питер, 2003. - 557с.
16. Соболевская С.Ю. Таможенное оформление. - М.: Бератор, 2003. 240с.
17. Назаренко Б.Н., Назаренко К.С. «Таможенное обслуживание ВЭД». М: Экзамен, 2001г.
- 18.«Основы таможенного дела», -Т.: "Мир экономики и права", под ред. У.Т.Камилова, 1998.
19. «Основы таможенного дела».- М., под ред. В.Г.Драганова, 1998.
20. Киреев А.П. «Международная экономика» -М.:Международные отношения, Ч. 1 1997.
21. Ершов А. Д. Международные таможенные отношения: Учеб.пос. - М.: Изд. ИВЭСЭП, 2000.
22. Основы таможенного дела. Учебник. Коллектив авторов, - М.: изд. "Мир экономики и право", 1998.
23. Молчанова О.В. Таможенное дело. Учебник. - М.:Изд. «Мир экономики и права», 2005.
24. Чекмарева Г.И. Основы таможенного дела. - М.: Изд. ИНФРА, 2001.

25.Ваҳабов А.В., Худякова Н.К., Хожибоқиев Ш.Х. Божхона иши асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Университет, 2002.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси. Т.: Изд. «Ўзбекистон»,1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги қонуни. - Т.:Изд. «Ўзбекистон» 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. /Т. 1992.
5. «Импорт операцияларини тартибга солиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 1998 йил 18 феврал.
6. «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори. 1998 йил 31 март.
7. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. «О ввозе, вывозе и транзите через территорию Республики Узбекистан наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров» №293 от 31 июля 2000 г.
8. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. «О дополнительных мерах по унификацию импортных таможенных пошлин» №189 от 31 мая 2002 г.
9. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об упорядочении ввоза товаров физическими лицами на территорию Республики Узбекистан» №154 от 6 мая 2002 г. с изменениями ПКМ №335 от 27 сентября 2002 г.
- 10.Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. «О внесении изменений в отдельные решения Правительства Республики Узбекистан по вопросам упорядочения ввоза товаров физическими лицами на территории республики» №335 от 27 сентября 2002 г.
- 11.Контрабанда жинояти ва унга қарши кураш масалалари, Ўқув-методик қўлланма, Давлат Божхона кумитаси ўқув маркази. - Т.: 2000 й.
- 12.Международные конвенции Организации Объединенных Наций по таможенному делу. - Т: ИПК «ШАРК», 1995.
- 13.Петров Ю., Кудрявцева И. Практика таможенного регулирования. /М. 1995.
- 14.Пўлатов Ю.С Таможенное законодательство Республики Узбекистан.Т.ИПК «Шарк» 1995
- 15.Экспорт: таможенное регулирование. М «Беагвест»2000

16. Шорахмедов Ш. Умумий таҳрири остида “Божхона фанларининг илмий асослари”, Т.: Изд. Солиқ ва божхона органлари академияси, 2002.
17. Ахмедова А. Божхона ишида “Инкотермс-1990”, халқаро қоидаларнинг қўлланилиши. Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999.
18. Таможенное право в схемах. Конспект лекций. /М.: «ПРИОР», 1999.
19. Бадин Э.П. Основы внешнеэкономической политики. –М.: Экономика, 1997 г.
20. Арутюнян Г.В. Правовое регулирование таможенных платежей. Учеб.пособ. - М.: Изд. «Юриспруденция», 2000 г.
21. <http://www.Norma.uz>

2011/2012 ўқув йили учун “Божхона иши асослари” фанидан ишчи ўқув дастурга ўзгартишишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

5340100-Иқтисодиёт (тармоқлар бўйича) таълим йўналиши бўйича “Божхона иши асослари” фанининг ишчи ўқув дастурига қўйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда:

1. Қўйидаги мавзулар бирлаштирилди: “Божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш”; “Валюта назорати”; “Турли транспорт воситалар томонидан амалга оширилаётган товарлар ташувининг божхона назорати”; “Божхона назоратининг техника воситалари ва божхона экспертиза”.
2. Қўйидаги икки мавзу бирлаштирилди: “Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда божхона юк баённомасини қўллаш ва жисмоний шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларнинг божхона назорати” ва “Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси”
3. Қўйидаги икки мавзу бирлаштирилди: «Божхона органларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти ва контрабандага қарши кураш» ва “Божхона органлари фаолиятини самарадорлигини оширишда божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти”
4. 2-мавзуга божхона божини катта иқтисодиётга таъсири қўшилди.
5. 3-мавзуга савдо шартномалари қўшилди.
6. 3-мавзуга ҳуқуқий режимлар қўшилди.

**“Божхона иши асослари” фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича  
машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимооти**

Т/р	Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни	Соатлар		
		Жами	Маъруза	Амалий машғулотлар
1.	Божхона хизматининг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихи. Ўзбекистон Республикасида божхона хизматининг шаклланиш босқичлари.	4	2	2
2.	Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг тариф усуллари	4	2	2
3.	Божхона органлари фаолиятида нотариф тартибга солиш усулларида фойдаланиш	4	2	2
4.	Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш	4	2	2
5.	Божхона режимлари ва уларни қўллаш шартлари	4	2	2
6.	Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда божхона юк баённомасини қўллаш ва жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларнинг божхона назорати	4	2	2
7.	Товарларнинг божхона қиймати ва уни аниқлаш усуллари	4	2	2
8.	Божхона органлари фаолиятида солиқлар, божхона тўловлари ва йиғимларининг тутган ўрни	4	2	2
9.	Божхона статистикаси божхона иши асосларининг таркибий қисми	4	2	2
10.	Божхона органларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти ва контрабандага қарши кураш	6	2	4
ЖАМИ		42	20	22

### Баҳолаш мезонлари ва баллар тақсимооти

Фан бўйича талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакалари назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида балларда ифодаланади.

Талаба мазкур фан бўйича йиғиши мумкин бўлган максимал балл – 100 балл бўлиб, у қуйидагича тақсимот қилинади:

- жорий назорат – 40 балл;
- оралик назорат – 30 балл;
- якуний назорат – 30 балл.

Фан бўйича жорий ва оралик назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланади. Ушбу фоиздан (55 фоиз) кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга қўйилмайди.

Жорий ва оралик назорат турлари бўйича 55 ва ундан юқори балли тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига ҳам йўл қўйилади.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

#### *Жорий назоратдаги баллар тақсимооти (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари)*

№	Топшириқларнинг номланиши	Максимал йиғиш мумкин бўлган балл
1.	Машғулотларда фаол қатнашганлиги ва конспектни тўлиқ юритганига, мавзу доирасида мустақил фикрлашига ва аналитик қобилиятига, берилган топшириқларни бажариб келганлига	30 балл
2.	Талабанинг мавзулар бўйича мустақил бажарилган уй вазифаси ҳамда топшириқларини бажаришига	10 балл
	<b>Жами</b>	<b>40 балл</b>

Оралик назорат рейтинг жадвалида белгиланган муддат ва вақтларда ёзма иш шаклида олинади.

Мазкур назорат тури семестр давомида 2 мартаба ўтказилади ва ҳар бирига максимал 15 балл берилади, 1 та Оралик назорат мустақил таълим шаклида ташкил этилади.

#### *Талабалар мустақил таълимини баҳолаш мезони*

Мустақил таълимга ажратилган баллнинг 86-100 фоизида - берилган барча топшириқларни муддатида, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарган, ишга қизиқиш ва масъулият билан ёндашган, етарли даражада назарий ва амалий билимларга эга эканлигини, масалага ижодий ёндаша олишини кўрсата олган талабага қўйилади.

Мустақил таълимга ажратилган баллнинг 71-85 фоизида - топшириқларни тўлиқ ва тўғри бажарган, лекин айрим камчиликларга йўл

қўйган, топширилган вазифани асосан мустақил бажарган, яхши назарий ва амалий билимларга эга эканлигини кўрсатган, ишга етарлича масъулият билан ёндашган талабага қўйилади.

Мустақил таълимга ажратилган баллнинг 55-70 фоизида - топшириқларни умуман бажарган, лекин етарлича мустақиллик ва фаоллик кўрсатмаган, қатор топшириқларни муддатидан кечиктириб бажарган, назарий ва амалий билим даражаси ўртача эканлигини намоён этган талабага қўйилади.

Мустақил таълимга ажратилган баллнинг 0-54 фоизида - топшириқларни умуман бажармаган ёки кам қисмини бажарган, ишга масъулиятсизлик билан ёндашган, назарий ва амалий билими паст савияда эканлигини кўрсатган талабага қўйилади.

*Яқуний назоратда баллар тақсимот  
(ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича)*

Жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизидан (38,5 балдан) юқори балл тўплаган талабага яқуний назоратда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. Яқуний назоратдаги вариантлар ҳар бир талабага такрорланмайдиган ҳолда алоҳида тузилиб, ҳар бири 3 та топшириқдан иборат бўлади.

Яқуний назоратдаги ёзма ишларни баҳолаш мезонлари ҳар бир топшириқ учун максимал 10 баллдан белгиланган.

*Яқуний назорат ишларини баҳолаш мезони*

Балл (фоизда)	Талабанинг билим даражасига қўйиладиган талаблар
86– 100	Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни моҳиятини тушунади, мавзуни иқтисодий жиҳатларини билади ва ёритиб бера олади, савол бўйича тасаввурга эга, назарияларни амалиёт билан боғлай олади, мустақил мушоҳада юрита олади, илмий ва ижодий ёндашувга эга, хулоса ясай олади.
71 – 85	Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни моҳиятини тушунади, мавзуни иқтисодий жиҳатларини билади ва ёритиб бера олади, савол бўйича тасаввурга эга, назарияларни амалиёт билан боғлай олади, мустақил мушоҳада юрита олади.
55 – 70	Иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни моҳиятини тушунади, мавзуни иқтисодий жиҳатларини билади ва ёритиб бера олади, савол бўйича тасаввурга эга.
0 –54	Мавзу (савол) бўйича аниқ тасаввурга эга эмас, иқтисодий тушунчаларнинг айримларини ёритиб бера олади.

### Таълим технологияси

<b>1-МАВЗУ.</b>	<b>“Божхона хизматининг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихи. Ўзбекистон Республикасида божхона хизматининг шаклланиш босқичлари”</b>
-----------------	---

#### 1.1. Маърузада таълим технологияси

<i>Ўқув соати: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 30-50</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	Кириш маърузаси
<i>Маъруза режаси</i>	<p>5. Мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини вужудга келиши ва божхона хизматининг ташкил топиши хусусиятлари.</p> <p>6. Божхона хизматини ривожланиш босқичлари.</p> <p>7. Ўзбекистонда божхона хизматининг шаклланиш шарт-шароити ва ривожланиш босқичлари.</p>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади: Ўқув фани бўйича яхлит тасаввурларини шакллантириш.</i>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• “Божхона иши” фанининг моҳияти, шаклланиш тарихи, предмети ва иқтисодиёт фанлари тизимидаги ўрни билан таништириш;</li> </ul>	<p>Фаннинг шаклланиш тарихини, моҳиятини, ўрганиш объектини, предмети ва бошқа фанлар билан алоқадорлигини изоҳлаб берадилар;</p>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фаннинг тадқиқот усулларини тушунтириб-изоҳлаб бериш;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фаннинг тадқиқот усулларини ва уларнинг хусусиятларини, макроиқтисодий моделларнинг моҳиятини ёритиб берадилар;</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фаннинг таркибий тузилиши ва тавсия этиладиган ўқув-услубий адабиётлар ҳақида маълумот бериш;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фан бўйича ўрганиладиган мавзуларни ва асосий адабиётларни санаб берадилар.</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фанни ўргатиш жараёнидаги услубий, ташкилий ишлар мазмунини ҳамда баҳолаш муддатлари ва шаклларини ёритиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Фанни ўрганиш-ўзлаштиришнинг ташкилий жиҳатларини ва баҳолаш шакллари ҳамда муддатларини айтиб беради.</li> </ul>
<i>Таълим методлари</i>	Маъруза, намойиш этиш, суҳбат, тушунтириш, савол-жавоб
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер



	технологиялари, слайдлар, формат қоғозлари, маркерлар
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Назорат саволлари

**« Божхона хизматининг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихи.  
Ўзбекистон Республикасида божхона хизматининг шаклланиш  
босқичлари» мавзуси буйича маъруза машғулотининг  
технологик ҳаритаси**

<i>Фаолият босқичлари</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчининг</i>	<i>талабаларнинг</i>
I. Кириш босқичи (20 мин.)	1.1. Ўқув фанининг номини эълон қилади. Фан ҳақида бошланғич тушунча беради ва фанни ўқитиш бўйича услубий ва ташкилий ишларнинг асосий томонларини очиб беради.	Тинглайдилар.
	1.2. Мазкур фан бўйича ўрганиладиган мавзуларни жамланган “Курснинг таркибий тузилиши” номли схемани экранга чиқаради, уларнинг мазмуни, ўрганиш кетма-кетлиги ҳақида мухтасар маълумот беради Фанни ўзлаштириш даражасини рейтинг баҳолаш тартиби ва мезонлари билан таништиради. Адабиётлар рўйхатини тақдим этади ва изоҳлайди.	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. Саволлар берадилар.
	1.3. Мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган ўқув натижаларини эълон қилади.	Мавзуни дафтарларига ёзадилар
	1.4. Блиц-сўров усулида мавзу бўйича маълум бўлган тушунчаларни санаб беришни сўрайди.	Тушунчаларни санаб берадилар. Саволларга жавоб беради.
II. Асосий босқич (50 мин.)	2.1. Мавзу бўйича маъруза матнларини тарқатади, экранга мавзу режасини чиқаради ва асосий тушунчалар билан танишиб чиқишни таклиф қилади.	Тинглайдилар.
	2.2. Намойиш қилиш ва изоҳлаш ёрдамида босқичма-босқич мавзу режасидаги саволлар бўйича маъруза ўқув материалларини тушунтиради ва диққатни жалб қилувчи	Тинглайдилар. Шарҳ мобайнида схема, илова-лар, слайдларни

	<p>саволлар беради:</p> <p>Биринчи савол бўйича – фаннинг шаклланиш тарихи, объекти, предмети, ва бошқа фанлар билан алоқасини слайдларда намойиш этиб, тушунтиради.</p> <p>2.3. Иккинчи савол бўйича - слайддан фойдаланган ҳолда божхона хизматини ривожланиш босқичларини тушунтириб-изоҳлаб ўтади.</p> <p>2.4. Учинчи савол бўйича – Ўзбекистонда божхона хизматининг шаклланиш шарт-шароити ва ривожланиш босқичларини тушунтириб ўтади</p> <p>Мавзунинг асосий мазмунига эътиборни қаратади, уларни ёзиб олишни таклиф қилади.</p>	<p>муҳокама қилдилар, аниқлаштирилдилар, саволлар берадилар.</p>
	<p>Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хулосалар қилади. Талабаларнинг эътиборини асосий тушунчаларга ва аҳамиятли томонларига жалб қилади.</p>	<p>Тинглайдилар.</p>
<p>III. Якуний босқич (10 мин.)</p>	<p>3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қиладилар. Фаолият натижаларини изоҳлайди.</p>	<p>Саволлар берадилар</p>
	<p>3.2. Мавзу бўйича якуний хулоса қилади, машғулот жараёнида фаол иштирок этган талабаларни айтиб ўтади.</p>	<p>Саволга жавоб беришади.</p>
	<p>3.3. Мустақил иш учун вазифа беради: “Ўзбекистонда божхона ишини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари”.</p>	<p>Мустақил иш учун вазифани ёзиб олишади.</p>

## 1.2. Семинарда таълим технологияси

<p><i>Ўқув соати: 2 соат</i></p>	<p><i>Талабалар сони: 15-25</i></p>
<p><i>Ўқув машғулотининг шакли</i></p>	<p>Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш</p>
<p><i>Амалий машғулотда муҳокама қилиш учун саволлар</i></p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини вужудга келиши ва божхона хизматининг ташкил топиши хусусиятлари.</li> <li>2. Божхона хизматини ривожланиш босқичлари.</li> <li>3. Ўзбекистонда божхона хизматининг шаклланиш шарт-шароити ва ривожланиш босқичлари.</li> <li>4. Ўзбекистонда божхона ишини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари.</li> </ol>

<i>Машғулотининг мақсади:</i> Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаш-тириш	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• фаннинг моҳияти, предмети, тадқиқот усуллари ҳақидаги назарий билимларини мустаҳкамлаш;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• қуйидаги тушунчаларга тариф берадилар: <ul style="list-style-type: none"> <li>- божхона иши фани объекти;</li> <li>-божхона ишининг элементлари;</li> <li>- протекционизм;</li> <li>- қисман чеклаш.</li> </ul> </li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• кириш мавзуси бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• фаннинг шаклланиш тарихи, ўрганиш объекти, амалий аҳамияти, божхона ишининг субъектларининг моҳиятини очиб берадилар;</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• “Божхона иши” фанининг тадқиқот усуллари тўғрисидаги тасаввурларини кенгатириш;</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• фаннинг тадқиқот усуллари ва қўллаш шартларини ва аҳамиятини тушунтириб берадилар;</li> </ul>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• коммуникация, гуруҳда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• курснинг асосий вазифаларни билишади.</li> </ul>
<i>Ўқитиш усуллари</i>	Сухбат, ақлий ҳужум, блиц-сўров
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Маъруза матнлари, тарқатма материаллар, доска, бўр, видеопроектор, формат қоғозлари, маркерлар, скотч
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Оммавий ва жамоавий, кичик гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Техник воситалардан фойдаланишга ва кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: ўқув вазифалари, жадваллар тузиш

### Семинар машғулотининг технологик ҳаритаси

Босқичлар, вақт	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талабалар
1. Кириш босқичи (15 мин.)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. Ўқитиш кичик гуруҳларда ишлаш технологияси асосида олиб борилишини эълон қилади.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар
	1.2. Мавзунинг таянч иборалари асосида блиц-сўров ўтказади. Қуйидаги тушунчаларга таъриф	Саволга жавоб берадилар.

	<p>беришни таклиф қилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- божхона иши фани объекти;</li> <li>-божхона ишининг элементлари;</li> <li>- протекционизм;</li> <li>- қисман чеклаш.</li> </ul> <p>Ушбу мавзу бўйича маъруза машғулоти охирида берилган вазифани, яъни масаланинг муҳокамасини ташкил этади. Иккинчи вазифа бўйича муҳокама вазифа гуруҳларда бажарилгандан кейин бўлишини эълон қилади. Ҳар бир талаба гуруҳ фаолиятига мос равишда баҳо олишини тушунтиради.</p> <p>Гуруҳларда ишлаш натижаси плакат қоғозларда кўрсатилиши кераклигини эълон қилади.</p>	<p>Тинглайдилар. Берилган вазифани қараб чиқадилар.</p> <p>Саволлар берадилар.</p>
<p>II. Асосий босқич ( 55 мин.)</p>	<p>2.1. Талабаларни 4 та кичик гуруҳга бўлади. Ўқув вазифаларини тарқатади.</p> <p>Қандай натижалар олиниши кераклигини аниқлаштиради. Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини шарҳлайди. Вазифани бажаришда қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради.</p> <p>Гуруҳлар ишини бошлашни эълон қилади.</p> <p>2.2. Тақдимот ва гуруҳларда ишлаш натижаларини ўзаро баҳолашни ташкил этади.</p> <p>Шарҳлайди, билимларни умумлаштиради, вазифани бажариш жараёнида қилинган хулосалар, умумлаштиришларга эътиборни қаратади.</p>	<p>Талабалар кичик гуруҳларга бўлин-дилар. Ўқув вазифалари, баҳолаш кўрсат-кичлари ва мезонлари билан танишадилар. Вазифани бажара-дилар.</p> <p>Тақдимот қилишади. Қўшимчалар қиладилар, тақдимотни баҳолайдилар.</p>
<p>III.Якуний босқич (10 мин.)</p>	<p>3.1. Иш якунларини эълон қилади.</p> <p>3.2. Энг яхши иштирок этган талабаларни баҳолайди.</p>	<p>Тинглайдилар, аниқлаштирадилар.</p>

<b>2-МАВЗУ</b>	<b>Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг тариф усуллари</b>
----------------	--

### 2.1. Маърузада таълим технологияси

<i>Ўқув соати: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 30-50</i>
<i>Ўқув машғулоти шакли</i>	Маълумотли -кўргазмали маъруза (1-машғулот)
<i>Маъруза режаси</i>	5. Ташқи иқтисодий фаолиятни тариф усуллари ёрдамида тартибга солиш. 6. Божхона бождарининг иқтисодий хусусиятлари, функциялари ва турлари. 7. Божхона бождарини миллий иқтисодиётга таъсири.
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> <i>Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усуллари тўғрисидаги билимларни шакллантириш</i>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i>
• Тариф усуллар тўғрисида тушунча бериш;	• тариф усулларни санаб ва характерлаб берадилар;
• Божхона бождарининг моҳияти ва унинг хусусиятларини ёритиш;	• Божхона бождарининг моҳияти ва унинг хусусиятларини тушунтириб берадилар;
• Божхона бождарининг турларини ўргатиш;	• Божхона бождарининг турларини тушунтириб бера оладилар;
• Божхона бождарининг миллий иқтисодиётга таъсирини тушунтириш.	• Божхона бождарининг миллий иқтисодиётга таъсирини тушунтириб берадилар.
<i>Таълим методлари</i>	Маъруза, тушунтириш, суҳбат, тезкор-сўров
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер технологиялари, слайдлар, формат қоғозлари, график органайзерлар
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

### Маъруза машғулотининг технологик ҳаритаси

<i>Фаолият босқичлари</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчининг</i>	<i>талабанинг</i>
I. Кириш босқичи (10 мин.)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади, ўқитиш натижаларини, мавзунинг режасини эълон қилади.	Тинглайдилар.

	Ўқув машғулотининг ўтказилиш шакли ва тартибини тушунтиради.	
II. Асосий босқич (60 мин.)	<p>2.1. Фаоллаштириш ва билимларини текшириш мақсадида блиц сўров ўтказилади. Жавобларни умумлаштиради. Диққатини асосий тушунчаларга қаратади ва зарур бўлса жавобларни аниқлаштиради, қўшимчалар қилади, ўзгартириш киритади.</p> <p>2.2. Режа саволларини экранга чиқаради ва қисқача тавсифлайди,</p> <p>2.3. Визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маъруза материалларини гапириб беради, диққатни жалб қилувчи саволлар беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• биринчи савол бўйича слайдлардан фойдаланган ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятни тариф усуллари ёрдамида тартибга солишни тушунтириб беради;</li> <li>• божхона божларининг иқтисодий хусусиятлари, функциялари ва турлари слайдлар воситасида ёритиб беради;</li> <li>• учинчи савол бўйича божхона божларини миллий иқтисодиёт самарадорлигига, миллий ишлаб чиқариш ҳолатига, давлат даромадларига ва ички баҳоларга таъсирини изоҳлаб беради.</li> </ul> <p>Мавзунинг асосий жиҳатларига эътиборни қаратади ва уларни ёзиб олишни таклиф қилади.</p> <p>Тезкор сўров ўтказилади.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• тариф усуллариининг моҳияти, турлари ва хусусиятларини тушунтириб беринг.</li> <li>• божхона божи нима ва унинг қандай турларини биласиз?</li> <li>• божхона божлари миллий иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатади?</li> </ul> <p>Сўров ўтказиш жараёнида талабаларни индивидуал фикрлашга йўналтиради, жавобларни аниқлаштириб, тўлдиради.</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p> <p>Тинглайдилар, ёзиб борадилар, савол берадилар</p> <p>Саволлар берадилар. Фикр алмашадилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар.</p>
III. Яқуний босқич (10 мин.)	3.1. Талабалар диққатини мавзунининг асосий томонларига қаратган ҳолда, ўтилган саволлар юзасидан хулосалар қилади ва яқун ясайди.	Эшитадилар.

## 2.2. Семинарда таълим технологияси

<i>Ўқув соати: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 15-25</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.
<i>Мавзу режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ташқи иқтисодий фаолиятни тариф усуллари ёрдамида тартибга солиш.</li> <li>2. Божхона бождарининг иқтисодий хусусиятлари, функциялари ва турлари.</li> <li>3. Божхона бождарини миллий иқтисодиёт самарадорлигига, миллий ишлаб чиқариш ҳолатига, давлат даромадларига ва ички баҳоларга таъсири</li> </ol>
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Божхона сиёсатининг тариф усуллари бўйича назарий билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> <ul style="list-style-type: none"> <li>• тариф усуллар бўйича назарий билимларини мустаҳкамлаш;</li> <li>• божхона бождарининг турлари тўғрисида кенг маълумот бериш;</li> <li>• импорт бождарини миллий иқтисодиётга таъсирини таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш.</li> </ul>	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> <ul style="list-style-type: none"> <li>• тариф усулларнинг турлари ва хусусиятларини ёритади;</li> <li>• божхона бождарининг функциялари ва турларини тушунтиради;</li> <li>• импорт бождарини миллий иқтисодиётга таъсирини графиклар ёрдамида функционал таҳлил қилишади.</li> </ul>
<i>Таълим методлари</i>	Амалий, суҳбат, тезкор-сўров, тушунтириш
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, формат қоғозлари, маркерлар, скотч, компьютер технологиялари, ўқув материаллари
<i>Таълим шакллари</i>	Якка тартибда ва гуруҳларда ишлаш.
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Назорат саволлари ва тест.

### Семинар машғулотининг технологик харитаси

<i>Фаолият босқичлари</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчининг</i>	<i>талабанинг</i>
I. Кириш босқичи (10 мин.)	1.1.Мавзунинг номи, мақсади ва режалаштирилган ўқув натижаларини эслатади.	Тинглайдилар.

	1.2. Гуруҳлар ишини баҳолаш мезонларини эълон қилади. 1.4. Талабаларга мавзу бўйича қўшимча материаллар тарқатади.	
II. Асосий босқич (60 мин.)	2.1. Талабаларни фаоллаштириш мақсадида тезкор-сўров техникасини қўллаб мавзу бўйича саволлар беради: -ТИФни тартибга солишнинг тариф усулларига нималар киради? - тариф квотасининг нотариф квотадан фарқли жihatларини айтиб беринг? - импорт божининг қўлланилиши қандай шароитда мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир қилиши мумкин. Жавобларни диққат билан эшитади, тўлдиради, камчиликларини тўғрилайди. 2.2. Талабаларни ихтиёрий равишда 4 та кичик гуруҳга бўлади. Ҳар бир гуруҳга топшириқ беради. 2.3. Гуруҳларда фаолиятни ташкил қилади. Топшириқни бажаришда қўшимча материалдан фойдаланиш керактигини айтади. Гуруҳларни кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.4. Такдимот бошланишини эълон қилади. Жавобларни умумлаштиради, хатоларини тузатади, хатосиз бажарилган ишларни рағбатлантиради.	Берилган саволларга жавоб берадилар.  Ихтиёрий 4 та гуруҳга бўлинадилар. Берилган қўшимча материаллар асосида ишлайдилар. Тайёр материални доскага иладилар. Гуруҳдан бир иштирокчи чикиб, бажарган ишини такдим этади.
III. Якуний босқич (10 минут)	3.1. Мавзу бўйича умумий хулосалар қилади. 3.2. Гуруҳлар иши натижасини таҳлил қилади ва баҳолайди.	Эшитадилар.

<b>3 – МАВЗУ</b>	<b>Божхона органлари фаолиятида нотариф тартибга солиш усулларидан фойдаланиш</b>
------------------	---

### 3.1. Маърузада таълим технологияси

Ўқув соати: 2 соат	Талабалар сони: 30-50
Ўқув Маъгулотининг шакли	Маълумотли-кўргазмали маъруза
Мавзу режаси	6. Нотариф чеклашларнинг моҳияти ва



	<p>унинг тулари.</p> <p>7. Миқдорий чекловларнинг миллий иқтисодийга таъсири.</p> <p>8. Яширин нотариф дастакларнинг ўзига хос хусусиятлари.</p> <p>9. Молиявий ва ноиқтисодий дастаклар.</p>
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> мавзу бўйича тасаввур ҳосил қилиш.	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• мавзунинг долзарблигини очиб бериш;</li> <li>• мавзу объектининг асосий хусусиятларини тушунтириш;</li> <li>• мавзуга доир иқтисодий жараёнларни моҳиятини очиб бериш.</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолияти натижалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• талаба мавзунинг ахамиятини тушунади;</li> <li>• мавзу объектининг асосий хусусиятларини тушунтира олади;</li> <li>• мавзуга доир иқтисодий жараёнларни моҳиятини гапириб беради;</li> <li>• мавзуга доир амалий кўникмаларга эга бўлади</li> </ul>
<i>Таълим методлари</i>	Маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, суҳбат, пинборд
<i>Таълим воситалари</i>	Маъруза матни, компьютер технологиялари, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч,
- бож ундириладиган товарларнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган адвалор ставкалар;
- бож ундириладиган товарлар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланадиган хос ставкалар;
- божнинг адвалор ҳамда хос турларини ўз ичига оладиган аралаш ставкалар.

Божларни ҳисоблаб чиқиш, тўлаш ва ундириш Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексига мувофиқ товарнинг божхона қиймати асосида амалга оширилади. Божхона божи Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ўтказилади.

### **3-Мавзу. Божхона органлари фаолиятида нотариф тартибга солиш усулларида фойдаланиш**

1. Нотариф чеклашларнинг моҳияти ва унинг тулари.
2. Миқдорий чекловларнинг миллий иқтисодиётга таъсири.
3. Яширин нотариф дастакларнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Молиявий ва ноиқтисодий дастаклар.

Давлат мамлакатлар билан савдо ва иқтисодий алоқаларни олиб борар экан миллий иқтисодиётни маълум соҳаларига мақсадли таъсир ўтказади. Бу таъсир махсус усуллар мажмуи ёрдамида амалга оширилади.

- маъмурий;
- иқтисодий.

Маъмурий воситалар ҳукумат томонидан қабул қилинадиган қарорларга асосланади. Маъмурий тартибга солишнинг классик воситалари уч турга бўлинади: таъқиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш. Масалан, давлат органлари у ёки бу товарнинг (қурол-яроғ, спиртли ичимликлар, дори-дармонлар) импортини таъқиқлаши, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини божхона назоратидан ўтишга мажбур қилиши мумкин ва ҳакозо. Таъқиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш, лицензиялар бериш ёки

лицензиялар беришдан воз кечиш, конунлар ва конуний хужжатларни қабул қилиш йўллари билан амалга оширилади.

Нотариф усуллари мазмун мохиятига кура микдорий, кузга ташланмас ва молиявий чегаралаш турларига булинади.

Микдорий чегаралаш – экспорт ва импортга рухсат этилган товарларини микдори ва номенклатурасини белгилашда давлат томонидан кулланиладиган нотариф усуллари маъмурий шаклидир. Микдорий чегаралашлар бирон бир давлат ҳукмати қарори асосида еки маълум товар савдосини ташкил этувчи халқаро келишувлар асосида кулланилиши мумкин.

Квота – бу экспорт еки импортни белгиланган микдорда ва суммада маълум вақт оралигида чегаралаш билан боғлиқ булган микдорий чегаралаш чорасидир.

Квоталар таъсир йуналишлари буйича экспорт ва импорт квоталарига бўлинади

Қамраб олиш даражаси буйича эса квоталар қуйидаги турларга булинади:

- Глобал квоталар
- Индивидуал квоталар

Лицензиялаш – давлат органлари томонидан, экспорт ива импортини белгиланган ҳажми буйича маълум даврга бериладиган, ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи рухсатномадир.

Лицензиялаш квоталашни таркибий қисми булиши еки ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солишни алоҳида олинган давлат қуроли ҳам булиши мумкин. 1 – ҳолда белгиланган квота доирасида квота доирасида товарни олиб қириш ва олиб қикиш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжат булиши мумкин, 2 – ҳолда эса у бир қатор аниқ шахсларга эга булиши мумкин:

- Бир маротаба бериладиган берилиадиган лицензия – бир савдо келишуви асосида бир йил ичида товарлар олиб қириш ва қикиш буйича давлат томонидан бериладиган езма рухсатнома.

- Бош лицензия – у еки бу турдаги товарларни чегараланмаган сондаги савдо келишувлари асосида, бир йил давомида олиб қириш ва қикиш буйича бериладиган рухсатнома.

- Глобал лицензия – маълум вақт оралигида, чегараланмаган микдордаги ва қийматдаги маълум бир товарни ихтиерий давлатга олиб қириш ва қикиш буйича бериладиган рухсатнома.

- Автоматик лицензия – экспортчи ва импортчи томонидан, маълум савдо операцияларини утқазиш буйича рухсат суралган захоти, давлат органлари томонидан қайтарилмайдиган рухсатнома.

«Экспортни ихтиерий равишда» чегаралаш одатда қатта импортчи давлат томонидан амалга ошириладиган сиесий тазик остида амалга

оширилади. Катта давлат экспорт килувчи давлатга нисбатан бир томонлама холда импортни чегаралаш оркали уни уз томонидан «уз экспортни эркин равишда» чегаралашга мажбур килади.

«Экспортни эркин равишда» чегаралаш бу, савдо буйича шериклар бир томонидан давлатлараро расмий келишув асосида еки экспортга квота урнатиш буйича норасмий келишувлар асосида экспортни микдорий чегаралаш еки жуда булмаганда уни хажмини оширмаслик тугрисида мажбурият олишидир.

Ички бозорни химоя килиш билан бирга халкаро савдо амалиетида экспортни кенгайтириш усуллари хам кенг кулланилади. Бу усулларни аксарияти махаллий экспортчиларни давлат томонидан бевосита ва билвосита субсидиялар бериш оркали куллаб-кувватлашга асосланган.

Хар хил йуллар билан амалга ошириладиган молиявий экспортни тан нархيني камайтириш оркали экспорт товарларини жахон бозоридаги ракобатдошлик даражасини оширишга каратилган.

Субсидиялар агарда давлат махаллий ишлаб чиқарувчиларни экспортини куллаб-кувватлашни лозим деб билса, у холда давлат уларга у еки бу шаклда давлат бюджетидан субсидиялар бериши мумкин.

Кредитлаш ва экспорт кредити – фирмалар экспортини давлат томонидан рағбатлантириш билан боглик булган, ташки савдо сиесатининг нотариф молия усулидир.

Демпинг – товарни экспорт бахосини шу давлатда мавжуд булган баходан камайтириш оркали уни ташки бозорга харакатини таъминловчи ташки савдо сиесатини молиявий усулидир.

Ажратилиш (туланиш) мохиятига кура субсидиялар куйидаги турларга булинади:

- Тугри субсидиялар
  - Билвосита
- Ички субсидия

Экспорт кредитлаш – ташки савдо сиесатини нотариф молиявий усули булиб, миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан экспортни ривожлантиришлари учун уларни давлат томонидан молиявий рағбатлантириш.

Экспорт кредитлаш бир неча шаклда булиши мумкин:

- Миллий ишлаб чиқарувчиларга субсидиялаштирилган кредитлар фоиз ставкалари бозор ставкаларидан паст бурган, давлат банклари томонидан бериладиган кредитлар;
- Чет эл импортчиларига, товарларни факат кредит берган давлат фирмаларидан сотиб олишлари билан бериладиган давлат кредитлари;



- миллий экспортчиларни экспорт таваккалчиликларини сугурталаш, яъни импортчи томонидан етказиб берилган товар нархини тула олмаслигини, импортчи томонидан экспортчи олдидаги мажбуриятларини, давлат томонидан кутилмаган хатти-харакатларни амалга оширилиши натижасида бажара олмасликларини сугурталаш.

Демпинг – товарни ташки бозорга, экспорт бахосини, экспорт килинаётган давлатлардаги нормал баходан камайтириб, харакатлантириш билан боғлиқ булган, савдо сиесатининг нотариф молиявий усулидир.

Демпинг уз махсулотлари билан ташки бозорни эгаллаб олишга харакат килаётган, алохида фирма маблаглари хисобига, шунингдек экспортчиларга давлат томонидан бериладиган субсидиялар хисобига амалга оширилиши мумкин.

Тижорат амалиетида демпинг куйидаги турлардан бири куйилиши булиши мумкин:

Спорадик демпинг – товарларни ортикча захираларини ташки бозорда арзонлаштириб сотиш. Бу хол ички ишлаб чиқариш хажми бозор сизимидан ошиб кетганда содир булади. Ана шу пайтларда корхоналар олдида иккита муаммо кундаланг булиб туриб қолади. Бринчидан ишлаб чиқариш кувватини бир қисмидан фойдаланмаслик ва товар ишлаб чиқармаслик еки иккичидан товар ишлаб чиқариш ва уни ташки бозорда ички бозордаги нархидан паст нархда сотиш. Бундай демпинг асосан ривожланган давлатлар томонидан кулланилиши мумкин.

Олдиндан уйланган демпинг – атайлаб экспорт товарлари нархини пасайтириб, ташки бозорлардан рақобатчиларни сиқиб чиқариш ва бозорда яққа ҳокимликка (монополияга) эга булиб қолиш.

Доимий демпинг – доимо товарларни нархини туширган холда экспорт килиш.

Тесқари демпинг – экспорт товарларини нархини, худди шундай товарларни ички бозордаги нархидан ошириш.

Узаро демпинг – икки давлат уртасида нархини туширган холда узаро савдо.

#### **4-Мавзу. Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларини бојхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш**

1. Товарлар ва транспорт воситаларини бојхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Бојхона органлари томонидан дастлабки операцияларни ўтказишни белгилаш ва қўллаш тартиби.
3. Товарлар олиб кириш ва олиб чиқиш тақиқланадиган ҳолатлар.
4. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Бојхона Иттифокига аъзо бўлган давлатларда товарларини бојхона назоратини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Божхона расмийлаштируви** – бу божхона органининг мансабдор шахслари ва юк олиб ўтаётган шахслар томонидан товарлар ва транспорт воситаларини Божхона кодексига мувофиқ ўрнатилган шартлар асосида маълум бир божхона режимига жойлаш ёки шу режимни тугатиш билан боғлиқ ташкилий, ҳуқуқий ва техник чора-тадбирлар тизимидир.

**Божхона назорати** – бу қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуидир.

**Божхона назоратини амалга оширишдан мақсад:**

- ташқи иқтисодий оборотни тезлатишга кўмаклашувчи шароитни яратиш;
- товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтишга рухсат бериш тартибини йўлга қўйиш;
- контрабанда, божхона қоидалари ва солиқ қонунчилигини бузиш ҳолларига қарши кураш олиб бориш;
- божхона божлари, солиқлар ва бошқа божхона тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш;
- божхона статистикасини юритиш;
- валюта назоратини амалга ошириш.

**Божхона назоратининг шакллари:**

1. Божхона назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш;
2. Жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўраб-суриштириш
3. Божхона кўригидан ўтказиш;
4. Шахсни кўздан кечириш;
5. Ҳужжатлар, товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни (божхона омборлари, эркин омборлар, бож олинмайдиган савдо дўконлари, эркин зоналар ва бошқа божхона назорати остида бўлган товарлар ва транспорт воситалари бўлишим мумкин бўлган жойлар) божхона қиёслашидан ўтказиш.

**Дастлабки операциялар** – товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштириш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, дастлабки божхона расмиятчилиги йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Ушбу операциялар асосий божхона расмийлаштируви бошлангунга ва товарлар ҳамда транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунга қадар ўтказилади.

**Дастлабки операциялар**

№	Дастлабки операциялар	Акс этирилган ҳужжат
1.	Юк ташувчи божхона ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини олиб киришда божхона органини божхона	Божхона Кодексининг

	чегарасини кесиб ўтиш тўғрисида хабардор қилиши керак.	84-моддаси
2.	Юк ташувчи БК талабларига риоя этган ҳолда товарлар, транспорт воситалари ва уларга тегишли ҳужжатларни божхона органи белгилаган жойга ўз вақтида етказиб келтириши шарт.	Божхона Кодексининг 84-моддаси
3.	Юк ташувчи товарларни етказиб келтиришда енгиб бўлмас куч таъсирида ўз мажбуриятларини бажара олмаса, товарларнинг бут сақланишини таъминлаш ва улардан бирон-бир тарзда фойдаланилишга йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўриши, товарлар ва транспорт воситаларининг қаерда эканлигини энг яқин божхона органига дарҳол хабар бериши, товарларнинг энг яқин божхона органига ташиб келтирилишини ёки божхона органи мансабдор шахсларининг товарлар турган жойга олиб келинилишини таъминлаши шарт.	Божхона Кодексининг 85-моддаси
4.	Тайин қилинган жойга божхона органининг иш вақтидан ташқари пайтда келтирилган товарлар ва транспорт воситалари божхона назорати зонасида жойлаштирилади.	Божхона Кодексининг 86-модда
5.	Товарлар ва транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунга қадар қисқа декларация қўлланилиши мумкин.	Божхона Кодексининг 87-моддаси

#### **Божхона назорати қоидалари:**

- товарлар ва транспорт воситаларининг мамлакат божхона чегарасини кесиб ўтиш жойлари миллий қонунчилик доирасида белгиланади;
- юк ташувчи юкларни божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган пунктгача шикаст етказмдан ёки ташқи кўриниши ва товар хусусиятини ўзгартирмасдан олиб келиши лозим;
- юклар божхонанинг иш вақтидан бошқа пайтда етиб келса, унда божхона органлари қўшимча ҳақ эвазига божхонани очишлари ва товарлар ва транспорт воситаларини ўтказиб юборишлари керак (агар буни юк ташувчи ёки юк эгаси илтимос қилса);
- божхона органлари хорижий божхона хизматининг пломбаларини тан олишлари, шу билан бирга божхона расмийлаштируви учун кетаётган юкларга ўз пломбаларини ҳам қўйишлари мумкин;
- юкларнинг йўлда авария оқибатида шикастланиши ёки йўқолиши ҳолатларида божхона органлари тан оладиган актлар тузилиши лозим;
- товарларни ички истеъмол ёки экспорт учун чиқариш бир қатор операцияларни ўз ичига олади: божхона декларациясини ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш; уларни текшириш ва қабул қилиш; товарларни божхонада тақдим этиш ва тегишли божхона кўригидан ўтказиш; божхона божлари ва йиғимларини тўлаш; товарларни божхонадан чиқариш.

Божхона органларига қуйидаги ҳолларда имкони борича танлама кўрик ўтказишни тавсия этади:

- экспорт ёки импорт операциялари доимий равишда бир корхона ёки жисмоний шахс томонидан амалга оширилаётган ва товарларни чегара орқали олиб ўтишнинг барча талаблари бажарилаётган бўлса;
- декларация ва бошқа ҳужжатлардаги маълумотлар осон текшириладиган бўлса;
- импорт (ёки экспорт) божи ва солиқ ставкалари юқори бўлмаса.

Божхона қонунига биноан божхона назорати Ўзбекистон божхона чегарасига кириб келиши билан бошланади. Шундай қилиб миллий ёки хорижий кема мамлакатнинг сув ҳудудига кириб келиши билан божхона назоратига олинади. Шунинг билан бирга кемадаги экипаж, пассажир ва юклар ҳам божхона назоратида бўлиб божхона органи томонидан расмийлаштирув ишлари тугагандан сунг божхона назорати олинади. Товар ва транспорт воситаларини Божхона чегарасидан чиқиб кетишда Божхона хизматчиси расмийлаштирув ишларини тугатиб чиқиб кетаётган шахсга топширган вақтдан бошланади. Божхона постлари уз хизмат вазифаларини порт капитанлари ва бошлиқлари, чегара қўшинлари, ИИВ органлари, фитосанитария, ветеринар, экология, хизмати ва маданий едгорликларни назорат қилуви бошқармалар билан ҳамжихатликда бажариши мумкин. Божхона назорати ва расмийлаштируви жараени юқорида курсатилган хизматлар билан биргаликда ТЕХНОЛОГИК СХЕМА асосида ўтади. Технологик схемалар:

- савдо, пассажир, балиқ тугувчи, балиқни қайта ишловчи миллий ва хорижий кемаларни кириши ва кетишини назорат қилиш ;
- экспорт ва импорт юкларини назорат қилишни ва омборда сақлаш;
- жисмоний шахсларни ва уларни юкларини назорат қилиш масалалари юзасидан ишлаб чиққан бўлиши керак.

Портларда божхона назоратини ва расмийлаштиру ишларини ташкил қилиш билан божхона пости шугулланади. Божхона назоратини чет элга чиқувчи ҳамма кемалар устидан олиб борилади, харбий кемалар бундан мустасно. Кемаларни расмийлаштируви қўшма комиссия ( юқорида курсатилган хизмат ва нозоратчилар) томонидан ўтказилади. Халқаро маршрут билан катнайдиган пассажир кемалар белгиланган вақтда назоратдан кечирилади, қолган кемаларни порт бошлиғи қилиш, кетиш ва туриш вақтлари тугрисида божхона ва бошқа органларни бир ойлик план ичида аввалдан хабар бериши лозим. Масалан кемаларни портга кириши ва портдан чиқиши қуйидагича амалга ошади миллий ва хорижий кемалар капитани портга киришдан 48 соат олдин биринчи ва иккинчисини 24 соат олдин хабар беради.

Божхона назоратини амалга ошираётган Божхона органлари чет элга катнайдиган кемаларни қуйидаги йўл билан назорат қилишади:

- кема ҳужжатларини текшириш;
- кемадага юкланган товарга тегишли ҳужжатларни текшириш;

- кеманинг турар ва техник хоналарини товарларни багажларни йуловчиларнинг кулидаги юкларни куригдан утказиш;
- экипажга тегишли шахсий буюмларни текшириш;
- мамлакат худудига ва худудидан ман этилган бумларни киришини ва чикишини олдини олиш сифатида кеманининг пинхона жойларини куригдан утказиш.

Божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун капитан томонидан куйдаги хужжатлар такдим этилади;

- Бош баеннома (Генеральная декларация) - асосий хужжат булиб, унда кеманинг номи, кайси мамлакатга тегишли, руйхатдан утганлиги, огирлиги, капитан исми, фамилияси, портдаги агентнинг фамилияси ва адреси, товарларнинг кискача тарифи, йуловчилар сони, кикача рейс хакида маълумот, портдан кетиш ва портга бориш вақти курсатилан;

- Юк баенномаси - асосий хужжат кеманинг номи ва кайси мамлакатга тегишли, капитан фамилияси, юкларни сони, товарларни номи, коносаментлар номери, товарларни юкланган порт номи, юкларни тушириш порти номи.

- Кема товар захираси баенномаси - бу хужжат кемадаги озик овкатлар захираси, йуловчи ва экипаж учун сотиладиган товарлар номи, екилги мой, сув, кема учун моддий техника ва алохида тамаки ва спирт ичимликлари экипаж учун етарли миқдорда булиши керак.

- Кема руйхати - экипаж руйхати хар бир экипаж аъзоси тугрисида маълумот тугилган йили, жойи, миллати хужжатларини раками, хужжатни капитан еки унинг уринбосари кул куйиши мумкин.

- Йуловилар руйхати - асосий хужжат, кемадаги йуловчилар руйхати, номи фамилияси, миллати, тугилган йили, жойи, кайси портдан кемага утирди кайси портда колиши.

- Куроллар руйхати - асосий хужжат куроллар сони, завод номери, курол эгаси номи. Кемаларни портларда тухташ вақтида кемадан экипажни кемадан ташкарига чиқармаслиги ни капитан таъминлаши лозим.

- Наркотик моддали дори дармонлар руйхати - Кема ичидаги шундай дори дармонлар руйхати кема капитани томонидан сақланади.

- Валюта маълумотномаси - Кема кассасида миллий ва хорижий валюта миқдори.

- Конасамент- божхона хужжатларининг асосийларидан хисобланиб кемага қабул қилинган юклар тугрисида маълумот тупланган булади. Конасамент юк ташувчи билан юкни олувчи уртасида ҳуқуқни белгиловчи хужжат хисобланади.

- Юк манифести - коносаменталар руйхати.

Юкорида курсатилган хужжатларни ҳаммаси кема капитани, еки уринбосари томонидан имзоланиб, кема мухири куйилган булса у юридик кучга эга деб хисобланади.

Кема экипажи еки йуловчиларни багажи кеманинг узида еки алохида ажратилган жойда божхона куригини утказиш мумкин. Кемани куригдан утказиш вақтида божхона хизматчилари томонидан бож олиш, юкларни туширишни назоратга олиш ва бошка назорат ишларини олиб боришади.

Юкоридаги хужжатларни куриб чикиб натижасини Бош баенномада Божхона гурухи руйхати экипажни камчиликлари булса бу тугрисида хам маълумот берилади. Назорат ва куриг натижаси тугрисида гурух бошлигига рапорт берилади. Гурух бошлиги капитанга куриг ва назоратни тамом булгани тугрисида элон килади ва гурух кемадан назоратни олади. Божхона органи (пости) хар бир кемага «Кема иши» папкаси тутилиб келган кема кетгунча божхона назоратидан олингунча хужжатлар назоратда сакланади.

**Темир йул транспортида йуловчи ва юк ташишини божхона назоратини чегара ва ички божхона органлари куйдаги ерларда амалга оширади:**

- чегара т-йул станциясида;
- чегарани узида жойлашган назорат постларида;
- Давлат чегарасидан чегара т-йул станциясига юришда;

Ички божхона постлари махсус ажратилган т-йул станцияларининг товар ховлиларида божхона назоратини амалга оширишади.

Жисмоний шахсларни божхона расмийлаштируви куйдаги жойларда амалга оширилади;

- йуловчи поездининг вагонларида;
- чегарада жойлашган т-йул вокзалларида.

Божхона назорати технология комплексида бир катор т-йул хизмати катнашади:

Мамлакатдан чикишда;

• божхона назорати йуналиши, почта, телеграф, телефон ва банк булимлари;

• т-йул транспортига хизмат курсатиш корхаонаси багажи ва юкларни божхона расмийлаштируви йуналиши;

• чегара назорат килиш йуналиши;

• жисмоний шахсда курол яррокни назорат килиш йуналиши - хавфсизлик йуналиши.

Божхона назоратининг йуловчилар багажи ва кул юкининг куригдан утказилаётган вақтда жониворлар еки усимликлар булса ветеренар ва фитосанитария хизмати ходимларини таклиф килинади.

Мамлакатга киришда;

• чегара назорат килиш йуналиши;

• юкларни ва багажларни олиш йуналиши;

• жонивор ва усимликларни назорат килиш йуналиши.

Божхона назоратини амалга оширишда чегарада рамийлаштирув технологик схемасини ишлаб чикишда божхона органи, чегара кушини, фитосанитарлар, ветеренарлар ва бошкалар чегара т-йул станция бошлиги бошчилигида ва унга буйсинадиган юк булими бошликлари, пассажирлар булими, навбатчилар булими бошликлари иштирок этадилар. Хар бир т - йул станцияларда чегара т-йул станцияси бошлиги божхона органи ва чегара кушини бошлиги билан биргаликда божхона ва чегара назоратини амалга ошириши учун территория, йулларни, майдончаларни ва хоналарни ажратилади.

Юкорида курсатилган жойларда божхона ва чегара назоратини сифатли утишини таъминлаш учун бу ерларга кириши ман этилган шахсларни, котрабанда товарларини ва транспорт воситасининг чегарадан ноқонуний утишини олдини олиш учун божхона ва чегара кушинларидан кушимча назорат режимини урнатиши мумкин. Халқаро рейсга катновчи поездлар куриг майдончасида қолиб кетишига йул қуймаслик керак. Қузатувчи ва қутиб олувчиларни божхона ва паспорт назорати залларига қуймасликни ва пассажирларни поезддан тушириш ва чиқариш, почта, багаж, ва бошка бумларни юқлаш ва тушириш фақат божхона органи ва чегара кушинлари рӯхсати билан амалга оширилади. Божхона зонасига т-йул станцияси хизматчилари ва бошка органлар ходимлари божхона органи томонидан берилган рӯхсатномалар асосида кириб чиқилиши мумкин.

Чегара т-йул назорат пости - бу куриг майдончаси бўлиб иккита еки турта темир йулга эга бўлган панжара ва керак бўлса сигнализациялар урнатилган бўлиб 50-60 вагон куригдан утқазилиши мумкин бўлган назорат зонасидир. Чегара т-йул назорат пости чет элга чиқиб кетаётган ва чет элдан келаётган пассажир поездларини ташқарисидан ва ичидан, юқланган юқхоналарини назоратдан утқазилишига шароит яратилган бўлиши керак.

Юқ ташувчи поездларни назоратдан уқказишда вагонларни, контейнерларни, пломбасини т-йул вақили билан биргаликда очиб куригдан утқазиб, очилганлиги тугрисида акт тузилиб коммисияда иштирок этилган вақиллар томонидан имзоланади. Чегара т-йул назорат постида расмийлаштирилаган, пассажир ва юқ ташувчи т-йул транспортларини махсус китобларда руйхат қилиб борилади.

Вокзалларда ва бошка станцияларда хизматни ташқил қилиш асосан божхона ва бошка хизматлар учун керакли хоналар, божхона ва паспорт назоратларини утқазиш учун заллар ажратилиб уларни керакли асбоб усқуналар урнатилган бўлиши керак, бундан ташқари шахсий куриг утқазиш хонаси ҳам бўлиши шарт. Хориждан келаётган ва хорижга кетаётган жисмоний шахслар божхона ва паспорт назоратини багаж ва қул юқини залларда қолганлар поездларни ичида утқазилади. Поездларда кетаётган пассажирларни ва уларни багажи ва қул юқларини поезддан ттушириб, яъни куриг залларда ва махсус техникалардан фойдаланишни божхона маъсул ходими узи хал қилиши лозим. Поездаги куриг назорат ишлари, поезднинг т-йул станциясида туриши вақти чегараланганлиги учун қупрок тажриба талаб қилади. Чегара т-йул станцияларда божхона органлари томонидан икки турли куриг назорат ишлари олиб борилади. -

- қундалик хизмат - бу божхона органлари томонидан бажариладиган қунлик назоратлари ва контрабанда, божхона қонунини бузишга қарши қураш ва шу ерда хизмат қурсатаётган божхона ходимларини химоя қилиш асосий тушунча ҳисобланади.

- махсус операция - бу ИИБ, солиқ, органлари, чегара кушинлари, билан биргаликда утқазилладиган операция.

Хорижга кетаётган ва хориждан келаётган Товар поездлари ва уларда ташиладиган юқлар божхона назорати остида бўлади. Локомотив транспорт

воситаси сифатида чегара божхона постида расмийлаштирилади, юклари эса чегара еки ички божхона постларида расмийлаштируви мумкин. Назорат постларида (божхона чегара пости ва чегара т-йул станцияси) юкларни куригдан утказиш, поездлар бригадасини расмийлаштиради ва керак булса чегара т-йул станцияларигача кузатиб куйиши мумкин. Куригалар чикиш паркларида, назорат постларида, ички божхоналарда, т-йул станциялари махсус ажратилган т-йулакларда утказиш мумкин, т-йул хужжатларини эса тех контораларда текшириш мумкин.

Чегарада жойлашган божхона постлари товарларни божхона худудига кириб келаётганда юкларни етказиш варакаси асосидаюк олувчи кайси божхона зонасида жойлашган булса у постга божхона расмийлаштирув ишларини бажариш учун жунатилади ва иложи борича божхона киеслаш шакллари кулланилади. Вагонларни маълум сони туплангандан сунг жунатилишидан олидин техник куригига такдим этилади.

Юкларни божхона худудидан олиб чикишда чегара постларига ички божхона органлари томонидан тулик расмийлаштирилган холда етиб келади, расмийлаштирмаган юкларини чегара постлари томонидан бажарилади.

Божхона органи талабига биноан темир йул товарларни ва транспорт воситаларини божхона куригига такдим этишлари керак булса вагонларни ажратиш, контейнерларни платформадан олиш, у ни очиш тушириш ва ортиш ва бошка ишларни бажариши лозим. Куриг вактида махсус вагонларни кузатувчиларини хизмат хоналарини мамлакатдан олиб чикиши ва олиб кириши ман этилган ва баенномада курсатилмаган буюмларни борлигини аниклаш учун утказилади. Бундан ташкари курикчиларни курол олиб юришига рухсатномалари текширилади. Хар бир вагон куригида икки инспектор катнашиши керак.

**Халқаро хаво транспортда божхона назорати халқаро таерагоҳда утказилади жумладан:**

- товарларни халқаро йуловчилар йуналишидаги божхона назорати;
- товраларни халқаро юк ташиш йуналишидаги божхона назорати;
- хаво транспортини назорат килиш йуналиши;
- таерагоҳ худудини назорат килиш йуналиши.

Таерагоҳда йуловчиларни юкларни ва кулидаги юкларни божхона расмийлаштируви алоҳида ажратилган залларда утказилади. Учиш залида божхона хизмати авиакомпаниялар чипталарни руйхатдан утказиш столларидан олдинда жойлашади, шунинг учун йуловчи аввал божхона назоратидан утиб кейин чиптани, багажларини ва кул юкини руйхатдан утказилади, паспорт назоратига утилади ва охриги этапда махсус назорат йуловчининг багажида кул юкида узида курол аслаха еки портловчи моддаларни йуклигини анклаш максидида утказилади.

Куниш залларида божхона назорати энг охриги этапда утказилади. Учиб келган йуловчилар паспорт назорати утказилгандан сунг багажларини олиб божхона назорати сари йул олишади.

Товарларни божхона рамийлаштируви бошка транспортларда расмийлаштирув ларидан фарк килмайди.



Ноконуний юкларни божхона худудига ва божхона худудидан олиб чиқишини олдини олиш мақсадида божхона назоратидан ташқари бошқа назорат органлари билан биргаликда ҳаво кемаларини текшириш амалга оширилади.

Чет эл ҳаво кемаларини қуригдан утқизиш учун халқаро норматив ҳужжатлар асосан етарли ва жиддий асос бўлиши шарт.

Таэрагоҳ территориясининг ҳаммаси ва йуловчилар заллари божхона худуди ҳисобланади. Божхона қонунчилиги ҳаво транспортини қуриг вақти белгиланмаган фақат учиш жадвалидан келиб чиққан ҳолда ва товар ва транспорт воситаларини божхона худудидан утиш тугрисидаги қонунга асосан расмий лаштируви амалга оширилади. Ҳаво транспорти божхона назорати ва расмийлаштируви объекти ҳисобланади (эксплуатация учун енилги эҳтиёт қием, асбоб ускуна, ва моддий техника таминоти. )

Ҳаво транспорти 1944 йил Чикаго конвенцияси асосида халқаро ҳужжат Бош баеннома (Генеральной декларации):

- учиш маршрути халқаро ҳисобланса;
- божхона органига берилган ҳаво транспортининг аниқланган халқаро учиш маршрутнинг узгартирмаслиги тугрисидаги хати бўлса;

Учиш вазифалари нормал ҳолда бўлиши учун енилги эҳтиёт қием, асбоб ускуна, ва моддий техника таминоти бош баенномада қурсатилиши керак.

**Автомобил транспорти харакатининг божхона назорати иккига бўлинади:**

- юк ташийдиган автотранспортларни товар билан ва товарларни туширилгандан сунг;
- юклар устидан божхона назорати.

Божхона назорати чегарадан утиш пунктларида манзилларда шох йуллардан утишларда амалга оширилади.

Автотранспортларни божхона назорати қуйдаги мақсадни қўзғайди;

- товарларни божхона назоратидан беркитиш мақсадида махсус пинҳона ерларини аниқлаш;
- транспорт воситаларни чегара худудларидан фақат халқаро йуловчиларни ва юкларни ташиш мақсадида утқизиш;
- транспорт воситаларда божхона юқини ташишга техник томондан мулжалланганлигини назорат қилиш.

Транспорт воситаларини божхона органи томонидан назорат уюштирганда юк автотранспорта, автобус, экспедиторларни бағажларини ва қул юкларини жисмоний шахсга бўлган тартибни қўллаш лозим бўлади.

Шох йуллар утиш ерларида автотранспортларни божхона назоратидан утқизиш ва расмийлаштируви қуйдагича утқизилади;

- транспорт воситасининг божхона ва чегара назорат зонасига кириб келиши билан автотранспортга ва юкка ҳужжатларни божхона оранинг маъсул хидимига беради;
- божхона маъсул ходими берилган ҳужжатларни текшириб юқни рамиёлаштириб таритбини ва жойини аниқлайди;

- божхона масъул ходими божхона назоратининг шаклларида кайси бирини куллаш тугрисида қарор қабул қилиш;
- хайдовчи ва йуловчилар узи билан булган юкларини божхона назоратидан ва расмийлаштирувидан утказиш;
- транспорт воситасини ва ундаги юкни божхона назоратидан ва расмийлаштирувидан утказиш;
- транспорт воситасининг ва юкнинг хужжатларини қайтиб бериш;
- транспорт воситасини худуд ичига еки худуд ташқарисига қуйиш.

Божхона билан бир вақтда паспорт ва бошқа хизматлар назорати технология схемаси асосида утказилади.

Йуловчи автотранспортини божхона назоратига олиш ва уни расмийлаштириш қуйдагича тартибда утади;

- ташувчининг кириш еки чиқиш тугрисидаги мувожабот ва у тақдим этган транспорт воситасининг хужжати шахсий ва йуловчилар хужжатларини божхона ва чегара зонасига кирганда божхона масъул ходимига тақдим этиш;

- хайдовчининг ва йуловчиларнинг бағажини ва қул юки божхона назорати остига олиш ва расмийлаштириш;

- автотранспортни божхона расмийлаштируви ва назорати;

- хайдовчининг ва йуловчиларнинг расмийлаштирилган бағажини ва қул юкидан божхона назоратини олиш.

Юк ташиш транспорт воситаларида қуйдаги хужжатларни тақдим этиш хайдовчига юклатилган;

юк жунатиш учун комплект хужжатлар, СМР. Инвойс, МДП китоби, автотранспортнинг техник руйхати ва халқаро юкташиш учун рухсат этилган хужжатлари;

пассажир транспорт воситалари учун комплект хужжатлар, руйхатдан утқазилганлиги тугрисидаги хужжатлари, суҳурта полиси, туристларни еки руйхати, Божхона масъул ходими хужжатларни текшириб булгандан сунг битта еки бир нечта қарор қабул қилиши мумкин.

А. юк ташишда: т - воситасини чиқариш, транспорт воситасини муҳрларини хужжатларга қиеслаб, т- воситасини божхона қуригидан утқазиб чиқариш, т- воситасини чиқармаслик. Бир вақтни узида юкка нисбатан қуйдаги қарорни қабул қилиш мумкин; юкларни ҳаммасини еки қисман қуригидан утқазиш, юкларни чегара постларида расмийлаштириш учун вақтинчалик омборхонага жойлаштириш еки юкни утқазиш варақаси асосида божхона назорати зонасига жунатиш.

Транспорт хизматчиларининг бағажлари ва қул юклари жисмоний шахсга нисбатан тартиб қулланилади.

Б. Йуловчи транспортда: т- воситасини, йуловчиларни ва уларни бағажини ва қул юкларини чиқариш, т- воситасини, йуловчиларни ва уларни бағажини ва қул юкларини чиқариш, қуриг залларида расмийлаштириш, транспорт воситасини қуригдан утқазиш.

Транспорт воситаларини қуригдан утқазиш - техник нуқтаи назардан қийин операция ва юкори мутахассисликни талаб қилади ва автотранспортни

конструктив томонларини пухта билиш талаб қилинади. Т-воситасини куригдан утказиш божхона режим зонасида керакли техник асбоб ускуналар билан жихозланган булиши керак.

Божхона техникаси – бу божхона органларининг ихтисослаштирилган бўлинмалари томонидан улар зиммасига юкланган вазифаларни ҳал этишда қўлланилувчи техник воситалар йиғиндисидир.

### **НТВ класслари:**

**1-класс** - тезкор диагностика учун мўлжалланган техник воситалар.

**2-класс** – божхона назоратининг турли объектларини масофадан туриб техник текшириш учун зарур техник воситалар. Текшириш жараёнида объектлар интроскопия қилинади.

**3-класс** – тезкор-техник ҳаракат кўринишидаги божхона кўриги ва кидирувини ўтказиш учун зарур техник воситалар.

**4-класс** – божхона назорати объектларини тезкор диагностикалаш ва классификациялаш учун зарур техник воситалар.

**5-класс** - божхона назорати объектларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун зарур техник воситалар.

**6-класс** – божхона назорати зонасидага аҳволни кузатиш учун зарур техник воситалар.

**7-класс** – аудио- ва видео ахборотлар ташувчиларни назорат қилиш учун техник воситалар.

Божхона экспертизасида кулланилган терминлар ва кискартмалар:

БКБ-божхона коидаларини бузилиши.

ТИФ ТН- Ташки иктисодий фаолият товарлар номенклатураси.

Лаборатория – Марказий божхона лабораторияси. Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш лабораторияси, ҳудудий божхона лабораториялари.

Материаллар – ҳужжатлар, экспертиза учун зарур булган барча маълумотлар, намуна ва синамалар.

Божхона назоратига олинмиши лозим булган барча товарлар ва товар ҳужжатлари ҳамда божхона назоратини амалга ошириш учун зарур булган бошқа ҳужжатлар божхона экспертизаси объектлари булиши мумкин.

Божхона экспертизаси куйидаги мақсадларда утказилади:

1. товарнинг ТИФ ТН буйича код раками тугри таснифланганлигини назорат қилиш;
2. товарни қайта ишлангандан сунг уни (тасдиқланган услуб асосида) идентификация қилиш;
3. товарнинг нави, тури, маркаси, ва асосий сифат курсаткичларини тегишли органлар томонидан берилган расмий ҳужжатлар асосида назорат қилиш;
4. товарни ишлаб чиқариш технологиясини урганиш;
5. товарнинг такдим этилган ҳужжатлар асосида кимёвий таркиби ва захарли моддаларга тегишли эканлигини урганиш.

Юқорида куйилган масалаларни ҳал қилишда Лабораторияда божхона экспертизасининг куйидаги турлари утказилади:

товарларнинг ТИФ ТН буйича таснифланиши; товаршунослик; материалшунослик; идентификацион (шартнома тузишдан олдин тасдиқланган ва шартномада куратилган услуб асосида): кимёвий ва бошкалар.

Божхона экспертизалари: товарларнинг божхона назоратини амалга ошириш жараёнида Лабораторияда; БКБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш буйича юзага келган бахс-мунозарали ҳолларни ечишда, Ўзбекистон Республикасининг божхона ва бошка ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг қарорларига асосан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг божхона ёки бошка ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида ҳудудий божхона лабораторияси эксперти берган ҳулосага шубҳа тугилганда, мураккаб ҳамда қайта экспертизалар Марказий божхона лабораториясида ва Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш лабораториясида шаҳодатланган соҳалари буйича Лабораторияда утказилади.

Экспертиза жараёнида экспертлар билан бир қаторда, соҳа мутахасислари ҳам қатнашишлари мумкин. Экспертиза Лаборатория жойлашган манзилда утказилади. Зарурият тугилганда экспертиза-тадқиқот ишлари бошка жой (илмий-тадқиқот муассасалари қорхоналар ва бошка ташкилот)ларда ҳам утқазилиши мумкин.

Божхона экспертизаси.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қузда тугилган асослар мавжуд бўлганда БКБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш ва жиной иш буйича утқазилаётган дастлабки суриштирув жараёнида мансабдор шахс томонидан қабул қилинган қарори асосида тайинланади.

БКБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритаётган мансабдор шахсининг экспертиза тайинлаш тугрисидаги қарори Давлат божхона қумитаси раиси уринбосари ёки ҳудудий божхона бошқарма бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

Қушимча ва қайта экспертизалар янги экспертиза сифатида умумий қоидалар асосида тайинланади.

Экспертиза тайинлаш тугрисидаги муқожат хатида қуйидагилар қурсатилиши лозим:

экспертиза тайинлаган божхона органининг номи; экспертиза тайинланган сана; экспертиза амалга оширадиган Лаборатория номи; экспертлар олдига қуйилган саволлар; экспертизага тақдим қилинган ҳужжатлар (рақами, берилган санаси, варақлар); экспертиза тайинланган божхона органининг номи, манзили, қарор қабул қилинган сана, экспертизани утқазилиши лозим бўлган товарга тегишли БКБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш тугрисидаги ёки жиной ишнинг тартиб рақами; экспертизани тайинлаш шахсининг мансаби, исми-шарифи; экспертиза амалга оширадиган Лабораториянинг номи; экспертиза утқазилишига сабаб бўлган асослар; экспертлар олдига қуйилган саволлар; экспертизага тақдим қилинган ҳужжатлар ва ашёлар руйхати (материаллар,

намуна (синама)лар, намуна (синаса) олинганлик тугрисидаги далолатнома, божхона юк декларацияси, инвоис, товар-транспорт хужжатлари коносамент, сертификатлар, давлат стандартлари, техник шартлар, сифат сертификатлари (махсулот паспорти), технологик регламент, чизмалар, фотосуратлар, киёсий тахлил учун намуна (синама)лар ва уларга тегишли хужжатлар, экспертиза объектига тегишли бошка маълумотлар ва экспертиза утказишга алоқадор бошка хужжатлар ҳамда ашёлар).

Қўшимча ва қайта экспертизалар тайинланганда дастлабки экспертхулосаи ва Ушбу хулоса берилишига асос булган барча, шунингдек, дастлабки экспертхулосаси берилгандан сунг келиб тушган кушимча материаллар.

Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг қарори ёки мурожаат хатига асосан экспертиза республика ҳудудида жойлашган эксперт муассасалари, Лаборатория, шаходатланган лавозимдаги Давлат божхона кумитаси ходимлари томонидан, ҳамда Фан-техника, санъат ва бошка соҳалардаги мутахасисларни жалб қилган ҳолда оширилиши мумкин.

Лаборатория БКБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларини юритиш буйича, божхона назоратини амалга ошириш жараёнида утказиладиган экспертизаларда мулкчилик шакли, идоравий буйсуниш ва тегишлилигидан қатъий назар, ҳар қандай давлат ва нодавлат ташкилот, қорхона мутахасислари, шу жумладан эксперт муассасаларининг экспертларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Мутахасисни жалб қилиш тартиби Ушбу мутахасис ишлаётган муассаса томонидан белгиланади.

Экспертиза бошка эксперт муассасаларида утқазилганида, экспертнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ушбу эксперт муассасасининг бошлиги томонидан тушинтирилади.

Лаборатория бошлиги экспертизани уз вақтида ва ушбу йуриқнома талабларига аниқ риоя қилган ҳолда утқазилишини назорат қилади.

Лаборатория бошлиги экспертиза утқазиш жараёнида:

Лабораторияга йуланган материалларни қабул қилади ва ёзма равишда бир ёки бир нечта экспертларга экспертиза утқазиш тугрисида топширик беради. Уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради, билган ҳолда ёлгон хулоса берганлик, экспертиза утқазишдан бош тортиш ёки рад қилиш учун жавобгарлик тугрисида огоҳлантиради.

экспертиза утқазиш муддатини булғилайди. Агар 5 иш қунида экспертизани тулик утқазиш имқонияти булмаса, бу ҳақда Давлат божхона кумитаси раиси уринбосарига ҳабар беради ва унинг розилиги билан кушимча 10 иш қунигача муддат белгилайди. Экспертиза тайинлаган органига экспертиза учун зарур булган кушимча материаллар талаб қилиб суровнома юборган вақтдан бошлаб, Ушбу материаллар экспертизага тақдим қилинган ёки суровномани рад қилиш тугрисида ҳабарнома олинган қунгача булган вақт экспертиза утқазиш муддатиға қирмайди.

экспертларга иомий-услубий ёрдам беради, экспертиза натижалари билан танишади ва унинг тахлилинини назорат қилади.

Лаборатория бошлигининг ёзма курсатмаси ва экспертизага такдим килинган материалларни олганидан сунг эксперт экспертиза утказишга киришади.

Экспертиза утказиш учун такдим этилган маълумотлар етарли булмаса, эксперт материалларни қабул қилган вақтдан бошлаб бир иш куни давомида бу ҳақида Лаборатория бошлигига ёзма равишда мурожаат қилади.

Экспертиза қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган материаллар такдим этилганлиги аниқланганда Лаборатория бошлиги бу тугрида бир иш давомида экспертизани тайинлаган орган ёки мансабдор шахс камчиликларни бартараф қилиш учун ҳеч қардай чора-тадбирлар қўллама, у ҳолда хабар берилган кундан бошлаб беш иш куни утгач, Лаборатория бошлиги экспертнинг экспертиза утказиш имконияти йуклиги ҳақидаги хабарномасига илова қилган ҳолда, материалларни қайтариб юбориш ҳуқуқига эга.

Лаборатория бошлиги экспертиза тайинлаган органга:

такдим килинган материаллар экспертга утказиш ёки объектив ҳулоса бериш имконини бермаса;

Ишни ҳар томонлама чуқур урганиш учун турли соҳа ихтисослашган экспертларни жалб қилиш зарурияти тугилса, утқазилган тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш ва умумий ҳулосага келиш мақсадида комплекс ёки комиссиявий экспертиза утказиш ташкил қилинади.

Лабораторияда комплекс ёки комиссиявий экспертиза утказиш учун Лаборатория бошлиги экспертлар ҳайъати фаолиятини ташкил эти шва мувофиқлаштиришни таъминлайдиган етакчи экспертни таъминлайди.

Экспертлар ҳайъати бошлиги булган етакчи эксперт БКБ ҳолатлари юзасидан расмийлаштирилган ишларни юритиш буйича утқазилаётган экспертизада бошқа экспертлар билан бир хилдаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга, ҳамда экспертиза масалаларини ҳал этишда ҳеч қандай устунликка эга эмас.

Етакчи экспертнинг вазифаси комплекс ёки комиссиявий экспертиза олдида қуйилган вазифаларни илмий асосланган ват улик ҳал қилиниши учун экспертларнинг билим ва тажрибаларидан имкони борича самарали фойдаланишни ташкил этишдан иборат.

Комплекс ёки комиссиявий экспертиза утқазилганда экспертлар умумий ҳулосага келсалар улар битта ҳулосага имзо қўядилар. Экспертларнинг фикрлари ҳар хил ҳар бир эксперт алоҳида ҳулоса беради.

Худудий божхона лабораториялари белгиланган тартибда Марказий божхона лабораториясига ҳар ой якуни буйича ҳисобот беради.

Эксперт ҳулосаси уч қисмдан иборат: кириш, тадқиқот ва якуний (2-илова).

Ҳулосанинг кириш қисмида экспертиза утқазиш учун тилхат берган экспертнинг исми-шарифи ва тилхат берилган сана, ҳулоса қайд этилган тартиб рақами, ҳулоса берилган сана, экспортёр ва импортёр ҳақида маълумот, товар ёки намуна (синама) номи, материаллар экспертизага қабул

килинган сана ва руйхати; экспертизани амалга ошириш учун асос (топширик, қарор, муружаат хати).

Қайта ва қушимча экспертизаларни амалга оширишда хулосанинг кириш қисмида дастлабки экспертиза тугрисидаги маълумотлар ҳам келтирилади (хулоса рақами, санаси, қим томонидан берилган).

Комплекс ёки комиссиявий экспертиза утказилаётганда хулосанинг кириш қисмида етакчи экспертнинг исми–шарифи курсатилади. Комплекс ёки комиссиявий экспертизага қуйилган умумий саволларни ечишга таъсир қиладиган алоҳида утказилган аввалги экспертизалар ҳақида маълумотлар келтирилади.

Хулосанинг тадқиқотлар қисмида экспертиза натижалари тавсифлаб, шунингдек аниқланган ҳолатлар бўйича илмий-услубий тушинтиришлар берилади.

## **5-Мавзу. Божхона режимлари ва уларни қўллаш шартлари**

1. Божхона режимларининг моҳияти ва турлари.
2. Умумий божхона режимларининг қўлланилиш хусусиятлари.
3. Махсус мақсадларда қўлланилувчи божхона режимлари.

**Божхона режими** – бу Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини божхона мақсадлари учун белгиловчи қоидалар мажмуидир.

**Эркин муомалага чиқариш** – бу божхона органлари томонидан божхона расмийлаштирувидан ўтган товарлар ва транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилиши учун рухсат берилишидир. Эркин муомалага чиқариш режимининг шартлари:

- товарларга нисбатан белгиланган импорт божларини, солиқларни ва бошқа бож тўловларини тўлаш (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар, божхона божлари, акциз солиқлари, қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар);

- иқтисодий сиёсат чоралари ва бошқа чора-тадбирларга риоя этиш (лицензиялаш, квоталаш, сертификатлаш, давлат органларининг назорати (ветеринар, фитосанитар ва б.)).

**Резкспорт** - бунда чет эл товарлари божхона ҳудудидан олиб чиқилади ва бу товарларни олиб киришда тўланган импорт божлари ва солиқлар қўйидаги шартларга риоя этилган ҳолда қайтарилади:

- резкспорт қилинаётган товарларнинг олиб қилинган пайтдаги ҳолати ўзгармаган бўлса, табиий эскириш оқибатидаги ўзгариш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларидаги камайишлар бундан мустасно;

- товарлар резкпорти улар олиб қилинган пайтдан бошлаб икки йил ичида амалга оширилади бўлса;

- резкспорт қилинаётган товарлардан даромад қилиш мақсадларида фойдаланилмаган бўлса.

**Реимпорт режими.** «Реимпорт» тушунчаси илгари экспорт режимига мувофиқ олиб чиқилган товарларнинг чет элдан қайта олиб келинишини билдиради. Реимпорт миллий товарларнинг чет элда қайта ишланмасдан қайтариб келинишидир. Товарларни реимпорт божхона режимида олиб ўтиш учун қуйидаги шартларга риоя этиш лозим:

- товарлар олиб чиқилгандан бошлаб ўн йил ичида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига қайта олиб кирилиши;
- товарларнинг олиб чиқилган пайтдаги ҳолати қайта олиб кирилаётган вақтда ўзгармаган бўлиши лозим. Табиий эскириш оқибатидаги ўзгариш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларидаги камайишлар бундан мустасно.

**Товарлар транзити** - бунда товарлар Ўзбекистон Республикасининг икки божхона органи ўртасида, товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмасдан божхона назорати остида олиб ўтилади. Товарларни транзит орқали олиб ўтишнинг икки шarti мавжуд:

- товарларнинг олиб ўтиш пайтдаги ҳолати ўзгармасдан қолиши лозим, табиий эскириш оқибатидаги ўзгариш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларидаги камайишлар бундан мустасно;
- ушбу товарлардан транзитдан бошқа мақсадлар йўлида фойдаланмаслиги керак.

**Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш)** - бунда божхона ҳудудида ёки ундан ташқарида товарлардан бождан, солиқлардан тўла ёки қисман озод этилган ҳолда ва товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан фойдаланишга йўл қўйилади.

**Вақтинча сақлаш** - бунда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситалари божхона органига тақдим этилган пайтдан бошлаб чиқаришга рухсат берулгунга қадар танланган режимга мувофиқ божхона омборида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан вақтинча сақланади. Товарларнинг вақтинчалик сақлаш режимида бўлиш муддати икки ойдан ошмаслиги лозим.

**Божхона омбори** - товарлар божхона омборига жойлаштирилган кундан бошлаб уч ойдан кеч бўлмаган муддатда олиб чиқиб кетилиши шарт. Агар товарлар белгиланган муддат ичида олиб чиқиб кетилмаса, унда божлари, солиқлар, шунингдек ушбу тўловлар бўйича фоизлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўланади.

**Бож олинмайдиган савдо дўкони** - бунда товарлар божхона ҳудудининг божхона органлари томонидан Божхона Кодексига мувофиқ белгилайдиган жойларида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида туради ҳамда реализация қилинади.

**Эркин божхона зонаси ва эркин омбор** - бунда чет эл товарлари муайян ҳудудлар ва жойларда бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан жойлаштирилади ва ишлатилади. Ўзбекистон товарлари эса



экспорт режимига мувофиқ олиб чиқишда қўлланиладиган шартларга кўра жойлаштирилади ва ишлатилади.

**Божхона ҳудудида қайта ишлаш** шундай режимки, бунда қайта ишлаш маҳсулотлари экспорт режимига мувофиқ божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши шарти билан чел эл товарларидан божхона ҳудудида қайта ишлаш учун уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмасдан ва олиб киришда тўланган импорт божи ва солиқларни қайтарган ҳолда белгиланган тартибда фойдаланилади.

**Божхона назорати остида қайта ишлаш шундай режимки**, бунда чет эл таварларидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида божхона назорати остида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чораларини қўлламадан қайта ишлаш учун фойдаланилади ҳамда кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқариш ёки бошқа божхона режимига жойлаштирилади.

**Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш** - бунда Ўзбекистон товарлари уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлланмаган ҳолда олиб чиқилади ва улардан қайта ишлаш маҳсулотларини бож ва солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиб, шунингдек, товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлламадан келгусида божхона ҳудудидан ташқарида фойдаланилади.

**Қайта ишлаш режимларида** қуйидаги операциялар бажарилиши мумкин:

- товарларни қайта ишлаш ва ишловдан ўтказиш;
- товарларни таъмирлаш (тиклаш ва тартибга келтириш);
- товарни тайёрлаш (монтаж қилиш, йиғиш ва бошқа товарларга мослаштириш);
- қайта ишлашга ёрдам берадиган ёки уни енгиллаштирадиган бошқа товарлардан қисман ёки тўлиқ фойдаланиш.

**Йўқ қилиш режими.** Бунда чет эл товарлари бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда божхона назорати остида йўқ қилинди (ёки яроқсиз ҳолга келтирилади).

**Давлат фойдасига воз кечиш режими** - бунда шахс товарларга нисбатан бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда уларни давлат фойдасига воз кечади.

#### **6-Мавзу. Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда божхона юк баённомасини қўллаш ва жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларнинг божхона назорати**

1. Божхона баённомасининг моҳияти ва шакллари.
2. Божхона юк баённомасини тўлдириш бўйича божхона органларининг талаблари.
3. Божхона юк баённомасининг асосий бўлимларини тавсифи.
4. БЮБдан фойдаланган ҳолда божхона назорати ва расмийлаштирувини ўтказишда талаб этиладиган ҳужжатлар.

Божхона расмийлаштирувининг асосий босқичларидан бири товарлар, транспорт воситалари ва багажларни декларациялаш ҳисобланади. Декларациялаш турли мамлакатларда турлича: ёзма, оғзаки, маълумотларни электрон узатиш ёки бошқа шаклларда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида декларациялаш кўпроқ ёзма шаклда олиб борилади. Бир қатор мамлакатларда йўловчилар божхона назоратидан ўтаётганларида «яшил коридор» бўйича юришлари мумкин ва бу билан таъқиқланган товарлар олиб кетмаётганликларини намойиш этишади. Кўпинча божхона ходимлари бу шахсларни алоҳида сабаблар бўлмаса кўриқдан ўтказишмайди ва бу декларациялашнинг бошқа шаклларига киради.

Декларациялаш чоғида фойдаланиладиган асосий ҳужжат божхона юк декларацияси (БЮД) ҳисобланади. БЮД – бу юклар божхона чегарасидан олиб ўтилаётган ёки уларнинг божхона режими ўзгартирилаётган пайтда қўлланиладиган ва белгиланган шаклда тузилган (БЮД 1 ва БЮД 2) расмий ҳужжатдир. Йўловчилар учун йўловчилар божхона декларацияси мавжуд бўлиб, у мамлакатдан чиқиб кетаётганда тўлдирилади. Божхона декларациясининг экспорт, импорт ва транзит турлари мавжуд.

БЮДга маълумотларни киритишнинг муайян қоидалари ва чегаралари мавжуд. Юк ташувчи божхона декларациясини куйидаги шартларда тўлдириши лозим:

- божхона қиймати белгиланган минимумдан ошганда;
- товарга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилганда;
- божлар ва йиғимлар ундирилганда.

Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари БЮДда товар, юк ташиш шартлари, ўраб–жойлаш тартиби ва бошқалар тўғрисида тўлиқ маълумот беришади. БЮДда қайд этилган маълумотлар тегишли давлат органлари томонидан фойдаланилиши мумкин. Бу маълумотлар божхона сатистикасининг асоси бўлиб хизмат қилади.

БЮД тегишли божхона режимига мувофиқ тўлдирилади ва у божхона тўловларини ҳисоблашда асос бўлиб хизмат қилади. Ҳар бир партия товар учун, агар бир турдаги божхона режими қўлланилса, битта БЮД тўлдирилади. Агар бу партиёга нисбатан яна бошқа божхона режимлари қўлланилса, унда уларнинг сонига қараб шунча БЮД тўлдирилади. Декларацияни тўлдириш чоғида маълумотлар ўчириб тўғриланиши мумкин эмас. Декларацияда маълумотлар тушунарли ва аниқ ёзилиши, йўл қўйилган хатолар устидан эса чизик тортилиб, киритилган ўзгартиришлар маъсул шахс имзоси билан тасдиқланиши лозим.

БЮД тўртта брошюраланган ЮД 1 ва қўшимча ЮД 2 шаклидаги варақлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири уч турдаги товарларни декларациялаш имконини беради. Божхона божлари ундирилмайдиган алоҳида товарлар бўйича эса товарлар рўйхати, ўраб–жойлаш ва товар хусусиятларини акс эттирувчи ҳужжатларни кўрсатишнинг ўзи кифоя. Чунки, бундай товарлар мамлакатда қўлланилаётган иқтисодий сиёсат чоралари доирасидан ташқарида бўлишади.

Ўзбекистон Республикасида БЮДни тўлдириш 1999 йилга қадар БЮДни тўлдиришнинг тартиби тўғрисидаги вақтинчалик Низом асосида амалга оширилган. 1999 йилдан бошлаб эса БЮДни тўлдиришнинг доимий Қўлланмаси амалга киритилди. Декларацияни товар эгаси, божхона брокери, сотувчи ёки харидорнинг ишончли вакили тўлдириши мумкин. Божхона органининг мансабдор шахслари юк ташувчининг илтимоси ва топшириғига мувофиқ ёки мустақил равишда декларацияни тўлдириши, унга қўшимча ёки тузатишлар киритиши мумкин эмас. Улар декларацияга фақат ўз ҳуқуқлари доирасига кирувчи маълумотларнигина киритишлари мумкин.

Декларант декларацияга кўп сонли маълумотларни киритади ва тахминан қирққа яқин устун жисмоний шахс томонидан тўлдирилади. 44 устунда хужжатлар келтирилади, шунингдек, транспорт хужжатларининг рақамлари, барча рухсатномалар, сертификатлар муддати ва ҳокимиятнинг рухсатномаси келтирилади.

Божхона органи божхона декларациясини қабул қилмаслиги мумкин эмас. Агар декларант қандайдир сабаб билан тўлиқ декларацияни бера олмаса, божхона органи унга қолган маълумотларни бергунга қадар вақтинчалик ёки тўлиқ бўлмаган декларацияни беришига рухсат бериши мумкин.

## **7-Мавзу. Товарларнинг божхона қиймати ва уни аниқлаш усуллари**

1. Товарларнинг божхона қиймати тушунчасини ва унинг иқтисодий аҳамияти.
2. Товарларнинг божхона қийматини аниқлаш буйича жаҳон тажрибаси.
3. Олиб кирилатган товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб товарнинг божхона қийматини аниқлаш.
4. Бир хил ва ўхшаш товарлар юзасидан тузилган битим қийматига қараб товарнинг божхона қийматини ҳисоблаш.
5. Товарнинг божхона қийматини қийматларни чегириш ва қўшиш асосида аниқлаш.
6. Товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг заҳира усули.
7. Божхона қиймати декларацияси.

***Божхона қиймати* – бу божхона тўловларини (бож, акциз, ҚҚС ва божхона расмилаштурувчи учун йиғимлари) ҳисоблашнинг реал базаси (асоси) сифатида қўлланувчи товар қийматидир.**

### **Божхона қийматини аниқлашнинг мақсадлари:**

- Божхона божлари, солиқлар ва бошқа тўловларни ундириб олишнинг реал базасини (асосини) аниқлаш. Уларни ундириш божхона органларининг зиммасига юклатилган бўлиб, ундан божхона статистикасини юритиш ва товарлар қийматини сунъий равишда ошириш ёки камайтиришга қарши кураш воситаси сифатида фойдаланилади.
- Валюта назоратини амалга ошириш учун зарур ахборотларни тўплаш ва таҳлил этиш;

- Товарлар қийматини божхонанинг бошқа мақсадлари учун аниқлаш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган божхона қонунчилигини бузганлик учун жазолар қўллаш.

### **1-усулнинг шартлари:**

- 1) декларант божхона қийматини белгилашда фойдаланган маълумотлар ҳужжатлар асосида тасдиқланган ва тўғри бўлса;
- 2) харидорнинг товарларни тасарруф этиши ёки улардан фойаланишида куйдагилардан ташқари чеклашлар бўлмаганда:
  - а) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган чеклашлар;
  - б) харидорнинг товарларни кейинчалик қайта сотиши (бегоналаштириши) мумкин бўлган географик минтақадаги чеклашлар;
  - в) товарлар нархига жиддий таъсир қилмайдиган чеклашлар.
- 3) товарларнинг сотилиши ёки нархи божхона қийматини аниқлаб бўлмайдиган ҳолга олиб келадиган қандайдир шартларга ёки фикрларга сабаб бўлмаса;
- 4) харидорнинг товарни кейинчалик қайта сотиши, тасарруф этиши ёки фойдаланишидан келган тушумнинг бирон–бир қисми бевосита ёки билвосита сотувчига ўтмаса, фақат агар қийматга тегишли тузатишлар киритиш мумкин бўлмаса;
- 5) харидор ва сотувчи бир-бирига боғлиқ шахслар бўлмаса, бундай ўзаро боғлиқлик декларант томонидан исбот этилган ҳоллар бундан мустасно.

**Айнан бир хил товар** – бу ҳар жиҳатдан, шу жумладан, физик хусусиятлари; сифати ва бозордаги қадри; қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги; ишлаб чиқарувчиси каби белгиларига кўра баҳоланаётган товар билан бир хил бўлган товар тушунилади.

### **2-усулнинг шартлари:**

- баҳоланаётган товар олиб кирилгунча қадар кўпи билан 90 кун олдин Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш учун сотилган бўлса;
- тахминан ўшанча миқдорда ва (ёки) ўшандай тижорат шартларида олиб кирилган бўлса;
- агар айнан бир хил товар кўп ёки кам миқдорда ва бошқа тижорат шартларида олиб кирилган бўлса, баҳоланаётган товарнинг божхона қийматига ана шу фарқларни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилади (бу тузатишларнинг асосли эканлигини божхона органига ҳужжатлар билан тасдиқлаб бериш мумкин бўлса).

**Ўхшаш товар** - бу ҳар жиҳатдан бир хил бўлмаса-да, ўхшаш хусусиятларига эга бўлганлиги ва таркибий жиҳатдан ўхшашлилиги туфайли баҳоланаётган товар билан бир хил вазифаларни бажара оладиган ва тижорат нуқтаи назаридан унинг ўрнини боса оладиган товар тушунилади.

**4-усул** - бунда баҳоланадиган айнан бир хил ёки ўхшаш товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ички бозоридаги дастлабки ҳолати ўзгартирилмасдан сотиладиган сотиш нархи божхона қийматини белгилаш

учун асос қилиб қабул қилинади. Сотиладиган товар бирлиги нархидан куйидаги харажатлар чегириб ташланади:

- воситачилик ҳақи тўлашга қилинган харажатлар, фойдага қўйиладиган одатдаги устамалар ва олиб келинган бир хил турдаги товарларни Ўзбекистон Республикасида сотиш билан боғлиқ умумий харажатлар;
- товарлар олиб кириш ёки сотиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасида тўланиши лозим бўлган импорт божлари, солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар суммаси;
- Ўзбекистон Республикасида транспортда ташиш, суғурталаш, юклаш ва тушириш учун қилинган харажатлар.

#### **5-усулнинг шартлари:**

- баҳоланаётган товарни ишлаб чиқариш муносабати билан тайёрловчи томонидан сарфланган материаллар қийматини ва бошқа харажатларни;
- айна бир турдаги товарларни олиб чиқилаётган мамлакатдан Ўзбекистон Республикасига сотишга хос бўлган умумий харажатларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтиш жойигача транспортдан ташиб келтириш, юклаш ва тушириш, суғурталаш харажатларини;
- айнан ёки бир хил ўхшаш товарларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш натижасида экспортёр томонидан одатда олинадиган фойдани қўшган ҳолда чиқариладиган баҳоси божхона қийматини белгилаш учун асос сифатида қабул қилинади.

**6-усул** – бунда куйидаги оқилона қайишқоқликга йўл қўйилиши мумкин:

а) айнан бир хил товарларга нисбатан қайишқоқлик куйидагилар юзасидан йўл қўйилиши мумкин:

- айнан бир хил товарларни олиб келиш муддатлари, бироқ божхона қийматини белгилаш учун асос сифатида экспортёр мамлакатидан бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ва экспортёр мамлакатдан бошқа қайсидир ўзга мамлакатда ишлаб чиқарилган, шунингдек импорт қилинган товарлар кўриб чиқилиши мумкин;
- импорт қилинган айнан бир хил товарларнинг илгари 4 ва 5-усулларга кўра белгиланган божхона қийматидан фойдаланиш.

б) ўхшаш товарларга нисбатан қайишқоқлик куйидагилар юзасидан йўл қўйилади:

- ўхшаш товарнинг олиб келиниши муддатларига нисбатан;
- экспортёр мамлакатдан бошқа қайсидир ўзга мамлакатда ишлаб чиқарилган ўхшаш товарлардан божхона қийматини белгилаш учун асос сифатида фойдаланилганида;
- импорт қилинган ўхшаш товарларнинг илгари 4 ва 5-усулларга кўра белгиланган божхона қийматидан фойдаланиш.

в) 4-усулга нисбатан товарларнинг ички бозорда сотилиши муддатлари, шунингдек, уларнинг қай ҳолда импорт қилингани (яъни, муайян қайта

ишлашга йўл қўйилиши) борасидаги талабларнинг қайишқоқлик билан талқин этилишига йўл қўйилиши мумкин.

### **9-Мавзу. Божхона статистикаси божхона иши асосларининг таркибнй қисми**

1. Божхона статистикасининг усуллари.
2. Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси ва унинг синфланиши.
3. Ташқи савдо божхона статистикасида товарларни етказиб беришнинг тижорат шартларининг ўрни.
4. Товарларни етказиб беришнинг тижорат шартлари таснифи.

#### **Ташқи савдо статистикасининг хусусиятлари:**

- статистика фақат божхона чегарасини кесиб ўтаётган товарлар ва хизматлар массасини ҳисобга олади;
- статистика божхона чегарасини тижорат ва нотижорат мақсадларда кесиб ўтаётган ҳар қандай товар массасини (вазни бўйича) ҳисобга олади. Демак, мамлакат томонидан олинган барча инсонпарварлик ёрдамлари импортга, мамлакатдан берилаётган барча инсонпарварлик ёрдамлари экспортга кўшилади.

#### **Божхона чегарасини кесиб ўтаётган қуйидаги товарлар ташқи савдо ҳисобига кирмайди:**

- бевосита транзит (омборларга тўхтамасдан);
- дипломатик муассаса ходимлари ва якка шахсларнинг багажлари;
- қайтариладиган тара (контейнерлар, шиша идишлари) ва намуналар;
- шартнома бўйича бир йилдан кам муддатга олиб ўтилаётган жорий ижара товарлари;
- монетар олтин, шунингдек, муомаладаги бошқа тангалар, қимматбаҳо қоғозлар, банкноталар;
- вақтинчалик олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарлар, масалан, театр декорациялари, спорт инвентарлари, машиналар, кўргазмалар, ярмаркалар, аукционлар ва бошқалар учун мўлжалланган товарлар.
- товарларни кафолат ҳисобига етказиб бериш;
- транспорт воситалари ва бошқа асбоб-ускуналарнинг ремонт ишлари;
- товарларни олиб кирмасдан реэкспорт қилиш;
- хизматлар қиймати (номоддий);
- нейтрал, худудий ва хорижий сувларда концессия доирасида овланган балиқлар.

#### **Товарлар импорти:**

- ички истеъмол ёки қайта ишлаш учун олиб кирилаётган товарлар (барча олиб кирилаётган товарларнинг катта қисми);
- кейинчалик реэкспорт учун мўлжалланган товарлар;

- божхона омборларида қайта ишлаш учун олиб кирилатган товарлар тушунилади.

#### **Товарлар экспорти дейилганда:**

- экспортёр мамлакатда ишлаб чиқарилган, қазиб олинган ёки сезиларли қайта ишланган товарлар;
- божхона назорати остида қайта ишланган товарлар;
- божхона омборларидан олиб чиқилаётган товарлар;
- миллий товарлар;
- ички истеъмол учун олиб кирилган (шу билан боғлиқ равишда божхона тозалавудан ўтган) ва эркин муомалага чиқарилган, кейин қайта ишланмасдан олиб чиқилаётган товарлар тушунилади.

#### **Божхона статистикасининг вазифалари:**

- экспорт ва импорт тўғрисида ишончли маълумотлар олиш;  
Ташқи савдода товарлар ҳаракатини ҳисобга олиш тизимлари:
- айрим товарларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган махсус тизим;
- барча турдаги товарларга нисбатан қўлланувчи умумий тизим.

#### **Божхона статистикасининг шаклланишида фойдаланиладиган кўрсаткичлар:**

- ҳисобот даври;
- товар оқимининг йўналиши (олиб кириш ёки олиб чиқиш);
- олиб киришда товарнинг келиб чиқиш мамлакати;
- олиб чиқишда белгиланган мамлакат;
- статистик қиймат;
- товарлар коди ва номлари;
- нетто оғирлик;
- қўшимча ўлчов бирликларининг коди ва номланиши;
- қўшимча ўлчов бирликлари бўйича миқдор;
- битимлар хусусияти;
- божхона режимининг тури;
- товар жўнатувчи (қабул қилувчи) категорияси;
- ҳудуд.

#### **Божхона статистикасида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:**

- ташқи савдо товарообороти.
- савдо баланси сальдоси.
- қоплаш коэффициенти қ (экспорт қиймати)/(импорт қиймати).
- савдо баланси.
- тўлов баланси.

**ИНКОТЕРМС** - Халқаро савдо палатаси (International Chamber of Commerce - ICC) томонидан ишлаб чиқилган товар етказиб беришнинг тижорат шартларини шархлашнинг халқаро қоидалари мажмуидир.

#### **Юк ташиш шартларининг классификацияси.**

Е гуруҳ (жўнатиш)	<b>EXW</b>	Франко-корхона
Ғ гуруҳ (асосий фрахт тўланмаган)	<b>FCA</b> <b>FAS</b> <b>FOB</b>	Франко-юк ташувчи Кема борти ёнида эркин Бортда эркин
С гуруҳ (асосий фрахт тўланган)	<b>CFR</b> <b>CIF</b> <b>CPT</b> <b>CIP</b>	Қиймат ва фрахт Қиймат, суғурта ва фрахт ... га қадар ташиш тўланган ... га қадар ташиш ва суғурта тўланган
Д гуруҳ (етиб келиш)	<b>DAF</b> <b>DES</b> <b>DEQ</b> <b>DDU</b> <b>DDP</b>	Франко-чегарага етказиб келиш Франко-кемага етказиб келиш Франко-соҳилга етказиб келиш Бож тўламасдан етказиб келиш Бож тўлаган ҳолда етказиб келиш

**Биринчи гуруҳ - жўнатиш, Е гуруҳи (Ex Works, EXW)**, бунда сотувчи товарни харидорга ўз корхонасида етказиб беради («франко- завод»).

**Иккинчи гуруҳ - асосий фрахт тўланмаган, Ғ гуруҳи (FCA, FAS ва FOB)**, бунда сотувчи товарни етказиб бериш шартномасини тузган-номинацияланган («to nominate» атамаси «белгилаш» деган маънони англатади), яъни белгиланган ташувчига етказиб бериши шарт. Бу гуруҳга «франко-юк ташувчи», «кема борти ёнида эркин», «кема бортида эркин» каби атамалар киради.

**Учинчи гуруҳ - асосий фрахт тўланган, С гуруҳи (CFR, CIF, CPT ва CIP)**, бунда сотувчи юкни импортёр чегарасига қадар ташишни таъминлаш масъулиятини ўз зиммасига олади. Юклаб ортиш ва жўнатишдан сўнг товарнинг йўқолиши ёки шикастланиши билан боғлиқ кўшимча харажатлар хатарини ўзига олмайди. Бундан ташқари бу гуруҳ шартларига мувофиқ асосий фрахт кўрсатилган жойгача тўланиши мумкин. Бу гуруҳга «қиймат ва фрахт», «қиймат, суғурта ва фрахт», «...га қадар фрахт тўланган», «...га қадар фрахт ва суғурта тўланган» каби шартлар киради.

**Тўртинчи гуруҳ - етиб келиш, Д гуруҳи (DAF, DES, DEQ, DDU ва DDP)**, бунда сотувчи товарларни импортёрнинг мамлакатига харидор томонидан белгиланган жойга қадар етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар ва хатарларни ўз зиммасига олади. Товар етказиб бериш «франко-чегара», «франко-кема», «франко-причал», «бож тўламасдан етказиб бериш», «бож тўлаган ҳолда етказиб бериш» шартларида амалга оширилади.

### **10-Мавзу. Божхона органларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти ва контрабандага қарши кураш**

1. Божхона органларини ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти.
2. Божхона қоидаларини бузилишининг умумий тавсифи.
3. Контрабанда жиноятини содир қилганлик учун қўлланиладиган маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари.



Божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги ишларни юритиш божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан Божхона кодексига мувофик, Кодекса тартибга солинмаган холларда эса маъмурий жавобгарлик тугрисидаги конун хужжатларига мувофик амалга оширилади.

Божхона хакидаги конун хужжатлари бузилганлиги тугрисидаги ишларни юритиш божхона коидалари бузилганлиги тугрисида баеннома тузилишидан бошланади. Божхона органи мансабдор шахси томонидан божхона коидалари бузилганлиги белгилари аникланиши божхона хакидаги конун хужжатлари бузилиши хакида иш юритилишига асос булади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тугрисидаги кодексининг 262-моддасига мувофик (кейинги уринларда ЎзР МЖК деб аталади), ЎзР МЖКнинг 227-моддасида назарда тутилган маъмурий хукукбузарликлар тугрисидаги ишлар божхона органларига тегишлидир.

Маъмурий хукукбузарликлар тугрисидаги ишларни юритиш вазибалари куйидагилар хисобланади: хар бир ишнинг холатини уз вақтида, хар томонлама тулик ва холис аниклаш, уни конун хужжатларига мувофик хал этиш, чиқарилган қарор ижро этилишини таъминлаш, шунингдек маъмурий хукукбузарлик содир этилиши сабаблари ва унга кумаклашувчи шарт-шароитларни аниклаш, хукукбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Конституцияга ва Ўзбекистон Республикаси конунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш, конунчиликни мустаҳкамлаш.

Божхона хакидаги конун хужжатлари бузилиши тугрисидаги ишларни юритиш куйидаги босқичлардан иборат булади:

- божхона хакидаги конун хужжатлари бузилишини аниклаш ва уларга барҳам бериш, бирламчи материалларни, хукукбузарликлар тугрисидаги хабарларни текшириш, аниқланган факт ва хукук бузиш холатлари, хукук бузувчининг шахсини аниклаш, исботлар туплаш ва текшириш буйича процессуал харакатларни юритиш, текшириш материалларини қуриб чиқиш ва унинг натижалари буйича қарор қабул қилиш;

- иш материалларини қуриб чиқишга тайерлаш;

- божхона хакидаги конун хужжатлари бузилиши тугрисидаги ишларни қуриб чиқиш;

- божхона хакидаги конун хужжатлари бузилиши тугрисидаги ишлар буйича қарорлар ижроси;

- хукук бузишларнинг олдини олиш буйича таклифлар, ахборот ва хабарлар киритиш, улар содир этилишига кумаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда тартибга солишнинг бошқа чоратadbирлари.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тугрисидаги кодексининг 276-моддасига мувофик, маъмурий хукукбузарлик тугрисидаги ишга оид далиллар хар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий хукукбузарлик холати юз берган еки бермаганлигини, муайян шахснинг уни

содир этишда айбдорлигини ва ишни тугри куриб чиқиш учун ахамиятли булган бошка холатларни конунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Бу маълумотлар куйидаги воситалар: божхона хақидаги конун хужжатлари тугрисидаги баеннома, жавобгарликка тортилаётган шахсинг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг курсатувлари, эксперт хулосаси, ашевий далиллар, аше ва хужжатларни олиб куйиш тугрисидаги тузилган баеннома, шунингдек, бошка материаллар билан белгиланади.

Божхона хақидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги ишни божхона органининг мансабдор шахси ҳуқуқбузарлик аниқланган жойда еки юкори божхона органининг руҳсати билан – ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда юритади. Божхона коидалари бузилиши тугрисидаги ишларни юритиш учун бир божхона органидан бошкасига бериш масалалари улар учун юкори турувчи Ўзбекистон Республикаси божхона органи томонидан хал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг юкори турувчи божхона органи божхона коидалари бузилиши тугрисидаги хар кандай ишни юритиш учун узига кабул килиши еки уни ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасининг исталган куйи божхона органларига бериши мумкин.

Божхона хақидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги ишни юритиш у бошланган кундан эътиборан бир ой муддатдан кечикмай тугалланиши лозим.

Божхона хақидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги ишларни юритиш муддати зарур холларда божхона органининг бошлиги томонидан юридик шахсларга ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган шахсларга нисбатан турт ойгача узайтирилиши мумкин (ЎЗР Божхона кодексининг 175-моддаси).

Божхона хақидаги конун хужжатларининг бузилиши тугрисидаги ишлар давлат тилида еки ушбу жойдаги купчилик ахоли тилида юритилади. Ишда иштирок этувчи, иш юритилаётган тилни билмайдиган шахслар учун иш материаллари билан тулик танишиш ва уни куриб чиқишда таржимон оркали иш билан мазмунан танишиш, шунингдек, она тилида сузга чиқиш ҳуқуқи таъминланади.

Божхона хақидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги иш материалларида мавжуд булган маълумотлар иш куриб чиқилгунга кадар ошкор килинмайди. Куйидаги холатлармавжуд булган тақдирда божхона хақидаги конун хужжатларининг бузилиши тугрисидаги иш юритиш бошланмаслиги, бошланган иш эса тухтатилиши керак:

1. божхона ҳуқуқбузарлиги таркиби мавжуд булмаганда;
2. Божхона коидалари бузилиши содир этилган пайтда шахс ун олти ешга тулмаганда;
3. Божхона хақидаги конун хужжатларининг бузилишини содир этган шахс акли бутун булмаганда;
4. Шахс зарур мудофаа еки энг охирги чора холатида иш курганда;
5. Божхона коидалари бузилганлиги учун жазо куллаш баргараф этилган тақдирда амнистия чиқарилганда;

6. Божхона хакидаги конунлар бузилганлиги учун жавобгарликни белгиловчи хужжат бекор килинганда;

7. Ишни куриб чикиш пайтига келиб, божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилганлиги учун жазо бериш муддатлари тугаганда;

8. Жавобгарликка тортилувчи шахсга нисбатан бир фактнинг узи буйича жазо куллаш тугрисида карор ехуд божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилиши тугрисидаги ишни тухтатиш хакида белгиланган тартибда бекор килинмаган карор мавжуд булганда, шунингдек, уша бир фактнинг узи буйича жиноий иш мавжуд булганда;

9. Унга нисбатан иш юритиш бошланган шахс вафот этганда.

Божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича баенномалар. Божхона хакидаги конун хужжатлари бузилганлиги факти буйича хамда зарур харакатларни содир этиш пайтида божхона органининг мансабдор шахси конун хужжатларида белгиланадиган шаклда баенномалар тузади.

Божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича баенномаларга тупланган далиллар кушиб куйилади. Божхона органининг мансабдор шахси иш конун хужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил хал этилгунга кадар далилларнинг сакланишини таъминлаш чораларини куриши шарт.

Божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилишини аниклаш ва тухтатиш хамда дастлабки хужжатларни тузиш (божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилиши тугрисида баеннома тузиш, тушунтиришлар олиш, хукукни бузиш куроли еки бевосита буюми хисобланган ашелар ва хужжатларни олиб куйиш, уларнинг сакланишини таъминлаш, жарима ундириш таъминланиши учун буюмларни олиб куйиш ва бошка харакатлар) божхона постларининг оператив-инспекторлик таркиби, контрабандага карши кураш, божхона коидалари бузилишига карши кураш булими ва суриштирув ходимлари, шунингдек хукук бузилишини бевосита аниклаган божхона хизматларининг бошка булинмалари ходимлари томонидан амалга оширилади.

Божхона хакидаги конун хужжатларига риоя килинишини текшириш ва маъмурий баенномалар тузиш хукуки берилган божхона органларининг мансабдор шахсларига куйидаги лавозимларда ишловчи шахслар тегишли булади:

- Узбекистон Республикаси Давлат божхона кумитасининг бошкармалар, булимлар бошликлари, бош, катта инспекторлари ва инспекторлари;

- худудий божхона хизматларининг бошкармалар, булимлар, булинмалар, божхона постлари бошликлари, бош, катта инспекторлари ва инспекторлари.

МЖКнинг 279-моддаси, УзР Бкнинг 177-моддаси талабларига мувофик божхона конунлари бузилишининг хар бир факти буйича маъмурий хукукбузарликни бевосита аниклаган божхона органи ходими белгиланган шакл буйича баеннома тузади.

Божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилиши тугрисидаги баенномада куйидаги маълумотлар курсатилади:

1. Баеннома тузилган сана ва жой.
2. Баенномани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми.
3. Хукукни бузган шахс тугрисидаги маълумотлар.
4. Сафарнинг мақсади, йуналиш, поезд, автомашина еки бошка транспорт воситасининг тартиб раками, унинг кимга тегишли эканлиги, бориш йуналиши.
5. Содир этилган хукук бузиш жойи, вакти ва мохияти (фабула).
6. Мазкур хукук бузиш учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий хужжат.
7. Олиб куйилган (ушланган) ашелар, бойликлар ва хужжатлар тугрисидаги маълумотлар.
8. Хукук бузувчининг тушунтириши ва ишни хал этиш учун зарур булган бошка маълумотлар.

Божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилиши аникланишининг хар бир холати ва улар буйича курилган чоралар юзасидан божхона органи ходими томонидан рапорт езилади. Унда содир этилган хукук бузиш аникланишининг барча холатлари (излаш усуллари, яшириш усуллари, назорат килишнинг техник воситаларини куллаш, огзаки суров натижасида олинган маълумотлар, багаж ва кулда олиб юриладиган юкни расмийлаштириш, шахсан куздан кечириш, транспорт воситаси, контейнерни куздан кечириш, шунингдек ишга тегишли булган бошка холатлар) акс эттирилиши керак.

УзР МЖК 307-моддаси талабларига мувофик, орган (мансабдор шахс) маъмурий хукукбузарлик тугрисидаги ишни куриб чикишда куйидагиларни аниклашга мажбурдир:

а) маъмурий божхона хукукбузарлиги содир этилганми еки йук, яъни мазкур шахснинг килмишида Божхона кодексининг 129-моддасида белгиланган божхона хукукни бузиши тушунчаси остига ташувчи белги мавжудми еки йук. Ундан ташкари, хукукни бузиш касддан (МЖКнинг 11-моддаси) еки эхтиетсизлик туфайли (МЖКнинг 12-моддаси) содир этилганлиги аникланиши керак;

б) божхона хукукни бузиши содир этилган вакт ва жой, яъни конун хужжатларида белгиланган (УзР БКнинг 133, 175-моддалари) материални расмийлаштириш муддатларига риоя килинганми, хукукни бузиш содир этилиши ва жавобгарликка тортиш муддати тамом булмаганми;

в) мазкур шахс у содир этилишида айбдорми, у маъмурий жавобгарликка тортилиши керакми, яъни УзР МЖКнинг 13-17-моддалари ва УзР БКнинг 130-131-моддалари талабларига риоя килинганми.

Агар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилса, куйидагиларни аниклаш зарур:

Биринчидан, бузилиш даъво килинаётган бузиш унинг функционал вазибалари бузилиши, унинг у еки бу ҳисобот (молия) ҳамда товар-транспорт ҳужжатларини расмийлаштириш ва имзолашда ваколатини бузиш ҳисобланадими;

Иккинчидан, жавобгарликка тортилаётган шахс халқ депутатлари, туман, шаҳар, вилоят кенгашининг депутати еки УзР Олий Мажлисининг депутати эмасми.

Агар ҳуқуқни бузувчи интизомий Уставнинг амал қилиши татбиқ этиладиган ҳарбий хизматчи еки бошқа шахс эканлиги аниқланса, маъмурий таъсир курсатиш чоралари УзР МЖК нинг 16-моддаси талабларига мувофиқ қурилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги булмаган шахслар МЖКнинг 17-моддасига мувофиқ умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилиши керак. Иммуниетга эга булган шахсларга нисбатан маъмурий жазо УзР катнашчиси ҳисобланган халқаро шартномалар ва битимларга зид булмаган даражада қулланилади.

### **Божхона органлари фаолиятини самарадорлигини оширишда божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач фаол ташқи иқтисодий сиёсат юрита бошлади. Ўзбекистон Умумжаҳон божхона ташкилотининг аъзоси ҳисобланади. Эндиликдаги муҳим масала Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишдир. Ўзбекистон Халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг божхона хизматлари билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда.

Ўзбекистон УБТнинг фаол аъзоси ҳисобланади ва божхона сиёсатини жаҳонда қабул қилинган амалиёт билан мос равишда олиб боради. Ўзбекистоннинг УБТ билан ҳамкорлиги 1992 йилдан бошланган.

Ўзбекистон 1992 йилда Божхона ҳамкорлиги Кенгашини таъсис этиш Конвенциясига қўшилди. Хорижий мамлакатларнинг шунга ўхшаш хизматлари билан биргаликда халқаро конвенцияларнинг ҳужжатларини, ҳуқуқий ҳужжатларни, методик ва информацион материалларни ўрганиш, шунингдек, хорижий ҳамкасбларинининг амалий ишларини ўрганиш Ўзбекистон божхона хизмати фаолияти даражасини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Европа Ҳамжамияти Комиссияси билан ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. У божхона хизмати мутахассислари учун саккизта семинар ўтказди, Ўқув Маркази, божхона лабораторияларига асбоб-ускуналар ва наркотикларни аниқлаш учун тестлар етказиб берди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзоси ҳисобланади.

1999 йилнинг кузида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар божхона хизмати бошлиқларининг олтинчи учрашуви Тошкентда ўтказилди. Унда транзит савдоси, контрабанда ва божхона қонунчилигининг бузилиш ҳолларига қарши курашда ўзаро ҳамкорлик

масалалари муҳокама этилди. Йиғилишда, шунингдек аъзо мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқалар ва савдо муносабатларини кенгайтириш ва божхона ҳамкорлиги масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон божхонаси бир қатор мамлакатларнинг божхона хизматлари билан ҳамкорлик олиб бормоқда (масалан, ГФР, АҚШ, Россия ва б.). Ўзбекистон божхона хизмати вакиллари АҚШ, Англия, Франция, Германияга ташриф буюриб, божхона ишини, хусусан, божхона постларини ташкил этишни ўргандилар. Бу эа Республика божхона хизматини такомиллаштириш таклифини тайёрлаш имконини берди.

Ўзбекистон божхона хизмати БМТ, хусусан, БМТнинг савдо ва ривожланиш Конвенциси (ЮНКТАД), Европа иқтисодиёт комиссияси ва БМТнинг МДПни қўллаш масалалари бўйича Конвенциси, БМТнинг Наркотикларни назорат этиш бўйича Комиссияси ва унинг бошқа бўлинмалари билан яқин алоқа ўрнатган.

Жаҳонда наркотик моддалар обортининг кенгайиши ҳавфининг ортиши ва Ўрта Осиё орқали наркотик моддалар транзитининг ўсиши ЮНДКП билан ҳамкорлик қилишни ўта долзарб вазифага айлантирди. Бу Конвенция 1997 йилда ислоҳ этилди ва БМТнинг Наркотикларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси (УКНПП) деб атала бошланди. БМТнинг Наркотиклар устидан назорат қилиш халқаро дастурини (ЮНКД) ва Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича халқаро марказ (ЦМПП)ни ўз таркибига олади.

Бошқарма фаолиятининг асосий мақсадлари қуйидагилар:

- наркотикларни суиистеъмол қилишнинг хавфлилиги борасида маърифий фаолиятни таъминлаш;
- наркотикларни тайёрлаш, уларни ноқонуний айлантериш ва наркотиклар билан боғлиқ бўлган жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;
- наркотикларни суиистеъмол қилишни (айниқса, ёшлар ва аҳолининг ночор қатламлари орасида) камайтеришга қаратилган саъй-ҳаракатларга ёрдам бериш;
- маҳаллий, миллий ва халқаро даражада наркотикларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик ўрнатиш;
- наркотиклар билан боғлиқ барча масалалар бўйича ахборот, таҳлил ва мутахассислар билан таъминлаш.

Ўрта Осиё учун наркотиклар тарнзити ва гиёҳвандликнинг асосий ҳавфи жанубдан келмоқда. Бир қатор ҳисобларга қараганда умумий наркотиклар ҳажмининг ярми (таҳминан 140 тонналик героин эквивалентида) Европа ва бошқа регионларга контрабанда йўли билан етиб боради. Ноқонуний наркотиклар оборотининг 65 %га яқини Ўрта Осиё орқали ўтади.

Афғонистон билан умумий чегараларнинг мавжудлиги, ички чегараларнинг очиклиги, наркотикларни ноқонуний айлантеришга қарши курашувчи ҳуқуқий органларнинг етарлича тажрибага эга эмаслиги, кўпчилик божхона постларининг тўлиқ техник жиҳозланмаганлиги сабабли

халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг миллий божхона хизматлари Ўзбекистон божхонасига турли-туман ёрдам кўрсатмоқда. Масалан, ЮНДКП божхона ходимларининг Буюк Британияга бориб малака ошириб келишларини ташкил қилди ва Ўзбекистон Республикаси ФА ўсимликлар генетикаси ва экспериментал биологияси Институтига асбоб-ускуналар ва химикатлар етказиб берди.

Ўзбекистоннинг УКНПП билан ҳамкорлиги наркомания, қурол-яроғ контрабандаси, коррупция, «ҳаром» пулларни тозалаб олиш, терроризм ва одам савдосига қарши кураш соҳаларида давом этмоқда.

Турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўзининг мевасини бермоқда. Ҳамкорлик бошқа мамлакатларда тўпланган бой тажрибани ўрганиш, ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш, божхона ишини халқаро ва регионал даражада мувофиқлаштириш имконини яратмоқда.

## Тестлар

1. ИНКОТЕРМСни ташкил қилувчи атамалар гуруҳининг сони:
  - а) 5 та гуруҳ;
  - б) 4 та гуруҳ;
  - в) 2 та гуруҳ;
  - г) 3 та гуруҳ;
  - д) 6 та гуруҳ;
  
2. ИНКОТЕРМС-90 келтирилган сотувчи ва харидор мажбуриятлари нечта бўлимдан ва нечта коддан иборат?
  - а) 2 бўлим, **А** ва **В** коддан;
  - б) 1, кодлари келтирилмаган;
  - в) 3 бўлим, **А. В. С** коддан;
  - г) бўлимлар келтирилмаган, **А. В** коддан;
  - д) 4 бўлим, **I, II. III. IV** коддан.
  
3. ИНКОТЕРМС -90да сотувчи ва харидор мажбуриятлари нечта?
  - а) 10;
  - б) 8;
  - в) 4 ;
  - г) 6;
  - д) 12.
  
4. ИНКОТЕРМС – 90 еткази бериш шартлари тавсифи нечта асосий категориядан иборат?
  - а) 10;
  - б) 8;
  - в) 4 ;
  - г) 6;
  - д) 12.
  
5. Сотувчи мажбуриятларининг белгиси:
  - а) В;
  - б) А;
  - в) С;
  - г) D;
  - д) F.
  
6. Харидор мажбуриятларининг белгиси:
  - а) В;
  - б) А;
  - в) С;
  - г) D;



д) F.

7. ЎзР. божхонасига товарни етказиб келишда қайси шартдан фойдаланиш мумкин?

- а) FAS ва FCA;
- б) FOB ва CIF;
- в) CIF ва CIP;
- г) CPT ва CFR;
- д) CPT ва CIP.

8. Қайси шартда экспорт қилинувчи товарнинг баҳоси аниқланади (статистик қиймат)?

- а) CIF ва CIP;
- б) FOB ;
- в) EXW;
- г) DDU ;
- д) CFR.

9. E гуруҳда товарни етказиб бериш шарти:

- а) Етказиб бериш;
- б) Юбориш;
- в) Асосий ташиш ҳаражати тўланмаган;
- г) Етказиб бериш ва суғурта тўланган;
- д) Асосий ташиш ҳаражати тўланган.

10. C гуруҳда товарни етказиб бериш шарти:

- а) Етказиб бериш;
- б) Юбориш;
- в) Асосий ташиш ҳаражати тўланмаган;
- г) Етказиб бериш ва суғурта тўланган;
- д) Асосий ташиш ҳаражати тўланган.

11. F гуруҳда товарни етказиб бериш шарти:

- а) Етказиб бериш;
- б) Юбориш;
- в) Асосий ташиш ҳаражати тўланмаган;
- г) Етказиб бериш ва суғурта тўланган;
- д) Асосий ташиш ҳаражати тўланган.

12. D гуруҳда товарни етказиб бериш шарти:

- а) Етказиб бериш;
- б) Юбориш;
- в) Асосий ташиш ҳаражати тўланмаган;

- г) Етказиб бериш ва суғурта тўланган;
- д) Асосий ташиш харажати тўланган.

13. «EXW» қисқартмаси нимани билдиради?

- а) франко- юк ташувчи;
- б) Қиймат ва фрах;
- в) франко- корхона;
- г) франко- кемага етказиб келиш;
- д) бортда эркин.

14. «FOB» қисқартмаси нимани билдиради?

- а) франко- юк ташувчи;
- б) Қиймат ва фрах;
- в) франко- корхона;
- г) франко- кемага етказиб келиш;
- д) бортда эркин.

15. «CFA» қисқартмаси нимани билдиради?

- а) франко- юк ташувчи;
- б) Қиймат ва фрах;
- в) франко- корхона;
- г) франко- кемага етказиб келиш;
- д) бортда эркин.

16. «DES» қисқартмаси нимани билдиради?

- а) франко- юк ташувчи;
- б) Қиймат ва фрах;
- в) франко- корхона;
- г) франко- кемага етказиб келиш;
- д) бортда эркин.

17. «FCA» қисқартмаси нимани билдиради?

- а) франко- юк ташувчи;
- б) Қиймат ва фрах;
- в) франко- корхона;
- г) франко- кемага етказиб келиш;
- д) бортда эркин.

18. «DAF» қисқартмаси нимани билдиради?

- а) франко-чегарагача етказиб келиш;
- б) Қиймат, суғурта ва фрах;
- в) бож тўламасдан етказиб бериш;
- г) бож тўлаган ҳолда етказиб бериш;
- д) ...га қадар ташиш ҳақи тўланган.

19. «CIF» қысқартмасы нимани билдиради?

- а) франко-чегарагача етказиб келиш;
- б) Қиймат, суғурта ва фрах;
- в) бож тўламасдан етказиб бериш;
- г) бож тўлаган ҳолда етказиб бериш;
- д) ...га қадар ташиш ҳақи тўланган.

20. «ADU» қысқартмасы нимани билдиради?

- а) франко-чегарагача етказиб келиш;
- б) Қиймат, суғурта ва фрах;
- в) бож тўламасдан етказиб бериш;
- г) бож тўлаган ҳолда етказиб бериш;
- д) ...га қадар ташиш ҳақи тўланган.

21. «CPT» қысқартмасы нимани билдиради?

- а) франко-чегарагача етказиб келиш;
- б) Қиймат, суғурта ва фрах;
- в) бож тўламасдан етказиб бериш;
- г) бож тўлаган ҳолда етказиб бериш;
- д) ...га қадар ташиш ҳақи тўланган.

22. «DDP» қысқартмасы нимани билдиради?

- а) франко-чегарагача етказиб келиш;
- б) Қиймат, суғурта ва фрах;
- в) бож тўламасдан етказиб бериш;
- г) бож тўлаган ҳолда етказиб бериш;
- д) ...га қадар ташиш ҳақи тўланган.

23. «DDU» қысқартмасы нимани билдиради?

- а) франко-чегарагача етказиб келиш;
- б) Қиймат, суғурта ва фрах;
- в) бож тўламасдан етказиб бериш;
- г) бож тўлаган ҳолда етказиб бериш;
- д) ...га қадар ташиш ҳақи тўланган.

24. «FAS» қысқартмасы нимани билдиради?

- а) борт ёнида эркин;
- б) ...га қадар ташиш ҳақи ва суғурта тўланган;
- в) франко - причал;
- г) франко- кемага етказиб келиш;
- д) бортда эркин.

25. «DEQ» қысқартмасы нимани билдиради?

- а) борт ёнида эркин;

- б) ...га қадар ташиш ҳақи ва суғурта тўланган;
- в) франко - причал;
- г) франко- кемага етказиб келиш;
- д) бортда эркин.

**26. «CIP» қисқартмаси нимани билдиради?**

- а) борт ёнида эркин;
- б) ...га қадар ташиш ҳақи ва суғурта тўланган;
- в) франко - причал;
- г) франко- кемага етказиб келиш;
- д) бортда эркин.

**27. Етказиб беришнинг қайси шартида тарнспорт харажатлари сотувчи зиммасига олмайди?**

- а) FCA;
- б) FOB;
- в) EXW;
- г) CPT;
- д) FAS.

**28. Етказиб беришнинг қайси шартига товарни экспортёр мамлакатдаги ортиш ва ташиш харажатлари киритилади?**

- а) EXW;
- б) FAS
- в) FCA;
- г) DDU;
- д) FOB.

**29. Етказиб беришнинг қайси шартида сув таранспортдан фойдаланиш ҳароажати ва хавфини сотувчи ўз зиммасига олади?**

- а) DDU ;
- б) DEQ;
- в) DDP;
- г) CIP;
- д) DES.

**30. Етказиб беришнинг қайси шартида сув таранспортдан фойдаланиш ҳароажати ва хавфини сотувчи ўз зиммасига олади?**

- а) DES ;
- б) DEQ;
- в) FAS;
- г) CIP;
- д) FOB.

**31. Божхона бу:?**

- а) давлат чегараси орқали ўтаётган товарлар, транспорт воситалари, багажлар ва почта жўнатмаларини назорат қилувчи давлат органидир;
  - б) давлат чегараси орқали ўтаётган товарларни назорат қилувчи давлат органидир;
  - в) мамлакатлараро савдо ва иқтисодий алоқаларни бошқаришнинг ўзига хос шаклидир;
  - г) денгиз портлари ва шаҳар бозорларида божларни йиғиб олишга қаратилган фаолиятдир.
- это деятельность по сбору пошлин, которая производилась в морских портах и на городских рынках.

**32. Божхона кодекси ва қонунлари бузилган ҳолларда қидиру, текширув ишларини олиб боровчи ва Ушбу ишини суд органларига йўналтирувчи ташиқлот:**

- а) прокуратура;
- б) ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи;
- в) Миллий Хавфсизлик хизмати;
- г) Божхона органи.

**33. Ўз.Р. божхона сиёсатини амалга оширилишини назорат қилувчи давлат органи?**

- а) Халқ таълим вазирлиги, Тест маркази, Президент апарати;
- б) Президент, Кабинета Министров, ТИАВ;
- в) Олий Мажлис, Президент Апарти, Вазирлар Маҳкамаси;
- г) Миллий Хавфсизлик хизмати; Ички ишлар вазирлиги.

**34. Божхона ишини бошқаришнинг босқичини кўрсатининг.**

- а) Ўзбекистон Республикаси бўйича;
- б) Худудлар бўйича;
- в) божхона постлари бўйича;
- г) ҳамма босқичда.

**35. Божхона ишининг тарифи:**

- а) божхона сиёсатини ва божхона ишини ҳаётга татбиқ этиш борасида бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ чора – тадбирлар йиғиндиси;
- б) Республика иқтисодий манфаатларни ҳимоя қилиш ва белгиланган ҳуқуқий доирада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш;
- в) Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларидан ҳамда божхона сиёсатини амалга оширишнинг бошқа воситаларидан иборат;
- г) Божхона боркерлари, эркин ва божхона омборлари, бож олинмайдиган савдо дўконлари фаолияти устидан назоратни таъминлаш.

**36. Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди- бу:**

- а) Унинг қуруқликдаги, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи ташкил этади;
- б) Унинг қуруқликдаги, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи ташкил этади. Ўзбекистон ҳудудидаги эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ЎзР божхона ҳудудиданташқарида жойлашган деб ҳисобланади;
- в) Ўзбекистон ҳудудидаги эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ташкил этади;
- г) Ўзбекистон ҳудудидаги эркин божхона зоналари ва эркин омборлар ЎзР божхона ҳудудиданташқарида жойлашган деб ҳисобланади.

**37. Товар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулда, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувур транспортидан ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳаракатлари амалга ошириш – бу:**

- а) божхона ишларини бошқариш;
- б) божхона чегарасидан олиб ўтиш;
- в) божхона чегараси;
- г) Ўзбекистон Республикаси божхона иши.

**38. Божхона ишининг ўзгарувчанг элементларини кўрсатинг.**

- а) божхона тўловлари, божхона тариф бошқаруви, божхона божи, божхона режимлари, жисмоний шахслар, товарлар, транспорт воситаларнинг божхона чегараси орқали ўтиш жараёни ва тартиби, божхона назоратининг шакллари ва усуллари;
- б) божхона расмийчилиги институтлари, божхона статистикаси ва бошқалар;
- в) божхона тўловлари, божхона божи билн бошқариш, божхона божининг ставкаси, божхона режимлари, божхона расмийчилиги институтлари, божхона статистикаси;
- г) божхона режимлари, жисмоний шахслар, товарлар, транспорт воситаларнинг божхона чегараси орқали ўтиш жараёни ва тартиби;

**39. Божхона ишининг мўтадил элементларини кўрсатинг.**

- а) божхона тўловлари, божхона тариф бошқаруви, божхона божи, божхона режимлари, жисмоний шахслар, товарлар, транспорт воситаларнинг божхона чегараси орқали ўтиш жараёни ва тартиби, божхона назоратининг шакллари ва усуллари;
- б) божхона режимлари, жисмоний шахслар, товарлар, транспорт воситаларнинг божхона чегараси орқали ўтиш жараёни ва тартиби;
- в) божхона тўловлари, божхона божи билн бошқариш, божхона божининг ставкаси, божхона режимлари, божхона расмийчилиги институтлари, божхона статистикаси;

г) божхона расмиятчилиги институтлари, божхона статистикаси;

#### **40. Божхона сиёсати:**

а) товарни экспорт ва импорт қилиш шартлари, таркиби ва миқдорини ўрнатувчи давлат ташқи савдо фаолиятининг қисмидир;

б) божхона тариф қонунчилиги, божхона иттифоқи ва конвенциясини (эркин савдо ҳудудини, тариф блоқини) ташкил қилишда намаён бўлади;

в) бу божхона иши соҳасида рўй бераётган ўзгаришларни босқичма-босқич амалга оширишга ёрдам берувчи ва давлатнинг иқтисодий (ички ва ташқи) манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи қонунчилик, ижрочилик ва назорат қилиш характеридаги чора – тадбирлар тизимидир;

г) давлат манфаатлари, корхоналар, хўжалик объектлари, тадбиркорлар, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ички иқтисодиётнинг таркибий қисми.

#### **41. Қисман чеклаш сиёсатини тарифланг:**

а) "тесқари протекционизм сиёсати", ички бозорда катта тақчиллик кузатилгандагини самарали ҳисобланади; эффективна толькo в случае большого дефицитного национального рўнка, на котором найдется место всем;

- DDU «бож тўламасдан етказиб бериш (келишилган белгиланган жой)»** - шарти товар импортёр мамлакатнинг келишилган жойида харидор тасарруфига тақдим этилганда сотувчининг етказиб бериш бўйича мажбуриятлари бажарилганлигини билдиради.
- DEQ «франко-причал (бож тўланган) ... (келишилган белгиланган порт)»** - шарти сотувчи импортер мамлакатининг келишилган белгиланган портида (причалда) импорт учун божхона тозалавудан ўтган товарни харидор тасарруфига тақдим этса, унинг товар етказиб бериш бўйича мажбуриятлари бажарилганлигини билдиради.
- DES «франко-кемага етказиб келиш (келишилган белгиланган порт)»** - шарти сотувчининг импорт бўйича божхона тозалашидан ўтказилмаган товарни келишилган белгиланган портдаги кема бортида харидор

тасарруфига берса, унинг етказиб бериш бўйича мажбуриятлари бажарилган ҳисобланади.

**EXW «франко-корхона»** - бу шартга кўра, агар сотувчи товарни харидор тасарруфига ўз корхонасида (яъни заводи, фабрикаси, омбори ва ҳ.к.да) тақдим этса, унинг товар етказиб бериш бўйича мажбуриятлари бажарилган ҳисобланади.

**FAS «кема борти ёнида эркин (келишилган юклаб жўнатиш борти)»** - шарти шартномада юклаб жўнатиш портининг келишилганлигини билдиради. Товар кема борти ёнидаги причалда ёки кўрсатилган юклаб жўнатиш портидаги лихтерларда жойлаштирилган тақдирда сотувчи товар етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади.

**FCA «франко-юк ташувчи»** - шартига биноан, сотувчи товарни божхона тозалавудан сўнг келишилган жой ёки пунктда, харидор томонидан номинацияланган (тайинланган) юк ташувчи тасарруфига тақдим этса, сотувчининг товар етказиб беришга доир мажбуриятлари бажарилган ҳисобланади.

**FOB «бортда эркин ... (келишилган юклаб жўнатиш порти)»** - шартига кўра товар кема тутқичи ортидан кўрсатилган юклаб жўнатиш портига топширилганда сотувчи товарни етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади.

**Адвалор ставкалар** - бож ундириладиган товарларнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган ставкалардир.

**Айнан бир хил товар** дейилганида ҳар жиҳатдан, шу жумладан: физик хусусиятлари; сифати ва бозордаги қадри: қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги; ишлаб чиқарувчиси каби белгилар жиҳатидан баҳоланаётган товар билан бир хил бўлган товар тушунилади.

**Аралаш ставкалар** - божнинг адвалор ҳамда хос турларини ўз ичига оладиган ставкалардир.

**Бевосита транзит** – товарларни бир мамлакатдан бошқасига учинчи мамлакатда тўхтамасдан олиб ўтишдир. Бевосита транзитда товарлар ташқи савдо натижаларига қўшилмайди.

**Билвосита транзит** – товарларни бир мамлакатдан бошқасига учинчи мамлакат ҳудудидаги божхона омборларига жойлаштириш орқали олиб ўтишдир. Бевосита транзит реэкспорт сифатида ҳисобга олинади ва умумий экспорт-импортга қўшилади. Бевосита транзитда товар эгаси норезидент ҳисобланса, реэкспортда резидент ҳисобланади.

**Бож олинмайдиган савдо дўкони** шундай режимки, бунда товарлар божхона ҳудудининг божхона органлари томонидан Божхона Кодексига мувофиқ белгиладиган жойларида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида туради ҳамда реализация қилинади.

**Божхона иши** Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш



тартиби ва шартларидан ҳамда божхона сиёсатини амалга оширишнинг бошқа воситаларидан иборатдир.

**Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш** шундай режимки, бунда Ўзбекистон товарлари уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлламаган ҳолда олиб чиқилади ва улардан қайта ишлаш маҳсулотларини бож ва солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиб, шунингдек товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлламадан келгусида божхона ҳудудидан ташқарида фойдаланилади. Табиий эскириш оқибатидаги ўзгариш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларидаги камайишлар бундан мустасно;

**Божхона** - бу давлат чегараси орқали ўтаётган товарлар, транспорт воситалари, багажлар ва почта жўнатмаларини назорат қилувчи давлат органларидир.

**Божхона божи** – Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтиладиганда божхона органлари томонидан ундириладиган мажбурий тўловдир.

**Божхона ишини бошқариш (ёки божхона бошқаруви)** - бу божхона сиёсати ва божхона ишини ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги бошқарув фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ чора-тадбирлар йиғиндисидир. Божхона ишини бошқариш қуйидаги йўналишлар бўйича ташкил этилиши мумкин: Ўзбекистон Республикаси бўйича, регионлар бўйича, божхона постларининг фаолият ҳудудлари бўйича.

**Божхона қиймати** – бу божхона тўловларини (бож, акциз, ҚҚС ва божхона расмилаштурувчи учун йиғимлари) ҳисоблашнинг реал базаси (асоси) сифатида қўлланувчи товар қийматидир.

**Божхона кўригидан ўтказиш** – бу товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг қонунийлигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож, солиқлар, йиғимлар олиш, шунингдек, олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш таъқиқланган товарлар божхона чегараси орқали ўтишининг олдини олиш учун божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган маъмурий ҳарактдир.

**Божхона назорати** – бу қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуидир.

**Божхона омбори** шундай режимки, бунда олиб кирилган товарлар сақлаш даврида импорт божи, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида сақланади.

**Божхона органлари** - бу ижроия ҳокимиятининг бевосита божхона ишини амалга оширувчи ҳуқуқни ҳимоя этувчи органларидир.

**Божхона расмийлаштируви** – бу божхона органининг мансабдор шахслари ва юк олиб ўтаётган шахслар томонидан товарлар ва транспорт воситаларини Божхона кодексига мувофиқ ўрнатилган шартлар асосида маълум бир божхона режимига жойлаш ёки шу режимни тугатиш билан боғлиқ ташкилий, ҳуқуқий ва техник чора-тадбирлар тизмидир.

**Божхона режими** – бу Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини божхона мақсадлари учун белгиловчи қоидалар мажмуидир.

**Божхона сиёсати** – бу божхона иши соҳасида рўй бераётган ўзгаришларни босқичма–босқич амалга оширишга ёрдам берувчи ва давлатнинг иқтисодий (ички ва ташқи) манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи қонунчилик, ижрочилик ва назорат қилиш характеридаги чора – тадбирлар тизимидир.

**Божхона тарифи** – божхона чегарасидан олиб ўтиладиган, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси принциплари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкаларининг тўпламидир.

**Божхона таъминлови** – бу божхона органларининг пломбалар, муҳрлар босиш, рақамли, ҳарфли ва бошқа маркалар, қиёслаш белгилари қўйиш, штамплар босиш йўли билан амалга оширадиган товарлар ва транспорт воситаларини, бинолар ва бошқа жойларни қиёслаш воситасидир.

**Божхона техникаси** – бу божхона назоратини амалга оширишда одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар ҳаёти учун ҳавфсиз бўлган, шунингдек, товарлар, транспорт воситалари ва уларнинг эгаларига зарар етказмайдиган техник воситалардир.

**Божхона техникаси** – бу божхона органларининг ихтисослаштирилган бўлинмалари томонидан улар зиммасига юкланган вазифаларни ҳал этишда қўлланилувчи техник воситалар йиғиндисидир.

**Божхона ҳудудида қайта ишлаш** шундай режимки, бунда қайта ишлаш маҳсулотлари экспорт режимига мувофиқ божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши шарти билан чел эл товарларидан божхона ҳудудида қайта ишлаш учун уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмасдан ва олиб киришда тўланган импорт божи ва солиқларни қайтарган ҳолда белгиланган тартибда фойдаланилади.

**Божхона чегарасидан олиб ўтиш** - товарлар ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулда, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувур транспортидан ҳамда электр узатиш линияларидан фойдаланиш йўли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳаракатларини амалга оширишдир.

**Божхона юк декларацияси (БЮД)** – бу юклар божхона чегарасидан олиб ўтилаётган ёки уларнинг божхона режими ўзгартирилаётган пайтда қўлланиладиган ва белгиланган шаклда тузилган (БЮД 1 ва БЮД 2) расмий ҳужжатдир.

**Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш)** шундай режимки, бунда божхона ҳудудида ёки ундан ташқарида товарлардан бождан, солиқлардан тўла ёки қисман озод этилган ҳолда ва товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан фойдаланишга йўл қўйилади.

**Вақтинча сақлаш** шундай режимки, бунда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситалари божхона органига тақдим этилган пайтдан бошлаб чиқаришга рухсат берулгунга қадар танланган режимга мувофиқ божхона

омборида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан вақтинча сақланади.

**Ветреринария ва фитосанитария гувоҳномалари** – мамлакат ҳудудига олиб кирилган товар ва транспорт воситаларининг заҳарланмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар. Ҳайвонлар, қушлар, ҳайвонлардан олинган хом ашё, янги мевалар, ўсимликлар ва ҳоказолар тарқатиши мумкин бўлган турли касалликларнинг импортер мамлакатига келтирилишининг олдини олиш мақсадида карантин органлари ёки божхона томонидан берилади. Ветреринария ва фитосанитария гувоҳномалари товар юклаб жўнатилган мамлакатда ветреринария ёки фитосанитария органлари томонидан берилади.

**Давлат фойдасига воз кечиш** шундай режимки, бунда шахс товарларга нисбатан бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилган ҳолда улардан давлат фойдасига воз кечади. Товарларни давлат фойдасига воз кечиш режимига жойлаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда божхона органининг рухсати билан йўл қўйилади.

**«Дайди» компаниялар** - юкларни исталган йўналишларда ташувчи компаниялардир.

**Дастлабки қарорлар** – бу товарнинг таснифи, унинг бож қиймати, қайси мамлакатда тайёрланганлиги, божхона тўловларининг миқдорига ҳамда божхона ишига оид бошқа масалаларга тааллуқли бўлган божхона органи чиқарган қарорлардир.

**Дастлабки операциялар** – товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштириш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, асосий божхона расмийлаштируви бошлангунга ва товарлар ҳамда транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунга қадар ўтказиладиган операциялардир.

**Демпингга қарши божлар** - товарлар божхона ҳудудига уларнинг олиб чиқилган давлатда айна вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб кирилган (агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфини туғдирса ёхуд Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса) ва товар божхона ҳудудидан унинг Ўзбекистон Республикасида айна вақтида амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб чиқиладиган (агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларга моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ўртасида нормал рақобат ўрнатилишига тўсқинлик қилса) пайтда қўлланиладиган божлардир.

**Ёрдамчи юк ташувчилар** - улар юкларни портлар, темир йўл станцияларининг ички ҳудудига ташишни, шунингдек, ортиш-юклаш ишларини ҳам амалга оширишади. Уларни яна юк ортувчилар ҳам деб аташади;

**ИНКОТЕРМС** - Халқаро савдо палатаси (International Chamber of Commerce - ICC) томонидан ишлаб чиқилган товар етказиб беришнинг тижорат шартларини шархлашнинг халқаро қоидалари мажмуидир.

**Йўқ қилиш шундай режимки**, бунда чет эл товарлари бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда божхона назорати остида йўқ қилинади, шу жумладан, улар фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтирилади.

**Қийматларни қўшиш асосида божхона баҳосини чиқариш усулидан** фойдаланилганда товарнинг баҳоланаётган товарни ишлаб чиқариш муносабати билан тайёрловчи томонидан сарфланган материаллар қиймати ва бошқа харажатларни, айти бир турдаги товарларни олиб чиқиладиган мамлакатдан Ўзбекистон Республикасига сотишга хос бўлган умумий харажатларни (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтиш жойигача транспортдан ташиб келтириш, юклаш ва тушириш, суғурталаш харажатлари) ва айнан ёки бир хил ўхшаш товарларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш натижасида экспортёр томонидан одатда олинадиган фойдани қўшган ҳолда чиқариладиган баҳоси божхона қийматини белгилаш учун асос сифатида қабул қилинади.

**Қийматларни чегириб ташлаш асосида баҳолаш усули** бўйича божхона қийматини аниқлаш учун баҳоланадиган айнан бир хил ёки ўхшаш товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ички бозоридаги дастлабки ҳолати ўзгартирилмасдан сотиладиган сотиш нархи божхона қийматини белгилаш учун асос қилиб қабул қилинади.

**Қийматларни чегириб ташлаш асосида баҳолаш усулидан** фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотувчига боғлиқ бўлмаган харидор томонидан олиб келиш санасидан 90 кун ичида энг кўп гуруҳлар бўйича сотиладиган товар бирлигининг (баҳоланадиган айнан бир хил ёки ўхшаш товарлар) нархи божхона қийматини аниқлашда база (асос) сифатида қабул қилинади.

**Қисман чеклаш сиёсати** - бу ички бозорга баъзи товарларни, масалан, мамлакат мафкурасига ҳамда аҳоли турмуш тарзига тескари таъсир қиладиган кино – видео маҳсулотлари ва турли нашрларни киритмаслик сиёсатидир.

**Компенсацион божлар** – бу Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб кирилган (агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг ўхшаш товарлар ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса) ва Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарлар ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб чиқилган (агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса) пайтда қўлланиладиган божлардир.

**Коносамент** - бу кемаларда юк ташувчи компаниялар ва экспортёрлар ёки хорижий харидорлар ўртасида тузилган шартнома тўғрисидаги гувоҳномадир. Коносаментдан товарларни денгиз орқали ташишда фойдаланилади.

**Коносамент** - товарнинг кемага юкланганлиги ҳақидаги тилхат бўлиб, у товар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ифода этади.

**Лицензия (рухсатнома)** – ташқи савдода божхона чегараси орқали эркин олиб ўтишга йўл қўйилмайдиган товарларни олиб келиш, олиб чиқиш ёки транзит ўтказишга рухсат бериш.

**Мавсумий божлар** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, товар олиб кириш ва олиб чиқишни тезкор тартибга солиш учун қўлланиладиган божлардир. Бунда бож тарифида назарда тутилган бож ставкалари қўлланилмайди. Мавсумий божлар улар белгиланган вақтда эътиборан олти ойдан ортиқ амал қилиши мумкин эмас.

**Махсус божлар** – бу ўхшаш ёки бевосита рақобот қилувчи товарлар божхона ҳудудига Ўзбекистон Республикасидаги товар ишлаб чиқарувчиларга зиён етказиши мумкин бўлган миқдорда ва шартларда олиб кириладиган бўлса ҳимоя чораси сифатида; бошқа давлатлар ва уларнинг иттифоқлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқларини чекловчи ва манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларга эса жавоб чораси сифатида қўлланиладиган божлардир.

**Махсус импорт** ички истеъмол ёки қайта ишлаш, божхона назорати остида ва божхона омборларида қайта ишлаш учун олиб кирилган товарлардан иборат.

**Махсус экспорт** мамлакатда ишлаб чиқарилган, қазиб олинган, етиштирилган ёки қайта ишланган, шунингдек аввал махсус импорт сифатида олиб кирилган товарларни ҳисобга олади. Махсус экспортга миллий экспорт, божхона назорати остида қайта ишланган товарларни олиб чиқиш ва миллийлаштирилган товарлар кирди.

**Мустақил юк ташувчилар** - юкларни муайян линияларда мустақил ҳолда ташувчи компаниялардир.

**Нософ коносамент (келишув коносаменти)** – бу коносаментда қабул қилиб олинган товарнинг (ёки уни ўраб-жойлаш) зарарлангани ҳақидаги билдиришнома бўлади.

**Одий компаниялар** - фақат юк ташиш билан шуғулланувчи кичик воситачилардир.

**Протекционизм сиёсати** - бу ички бозорни хорижий рақобатдан ҳимоялашдир.

**Резерв усул** - мабодо божхона қиймати декларант томонидан кўрсатилган бешта усулни изчиллик билан қўллаш натижасида аниқланмаган бўлса ёки божхона органлари далиллар асосида божхона қийматини белгилашнинг ушбу бешта усулини қўллаш мумкин эмас, деб ҳисобласа, унда баҳоланаётган товарларнинг божхона қиймати қонун ҳужжатларида

келтирилган талаблар доирасида 1-5 усулларни бирмунча қайишқоқлик билан қўллаш йўли орқали белгиланади ва асосланади.

**Реимпорт** шундай режимки, бунда экспорт режимида божхона худудидан олиб чиқилган Ўзбекистон Республикаси товарлари импорт божларини, солиқларни тўламасдан, шунингдек, уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда қайта олиб кирилади.

**Реэкспорт** шундай режимки, бунда чет эл товарлари божхона худудидан олиб чиқилади.

**«Савдо уруши»** – бу халқаро савдо йўлларидаги чеклашларнинг оғир шакли бўлиб, унда икки мамлакат ҳукуматлари ўз ички бозорларига бир – бирларининг экспорт товарларини киритишни чеклаш бўйича тадбирларни қўллайдилар.

**Сифат ва мувофиқлик сертификатлари** сертификатланиши лозим бўлган товарлар рўйхатига кирувчи товарлар учунгина тааллуқли бўлиб, бу товарларга озик-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ва бошқа маҳсулотлар киради.

**Соф коносамент** – бу кемаларда юк ташийдиган компанияга нисбатан товарлар ёки уларни ўраб-жойлаш бўйича ҳеч қандай камчиликлар йўқлигини билдирувчи коносаментдир.

**СРТ «...га қадар ташиш ҳақи тўланган (келишилган белгиланган жой)»** - шарти сотувчи импортёр чегарасининг келишилган белгиланган жойига қадар товарни ташиш учун кира ҳақини тўлаши лозимлигини билдиради.

**Тақчил бозорни тўйинтириш** – «тесқари протекционизм» сиёсати - бу фақат миллий бозорда чуқур тақчиллик шароити юз берганда ва унда ҳаммага ўрин топиладиган шароитдагина самарали ҳисобланади.

**Тариф чоралари** дейилганда давлат органлари томонидан қонунчилик асосида амалга ошириладиган ва ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишга қаратилган ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

**Ташқи савдо статистикасида товар дейилганда** ҳар қандай ҳаракатланаётган буюм, жумладан, валюта, валюта бойликлари, электр ва бошқа турдаги энергия, транспорт воситалари (йўловчилар ва товарларни халқаро ташишда фойдаланиладиган воситалардан ташқари) тушунилади.

**Товар батамом ишлаб чиқарилган** ёки “Бож тарифи тўғрисидаги” Қонунда белгиланган талабларга мувофиқ етарли даражада қайта ишланган мамлакат товар ишлаб чиқарилган мамлакат ҳисобланади. Муайян мамлакатда товарнинг етарли даражада қайта ишлаганлиги мезонлари қуйидагилардан иборат: 1.товарни қайта ишлаш натижасида унинг товар номенклатурасидаги ўрнининг (кодининг) дастлабки тўртта код белгисининг исталган бири даражасида ўзгариши (умумий қоида); 2.фойдаланиладиган материаллар қиймати ёки қўшилган қийматнинг фоизлардаги улуши етказиб берилаётган товар баҳосининг қайд этилган улушига етгандаги (адвалор улуш қоидаси) товар қийматининг ўзгариши.

**Товарлар импорти дейилганда** ички истеъмол ёки қайта ишлаш учун олиб кириладиган (барча олиб кириладиган товарларнинг катта қисми),

кейинчалик реэкспорт учун мўлжалланган ва божхона омборларида қайта ишлаш учун олиб кириладиган товарлар тушунилади.

**Товарлар экспорти дейилганда** экспортер-мамлакатда ишлаб чиқарилган, қазиб олинган ёки сезиларли қайта ишлаган, божхона назорати остида қайта ишлаган, божхона омборларидан олиб чиқилаётган, миллий ҳамда ички истеъмол учун олиб кирилган (шу билан боғлиқ равишда божхона тозалавудан ўтган) ва эркин муомалага чиқарилиб кейинчалик қайта ишланмасдан олиб чиқилаётган товарлар тушунилади.

**Товарни тушириш учун олинган коносамент** - бу коносамент мазкур кема компанияси тушириш учун мўлжалланган товарни сақлаётганлигини тасдиқлайди. Одатда, бу турдаги коносаментдан товарлар экспортёр омборида контейнерларга жойлаштирилган ва кейинчалик кема бортига келтирилган ҳолларда фойдаланилади.

**Товарнинг келиб чиқишига доир сертификат** - бож тарифи бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан преференция берилган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга; муайян мамлакатдан олиб кирилиши миқдорий чекловлар (квоталаш) ёки ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг бошқа чоралари орқали бошқариб туриладиган товарларга; божхонада расмийлаштиришга тақдим этилган ҳужжатларда товарлар қаерда ишлаб чиқарилганлигига доир маълумотлар бўлмаган ёки божхона органида товарни декларациясида товарларнинг ишлаб чиқарилган мамлакатига доир нотўғри маълумотлар кўрсатилган деб тахмин қилишга асос бўлган ҳолларда тақдим этилади.

**Транзит** шундай режимки, бунда товарлар Ўзбекистон Республикасининг икки божхона органи ўртасида, шу жумладан, чет давлат ҳудуди орқали, бож, солиқлар ундирилмасдан, шунингдек, товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмасдан божхона назорати остида олиб ўтилади.

**Умумий импорт** эса барча махсус импорт ва божхона омборларига жойлаштирилган товарлар (реэкспорт)ни қамраб олади.

**Умумий экспорт** махсус экспорт ва реэкспортдан иборат.

**Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қиймати** деб олиб кириладиган товар юзасидан тузилган ва бу товарнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасини кесиб ўтиш пайтида ҳақиқатдан тўланган ёки тўланиши лозим бўлган битим қийматига айтилади.

**Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси** Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек, эркин божхона зоналари ва эркин омборларининг теграларини қамраб олади.

**Ўхшаш товар** дейилганида ҳар жиҳатдан бир хил бўлмаса-да, ўхшаш хусусиятларига эга бўлганлиги ва таркибий жиҳатдан ўхшашлиги туфайли баҳоланаётган товар билан бир хил вазифаларни бажара оладиган ва тижорат нуқтаи назаридан унинг ўрнини боса оладиган товар тушунилади.

**Халқаро экспедитор компаниялар** - йирик компаниялар бўлиб, ҳужжатларни расмийлаштириш, суғурталаш, ўраб-жойлаш, божхона

масалаларини ҳал этиш, кафолат бериш, аккредитивларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш, маълумот етказиш ва бошқа турдаги хизматларни амалга оширишади.

**Халқаро юк ташиш** – бу юклар ҳамда йўловчиларни икки ва ундан ортиқ давлатлар ўртасида ташиш билан боғлиқ жараён дир.

**Хорижий инвестицияли корхоналар томонидан ўз эҳтиёжлари учун импорт қилинаётган маҳсулотлар учун сертификат** - хорижий инвесторларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, шунингдек ўзаро меҳнат шартномалари асосида ишлаётган хорижий фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг шахсий эҳтиёжлари учун зарур товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига бож тўламасдан олиб кириш имтиёзини беради.

**Хос ставкалар** - бож ундириладиган товарлар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланадиган ставкалар дир.

**Экспорт** шундай режимки, бунда товарлар божхона ҳудудидан ташқарига уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқилади.

**Эркин божхона зонаси ва эркин омбор** шундай режимларки, бунда чет эл товарлари муайян ҳудудлар ва жойларда бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан жойлаштирилади ва ишлатилади. Ўзбекистон товарлари эса экспорт режимига мувофиқ олиб чиқишда қўлланиладиган шартларга кўра жойлаштирилади ва ишлатилади.

**Эркин муомалага чиқариш** шундай режимки, бунда божхона ҳудудига олиб кирилган товарлар уларни ушбу ҳудуддан олиб чиқиб кетиш мажбуриятисиз бу ерда доимий қолади.

**Эркин савдо сиёсати** – «фритредерлик» - бу ташқи савдодаги чеклашларни энг минимумига тушириш дир. Бу сиёсат одатда, ўз товарларининг рақобатбардошлиги юқори бўлган ва бозорларда етакчи мавқега эга мамлакатлар томонидан қўлланилади.

**Юк ташувчи** - шартномага мувофиқ ўз зиммасига товарни харидорга етказиб бериш ёки етказиб беришни таъминлаш мажбуриятини оладиган шахс дир.



## Слайдлар

### **1-Мавзу. Божхона хизматининг ташкил этилиши ва ривожланиши тарихи. Ўзбекистон Республикасида божхона хизматининг шаклланиш босқичлари**

1. Мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларини вужудга келиши ва божхона хизматининг ташкил топиши хусусиятлари.
2. Божхона хизматини ривожланиш босқичлари.
3. Ўзбекистонда божхона хизматининг шаклланиш шарт-шароити ва ривожланиш босқичлари.
4. Ўзбекистонда божхона ишини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари.

Мисрдаги Янги подшолик даврига оид (эрамиздан аввалги XVI-XII асрлар) тарихий ёдгорликларининг гувоҳлик беришича, бу даврларда ҳам савдо карвонларнинг ҳаракати доимо хавф остида бўлган. Доимий равишда соқчилар сақлаш қимматга тушар ва доимо ҳам самара беравермас эди. Шунинг учун савдо карвонларини қўриқлаш мақсадида алоҳида йиғимлар ундирила бошланган.

Божхона божлари ўзининг асосий - фискал, яъни хазина манфаатларини ҳимоя этувчи функцияси орқали бошқа йиғимлар ва солиқлар каторида давлатни мустаҳкамлаш учун хизмат қилган.

Давлатчилик ривожланиши билан бирга божхона божлари ҳам, божхона хизматини ташкил этишнинг шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб борган. Божларни йиғиш денгиз портларида ва бозорларда ҳам амалга оширилган. Бу турдаги божларни ундириш кўшни давлатлар ўртасида душманлик муносабатлари пайдо бўлиши туфайли тўхтатилган ва чегаралар ёпилган. Божлар, одатда, олтин ва кумушда тўланган.

Давлат божхона Қўмитаси (ДБК) тўғрисидаги Низом биринчи навбатда органнинг вазифалари, функциялари ва ҳуқуқларини белгилаб беради. ДБК органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўрнатилган ҳуқуқлар доирасида Республика иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш ва ҳимоя этиш;
- Республика божхона сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;
- божхона қонунчилигига риоя этишни таъминлаш;
- фуқаролар, шунингдек, юридик шахсларнинг божхона ишини амалга оширишларида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш;

- республика ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланишига ёрдам бериш;
- хорижий давлатларнинг божхона органлари билан ҳамкорлик қилиш;
- мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;
- божхона божлари, солиқлар ва бошқа божхона йиғимларини ундириш;
- божхона - тариф бошқарув воситаларини ишлаб чиқиш ва самарали қўллаш;
- республика чегарасини кесиб ўтаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона назоратидан ўтказишни ташкил этиш;
- контрабанда божхона қонунчилигини бузиш ҳоллари билан курашиш;
- божхона статситикаси ва махсус божхона ҳисоботини олиб бориш;
- ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасини юритиш;
- божхона брокерлари, юк ташувчилар, божхона ва эркин омборлар, бож олинмайдиган савдо дўконлари, божхона ҳудудидан ташқари ва божхона назоратида қайта ишлаш фаолиятларини назорат этишни таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ва халқаро шартнома ва келишувларда аниқланган бошқа вазифалар.

Давлат божхона органлари ўз функцияларини ва олдидаги вазифаларни бажариш чоғида бошқа давлат органлари яқиндан ҳамкорлик қилишади. Ўзбекистон ДБҚ асосий вазифаси - Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигининг бажарилишини назорат қилиш - жараёнида республика ҳуқуқни тартибга солиш органлари билан яқиндан алоқа қилиш зарурияти туғилади. Давлат божхона органларининг Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлимлари билан ҳамкорлиги мамлакатнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ умумий вазифалардан келиб чиқади.

Ўтиш даври шароитида юқори малакали кадрларни таёрлаш муҳим ҳисобланади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1997 йил 30 июлда қабул қилинган Қарорда Давлат божхона қўмитаси қошида Ўқув Маркази ташкил этиш тўғрисида сўз юритилади. Бу Қарор божхона тарихида божхоначиларни тайёрлаш ва уларнинг божхона ишидаги ўрнини тўғри белгилаш борасидаги илк Қарор бўлиб ҳисобланади ва муҳим аҳамият касб этади.

## **2-Мавзу. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш тизимининг тариф усуллари**

1. Ташқи иқтисодий фаолиятни тариф усуллари ёрдамида тартибга солиш.
2. Божхона божларининг иқтисодий хусусиятлари, функциялари ва турлари.

3. Божхона божларини миллий иқтисодиёт самарадорлигига, миллий ишлаб чиқариш ҳолатига, давлат даромадларига ва ички баҳоларга таъсири.

Божлар ва бошқа турли йиғимларни ҳисоблаш вақти турли мамлакатлар қонунчилигида турлича белгиланади:

- божхона декларацияси тақдим этилган вақт бўйича;
- божхона декларациясини қабул қилиш вақти бўйича;
- товарни божхонага тақдим этилган вақт бўйича (баъзан кўриқдан ўтказиш вақти бўйича).

Божхона томонидан бож тўланганлигини тасдиқлаш мақсадида декларацияга белги қўйилади (декларациянинг бу нусхаси декларантда қолади) ёки тўловни билдирувчи ҳужжат тақдим этилади.

Тарифлар ставка таркибига кўра иккига бўлинади: оддий (бир устунли) ва мураккаб (икки ва кўп устунли).

Оддий тарифлар фақат бир қатор мамлакатлардагина қўлланилади (Мексика, Бразилия, Панама). Бунда ҳар қандай мамлакатдан олиб кириладиган товарларга нисбатан ягона тариф ставкаси ўрнатилади. Мураккаб тариф ставкалари актив божхона сиёсатини олиб бориш учун қўлланилади ва товарга ёки товарнинг келиб чиқиш мамлакатига боғлиқ равишда табақалашиб боради.

Одатда, энг паст тариф ставкаси – преференциал, юқори тариф – конвенцион, энг юқори тариф ставкаси эса – бош тариф шаклида ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида қуйидаги товарлар бож ундиришдан озод қилинади:

- халқаро йўналишда юклар, багаж ва йўловчилар ташийдиган транспорт воситалари, шунингдек уларнинг йўлда, оралиқ тўхташ жойларида бир маромда ишлаши учун зарур бўлган ёки транспорт воситаларида юз берган аварияларга (носозликларга) барҳам бериш учун чет элларда сотиб олинган моддий-техник таъминот буюмлар ва асбоб-анжомлар, ёнилғи, озик-овқат махсулотлари ва бошқа мол-мулклар;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг валютаси, чет эл валютаси (нумизматика учун ишлатиладиган валюта бундан мустасно), шунингдек қимматли қоғозлар;
- денгиз ови билан банд бўлган Ўзбекистон Республикасининг кемаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари томонидан ижарага олинган (фрахт қилинган) кемаларни таъминлаш мақсадида божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиладиган моддий-техник таъминот буюмлари ва анжомлар, ёнилғи, озик-овқат ва бошқа

мол- мулк, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона худудига олиб кириладиган овозма-овоз маҳсулотлари:

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат мулкига айлантирилиши лозим бўлган товарлар;
- чет давлатлар вакилларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ёки халқаро шартномаларига мувофиқ бож тўламасдан олиб кириш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларининг расмий ёки шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланишга мўлжалланган буюмлар;
- инсонпарварлик ёрдами, давлатлар ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар томонидан беғараз ёрдам тариқасида ёки хайрия мақсадларида, шу жумладан техник ёрдам кўрсатиш тарзида авариялар, ҳалокатлар ва табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этишга мўлжалланган товарлар;
- бепул ўқув, даволаш ва мактабгача тарбия муассасалари учун мўлжалланган ўқув қўлланмалари;
- учинчи давлатлар учун мўлжалланган ва божхона назорати остида Ўзбекистон Республикасининг божхона худудида транзит тартибда олиб ўтиладиган товарлар;
- божхона қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган ва ишлаб чиқариш ёки бошқа тижорат фаолиятини олиб бориш учун мўлжалланган товарлар;
- кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ишлаб чиқаришни ташкил этишлари учун зару технология ва ускуналар импорти (Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 август Қонуни билан тўлдирилди. – Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон, 181-модда).

Божхона божи – Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтиладиганда божхона органлари томонидан ундириладиган мажбурий тўловдир.

Мавсумий божлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, товар олиб кириш ва олиб чиқишни тезкор тартибга солиш учун қўлланилади. Бунда бож тарифида назарда тутилган бож ставкалари қўлланилмайди. Мавсумий божлар улар белгиланган вақтдан эътиборан олти ойдан ортиқ амал қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида олиб кириладиган товарларга нисбатан вақтинчалик алоҳида бож турлари қўлланилади: махсус, демпингга қарши ва компенсацион.

Махсус божлар:

- ўхшаш ёки бевосита рақобат қилувчи товарлар божхона ҳудудига Ўзбекистон Республикасидаги товар ишлаб чиқарувчиларга зиён етказиши мумкин бўлган миқдорда ва шартларда олиб кирилаётган бўлса ҳимоя чораси сифатида;

- бошқа давлатлар ва уларнинг иттифоқлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқларини чекловчи ва манфаатларини камситувчи бошқа ҳаракатларга жавоб чораси сифатида қўлланилади.

Демпингга қарши божлар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- товарлар божхона ҳудудига уларнинг олиб чиқилган давлатда айна вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб кирилса, агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфини туғдирса ёхуд Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кенгайтиришга тўсқинлик қилса;

- товар божхона ҳудудидан унинг Ўзбекистон Республикасида айна вақтда амалда бўлган реал қийматидан паст нархда олиб чиқиладиган бўлса, агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг шунга ўхшаш товарларни ишлаб чиқарувчиларга моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ўртасида нормал рақобат ўрнатилишига тўсқинлик қилса.

Компенсацион божлар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб кирилса, агар бундай олиб кириш Ўзбекистон Республикасининг ўхшаш товарлар ишлаб чиқарувчиларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса;

- Ўзбекистон Республикасида худди шундай товарлар ишлаб чиқариш ёки олиб чиқиш пайтида бевосита ёхуд билвосита субсидиялардан фойдаланилган товарлар олиб чиқилса, агар бундай олиб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига моддий зиён етказса ёки етказиш хавфи бўлса.

Ўзбекистон Республикасида бож ставкаларининг қуйидаги турлари қўлланилади:

- бож ундириладиган товарларнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган адвалор ставкалар;

- бож ундириладиган товарлар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланадиган хос ставкалар;

- божнинг адвалор ҳамда хос турларини ўз ичига оладиган аралаш ставкалар.

Божларни ҳисоблаб чиқиш, тўлаш ва ундириш Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексига мувофиқ товарнинг божхона қиймати асосида амалга оширилади. Божхона божи Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига ўтказилади.

### **3-Мавзу. Божхона органлари фаолиятида нотариф тартибга солиш усулларидан фойдаланиш**

Давлат мамлакатлар билан савдо ва иқтисодий алоқаларни олиб борар экан миллий иқтисодиётни маълум соҳаларига мақсадли таъсир ўтказди. Бу таъсир махсус усуллар мажмуи ёрдамида амалга оширилади.

- маъмурий;
- иқтисодий.

Маъмурий воситалар ҳукумат томонидан қабул қилинадиган қарорларга асосланади. Маъмурий тартибга солишнинг классик воситалари уч турга бўлинади: таъқиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш. Масалан, давлат органлари у ёки бу товарнинг (курол-яроғ, спиртли ичимликлар, дори-дармонлар) импортини таъқиқлаши, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини божхона назоратидан ўтишга мажбур қилиши мумкин ва ҳақозо. Таъқиқлаш, рухсат бериш ва мажбур қилиш, лицензиялар бериш ёки лицензиялар беришдан воз кечиш, қонунлар ва қонуний ҳужжатларни қабул қилиш йўллари билан амалга оширилади.

Нотариф усуллари мазмун моҳиятига кура микдорий, кузга ташланмас ва молиявий чегаралаш турларига бўлинади.

Микдорий чегаралаш – экспорт ва импортга рухсат этилган товарларини микдори ва номенклатурасини белгилашда давлат томонидан кулланиладиган нотариф усуллари маъмурий шаклидир. Микдорий чегаралашлар бирон бир давлат ҳукмати қарори асосида еки маълум товар савдосини ташкил этувчи халқаро келишувлар асосида кулланилиши мумкин.

Квота – бу экспорт еки импортни белгиланган микдорда ва суммада маълум вақт оралигида чегаралаш билан боғлиқ бўлган микдорий чегаралаш чорасидир.

Квоталар таъсир йўналишлари бўйича экспорт ва импорт квоталарига бўлинади

Қамраб олиш даражаси бўйича эса квоталар қуйидаги турларга бўлинади:

- Глобал квоталар
- Индивидуал квоталар

Лицензиялаш – давлат органлари томонидан, экспорт ива импортини белгиланган хажми буйича маълум даврга бериладиган, ташки иктисодий фаолиятни тартибга солувчи рухсатномадир.

Лицеэзиялаш квоталашни таркибий кисми булиши еки ташки иктисодий фаолиятни тартибга солишни алохида олинган давлат куроли хам булиши мумкин. 1 – холда белгиланган квота доирасида квота доирасида товарни олиб кириш ва олиб чикиш хукукини тасдикловчи хужжат булиши мумкин, 2 – холда эса у бир катор аник шахсларга эга булиши мумкин:

- Бир маротаба бериладиган берилиадиган лицензия – бир савдо келишуви асосида бир йил ичида товарлар олиб кириш ва чикиш буйича давлат томонидан бериладиган езма рухсатнома.

- Бош лицензия – у еки бу турдаги товарларни чегараланмаган сондаги савдо келишувлари асосида, бир йил давомида олиб кириш ва чикиш буйича бериладиган рухсатнома.

- Глобал лицензия – маълум вақт оралигида, чегараланмаган микдордаги ва кийматдаги маълум бир товарни ихтиерий давлатга олиб кириш ва чикиш буйича бериладиган рухсатнома.

- Автоматик лицензия – экспортчи ва импортчи томонидан, маълум савдо операцияларини утказиш буйича рухсат суралган захоти, давлат органлари томонидан кайтарилмайдиган рухсатнома.

«Экспортни ихтиерий равишда» чегаралаш одатда катта импортчи давлат томонидан амалга ошириладиган сиесий тазик остида амалга оширилади. Катта давлат экспорт килувчи давлатга нисбатан бир томонлама холда импортни чегаралаш оркали уни уз томонидан «уз экспортни эркин равишда» чегаралашга мажбур килади.

«Экспортни эркин равишда» чегаралаш бу, савдо буйича шериклар бир томонидан давлатлараро расмий келишув асосида еки экспортга квота урнатиш буйича норасмий келишувлар асосида экспортни микдорий чегаралаш еки жуда булмаганда уни хажмини оширмаслик тугрисида мажбурият олишидир.

Ички бозорни химоя килиш билан бирга халкаро савдо амалиетида экспортни кенгайтириш усуллари хам кенг кулланилади. Бу усулларни аксарияти махаллий экспортчиларни давлат томонидан бевосита ва билвосита субсидиялар бериш оркали куллаб-кувватлашга асосланган.

Хар хил йулар билан амалга ошириладиган молиявий экспортни тан нархини камайтириш оркали экспорт товарларини жахон бозоридаги ракобатдошлик даражасини оширишга каратилган.

Субсидиялар агарда давлат махаллий ишлаб чиқарувчиларни экспортини куллаб-кувватлашни лозим деб билса, у холда давлат уларга у еки бу шаклда давлат бюджетидан субсидиялар бериши мумкин.

Кредитлаш ва экспорт кредити – фирмалар экспортини давлат томонидан рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган, ташқи савдо сиесатининг нотариф молия усулидир.

Демпинг – товарни экспорт баҳосини шу давлатда мавжуд бўлган баҳодан камайтириш орқали уни ташқи бозорга ҳаракатини таъминловчи ташқи савдо сиесатини молиявий усулидир.

Ажратилиш (туланиш) моҳиятига кура субсидиялар куйидаги турларга бўлинади:

- Тугри субсидиялар
- Билвосита
- Ички субсидия

Экспорт кредитлаш – ташқи савдо сиесатини нотариф молиявий усули бўлиб, миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан экспортни ривожлантиришлари учун уларни давлат томонидан молиявий рағбатлантириш.

Экспорт кредитлаш бир неча шаклда бўлиши мумкин:

- Миллий ишлаб чиқарувчиларга субсидиялаштирилган кредитлар фоиз ставкалари бозор ставкаларидан паст бўлган, давлат банклари томонидан бериладиган кредитлар;
- Чет эл импортчиларига, товарларни фақат кредит берган давлат фирмаларидан сотиб олишлари билан бериладиган давлат кредитлари;
- миллий экспортчиларни экспорт таваккалчиликларини сугурталаш, яъни импортчи томонидан етказиб берилган товар нарҳини тула олмаслигини, импортчи томонидан экспортчи олдидаги мажбуриятларини, давлат томонидан қутилмаган хатти-ҳаракатларни амалга оширилиши натижасида бажара олмасликларини сугурталаш.

Демпинг – товарни ташқи бозорга, экспорт баҳосини, экспорт қилинаётган давлатлардаги нормал баҳодан камайтириб, ҳаракатлантириш билан боғлиқ бўлган, савдо сиесатининг нотариф молиявий усулидир.

Демпинг уз маҳсулотлари билан ташқи бозорни эгаллаб олишга ҳаракат қилаётган, алоҳида фирма маблағлари ҳисобига, шунингдек экспортчиларга давлат томонидан бериладиган субсидиялар ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Тижорат амалиетида демпинг куйидаги турлардан бири қуриниши бўлиши мумкин:

- Спорадик демпинг
- Олдиндан уйланган демпинг
- Доимий демпинг
- Тесқари демпинг



- Узаро демпинг

#### **4-Мавзу. Божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказиш**

**Божхона расмийлаштируви** – бу божхона органининг мансабдор шахслари ва юк олиб ўтаётган шахслар томонидан товарлар ва транспорт воситаларини Божхона кодексига мувофиқ ўрнатилган шартлар асосида маълум бир божхона режимига жойлаш ёки шу режимни тугатиш билан боғлиқ ташкилий, ҳуқуқий ва техник чора-тадбирлар тизимидир.

**Божхона назорати** – бу қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуидир.

##### **Божхона назоратини амалга оширишдан мақсад:**

- ташқи иқтисодий оборотни тезлатишга кўмаклашувчи шароитни яратиш;
- товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан олиб ўтишга рухсат бериш тартибини йўлга қўйиш;
- контрабанда, божхона қоидалари ва солиқ қонунчилигини бузиш ҳолларига қарши кураш олиб бориш;
- божхона божлари, солиқлар ва бошқа божхона тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш;
- божхона статистикасини юритиш;
- валюта назоратини амалга ошириш.

##### **Божхона назоратининг шакллари:**

6. Божхона назорати учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш;
7. Жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўраб-суриштириш
8. Божхона кўригидан ўтказиш;
9. Шахсни кўздан кечириш;
10. Ҳужжатлар, товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва бошқа жойларни (божхона омборлари, эркин омборлар, бож олинмайдиган савдо дўконлари, эркин зоналар ва бошқа божхона назорати остида бўлган товарлар ва транспорт воситалари бўлишим мумкин бўлган жойлар) божхона қиёслашидан ўтказиш.

**Дастлабки операциялар** – товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштириш жараёнининг таркибий қисми бўлиб, дастлабки божхона расмийчилиги йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Ушбу операциялар асосий божхона расмийлаштируви бошлангунга ва товарлар ҳамда транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунга қадар ўтказилади.

### Дастлабки операциялар

№	Дастлабки операциялар	Акс этирилган хужжат
1.	Юк ташувчи божхона худудига товарлар ва транспорт воситаларини олиб киришда божхона органини божхона чегарасини кесиб ўтиш тўғрисида хабардор қилиши керак.	Божхона Кодексининг 84-моддаси
2.	Юк ташувчи БК талабларига риоя этган ҳолда товарлар, транспорт воситалари ва уларга тегишли хужжатларни божхона органи белгилаган жойга ўз вақтида етказиб келтириши шарт.	Божхона Кодексининг 84-моддаси
3.	Юк ташувчи товарларни етказиб келтиришда енгиб бўлмас куч таъсирида ўз мажбуриятларини бажара олмаса, товарларнинг бут сақланишини таъминлаш ва улардан бирон-бир тарзда фойдаланилишга йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўриши, товарлар ва транспорт воситаларининг қаерда эканлигини энг яқин божхона органига дарҳол хабар бериши, товарларнинг энг яқин божхона органига ташиб келтирилишини ёки божхона органи мансабдор шахсларининг товарлар турган жойга олиб келинилишини таъминлаши шарт.	Божхона Кодексининг 85-моддаси
4.	Тайин қилинган жойга божхона органининг иш вақтидан ташқари пайтда келтирилган товарлар ва транспорт воситалари божхона назорати зонасида жойлаштирилади.	Божхона Кодексининг 86-модда
5.	Товарлар ва транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилгунга қадар қисқа декларация қўлланилиши мумкин.	Божхона Кодексининг 87-моддаси

#### Божхона назорати қоидалари:

- товарлар ва транспорт воситаларининг мамлакат божхона чегарасини кесиб ўтиш жойлари миллий қонунчилик доирасида белгиланади;
- юк ташувчи юкларни божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган пунктгача шикаст етказмдан ёки ташқи кўриниши ва товар хусусиятини ўзгартирмасдан олиб келиши лозим;
- юклар божхонанинг иш вақтидан бошқа пайтда етиб келса, унда божхона органлари қўшимча ҳақ эвазига божхонани очишлари ва товарлар ва транспорт воситаларини ўтказиб юборишлари керак (агар буни юк ташувчи ёки юк эгаси илтимос қилса);
- божхона органлари хорижий божхона хизматининг пломбаларини тан олишлари, шу билан бирга божхона расмийлаштируви учун кетаётган юкларга ўз пломбаларини ҳам қўйишлари мумкин;

- юкларнинг йўлда авария оқибатида шикастланиши ёки йўқолиши ҳолатларида божхона органлари тан оладиган актлар тузилиши лозим;
- товарларни ички истеъмол ёки экспорт учун чиқариш бир қатор операцияларни ўз ичига олади: божхона декларациясини ва бошқа ҳужжатларни тақдим этиш; уларни текшириш ва қабул қилиш; товарларни божхонада тақдим этиш ва тегишли божхона кўригидан ўтказиш; божхона божлари ва йиғимларини тўлаш; товарларни божхонадан чиқариш.

Божхона органларига қуйидаги ҳолларда имкони борича танлама кўрик ўтказишни тавсия этади:

- экспорт ёки импорт операциялари доимий равишда бир корхона ёки жисмоний шахс томонидан амалга оширилаётган ва товарларни чегара орқали олиб ўтишнинг барча талаблари бажарилаётган бўлса;
- декларация ва бошқа ҳужжатлардаги маълумотлар осон текшириладиган бўлса;
- импорт (ёки экспорт) божи ва солиқ ставкалари юқори бўлмаса.

**Темир йул транспортида йуловчи ва юк ташишини божхона назоратини чегара ва ички божхона органлари куйдаги ерларда амалга оширади:**

- чегара т-йул станциясида;
- чегарани узида жойлашган назорат постларида;
- Давлат чегарасидан чегара т-йул станциясига юришда;

Ички божхона постлари махсус ажратилган т-йул станцияларининг товар ховлиларида божхона назоратини амалга оширишади.

Жисмоний шахсларни божхона расмийлаштируви куйдаги жойларда амалга оширилади;

- йуловчи поездининг вагонларида;
- чегарада жойлашган т-йул вокзалларида.

Божхона назорати технология комплексида бир қатор т-йул хизмати катнашади:

Мамлакатдан чиқишда;

• божхона назорати йуналиши, почта, телеграф, телефон ва банк булимлари;

• т-йул транспортга хизмат курсатиш корхаонаси багажи ва юкларни божхона расмийлаштируви йуналиши;

• чегара назорат қилиш йуналиши;

• жисмоний шахсда қурол ярқони назорат қилиш йуналиши - хавфсизлик йуналиши.

Божхона техникаси – бу божхона органларининг ихтисослаштирилган бўлинмалари томонидан улар зиммасига юкланган вазифаларни ҳал этишда қўлланилувчи техник воситалар йиғиндиси.

### **НТВ класслари:**

**1-класс** - тезкор диагностика учун мўлжалланган техник воситалар.

**2-класс** – божхона назоратининг турли объектларини масофадан туриб техник текшириш учун зарур техник воситалар. Текшириш жараёнида объектлар интроскопия қилинади.

**3-класс** – тезкор-техник ҳаракат кўринишидаги божхона кўриги ва кидирувини ўтказиш учун зарур техник воситалар.

**4-класс** – божхона назорати объектларини тезкор диагностикалаш ва классификациялаш учун зарур техник воситалар.

**5-класс** - божхона назорати объектларини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш учун зарур техник воситалар.

**6-класс** – божхона назорати зонасидага аҳволни кузатиш учун зарур техник воситалар.

**7-класс** – аудио- ва видео ахборотлар ташувчиларни назорат қилиш учун техник воситалар.

Божхона экспертизасида қўлланилган терминлар ва қисқартмалар:

БКБ-божхона коидаларини бузилиши.

ТИФ ТН- Ташки иктисодий фаолият товарлар номенклатураси.

Лаборатория – Марказий божхона лабораторияси. Товарларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва сертификатлаш лабораторияси, ҳудудий божхона лабораториялари.

Материаллар – ҳужжатлар, экспертиза учун зарур булган барча маълумотлар, намуна ва синамалар.

Божхона назоратига олинмиши лозим булган барча товарлар ва товар ҳужжатлари ҳамда божхона назоратини амалга ошириш учун зарур булган бошқа ҳужжатлар божхона экспертизаси объектлари булиши мумкин.

Божхона экспертизаси қуйидаги мақсадларда ўтказилади:

1. товарнинг ТИФ ТН буйича код раками тугри таснифланганлигини назорат қилиш;
2. товарни қайта ишлангандан сунг уни (тасдиқланган услуб асосида) идентификация қилиш;
3. товарнинг нави, тури, маркаси, ва асосий сифат курсаткичларини тегишли органлар томонидан берилган расмий ҳужжатлар асосида назорат қилиш;
4. товарни ишлаб чиқариш технологиясини урганиш;
5. товарнинг тақдим этилган ҳужжатлар асосида кимёвий таркиби ва захарли моддаларга тегишли эканлигини урганиш.

## 5-Мавзу. Божхона режимлари ва уларни кўллаш шартлари

**Божхона режими** – бу Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини божхона мақсадлари учун белгиловчи қоидалар мажмуидир.

**Эркин муомалага чиқариш** – бу божхона органлари томонидан божхона расмийлаштирувидан ўтган товарлар ва транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқарилиши учун рухсат берилишидир. Эркин муомалага чиқариш режимининг шартлари:

- товарларга нисбатан белгиланган импорт божларини, солиқларни ва бошқа бож тўловларини тўлаш (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар, божхона божлари, акциз солиқлари, қўшилган қиймат солиғи ва бошқалар);
- иқтисодий сиёсат чоралари ва бошқа чора-тадбирларга риоя этиш (лицензиялаш, квоталаш, сертификатлаш, давлат органларининг назорати (ветеринар, фитосанитар ва б.)).

**Резкспорт** - бунда чет эл товарлари божхона ҳудудидан олиб чиқилади ва бу товарларни олиб киришда тўланган импорт божлари ва солиқлар қуйидаги шартларга риоя этилган ҳолда қайтарилади:

- резкспорт қилинаётган товарларнинг олиб кирилган пайтдаги ҳолати ўзгармаган бўлса, табиий эскириш оқибатидаги ўзгариш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларидаги камайишлар бундан мустасно;
- товарлар резкпорти улар олиб кирилган пайтдан бошлаб икки йил ичида амалга ошириладиган бўлса;
- резкспорт қилинаётган товарлардан даромад қилиш мақсадларида фойдаланилмаган бўлса.

**Реимпорт режими.** «Реимпорт» тушунчаси илгари экспорт режимига мувофиқ олиб чиқилган товарларнинг чет элдан қайта олиб келинишини билдиради. Реимпорт миллий товарларнинг чет элда қайта ишланмасдан қайтариб келинишидир. Товарларни реимпорт божхона режимида олиб ўтиш учун қуйидаги шартларга риоя этиш лозим:

- товарлар олиб чиқилгандан бошлаб ўн йил ичида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига қайта олиб кирилиши;
- товарларнинг олиб чиқилган пайтдаги ҳолати қайта олиб кириладиган вақтда ўзгармаган бўлиши лозим. Табиий эскириш оқибатидаги ўзгариш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларидаги камайишлар бундан мустасно.

**Товарлар транзити** - бунда товарлар Ўзбекистон Республикасининг икки божхона органи ўртасида, товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат

чоралари қўлланмасдан божхона назорати остида олиб ўтилади. Товарларни транзит орқали олиб ўтишнинг икки шarti мавжуд:

- товарларнинг олиб ўтиш пайтдаги ҳолати ўзгармасдан қолиши лозим, табиий эскириш оқибатидаги ўзгариш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитларидаги камайишлар бундан мустасно;

- ушбу товарлардан транзитдан бошқа мақсадлар йўлида фойдаланмаслиги керак.

**Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш)** - бунда божхона ҳудудида ёки ундан ташқарида товарлардан бождан, солиқлардан тўла ёки қисман озод этилган ҳолда ва товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан фойдаланишга йўл қўйилади.

**Вақтинча сақлаш** - бунда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситалари божхона органига тақдим этилган пайтдан бошлаб чиқаришга рухсат берулгунга қадар танланган режимга мувофиқ божхона омборида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан вақтинча сақланади. Товарларнинг вақтинчалик сақлаш режимида бўлиш муддати икки ойдан ошмаслиги лозим.

**Божхона омбори** - товарлар божхона омборига жойлаштирилган кундан бошлаб уч ойдан кеч бўлмаган муддатда олиб чиқиб кетилиши шарт. Агар товарлар белгиланган муддат ичида олиб чиқиб кетилмаса, унда божлари, солиқлар, шунингдек ушбу тўловлар бўйича фоизлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тўланади.

**Бож олинмайдиган савдо дўкони** - бунда товарлар божхона ҳудудининг божхона органлари томонидан Божхона Кодексига мувофиқ белгилайдиган жойларида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида туради ҳамда реализация қилинади.

**Эркин божхона зонаси ва эркин омбор** - бунда чет эл товарлари муайян ҳудудлар ва жойларда бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан жойлаштирилади ва ишлатилади. Ўзбекистон товарлари эса экспорт режимида мувофиқ олиб чиқишда қўлланиладиган шартларга кўра жойлаштирилади ва ишлатилади.

**Божхона ҳудудида қайта ишлаш** шундай режимки, бунда қайта ишлаш маҳсулотлари экспорт режимида мувофиқ божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши шarti билан чел эл товарларидан божхона ҳудудида қайта ишлаш учун уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари

қўлланмасдан ва олиб киришда тўланган импорт божи ва солиқларни қайтарган ҳолда белгиланган тартибда фойдаланилади.

**Божхона назорати остида қайта ишлаш шундай режимки,** бунда чет эл таварларидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида божхона назорати остида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чораларини қўлламамасдан қайта ишлаш учун фойдаланилади ҳамда кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқариш ёки бошқа божхона режимига жойлаштирилади.

**Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш** - бунда Ўзбекистон товарлари уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлланмаган ҳолда олиб чиқилади ва улардан қайта ишлаш маҳсулотларини бож ва солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиб, шунингдек, товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлламамасдан келгусида божхона ҳудудидан ташқарида фойдаланилади.

**Қайта ишлаш режимларида** қуйидаги операциялар бажарилиши мумкин:

- товарларни қайта ишлаш ва ишловдан ўтказиш;
- товарларни таъмирлаш (тиклаш ва тартибга келтириш);
- товарни тайёрлаш (монтаж қилиш, йиғиш ва бошқа товарларга мослаштириш);
- қайта ишлашга ёрдам берадиган ёки уни енгиллаштирадиган бошқа товарлардан қисман ёки тўлиқ фойдаланиш.

**Йўқ қилиш режими.** Бунда чет эл товарлари бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда божхона назорати остида йўқ қилинди (ёки яроқсиз ҳолга келтирилади).

**Давлат фойдасига воз кечиш режими** - бунда шахс товарларга нисбатан бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда уларни давлат фойдасига воз кечади.

#### **6-Мавзу. Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказишда божхона юк баённомасини қўллаш ва жисмоний шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларнинг божхона назорати**

Декларациялаш чоғида фойдаланиладиган асосий ҳужжат божхона юк декларацияси (БЮД) ҳисобланади. БЮД – бу юклар божхона чегарасидан олиб ўтилаётган ёки уларнинг божхона режими ўзгартирилаётган пайтда қўлланиладиган ва белгиланган шаклда тузилган (БЮД 1 ва БЮД 2) расмий ҳужжатдир. Йўловчилар учун йўловчилар божхона декларацияси мавжуд

бўлиб, у мамлакатдан чиқиб кетаётганда тўлдирилади. Божхона декларациясининг экспорт, импорт ва транзит турлари мавжуд.

БЮДга маълумотларни киритишнинг муайян қоидалари ва чегаралари мавжуд. Юк ташувчи божхона декларациясини қуйидаги шартларда тўлдириши лозим:

- божхона қиймати белгиланган минимумдан ошганда;
- товарга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилганда;
- божлар ва йиғимлар ундирилганда.

БЮД тўртта брошюраланган ЮД 1 ва қўшимча ЮД 2 шаклидаги варақлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири уч турдаги товарларни декларациялаш имконини беради. Божхона божлари ундирилмайдиган алоҳида товарлар бўйича эса товарлар рўйхати, ўраб–жойлаш ва товар хусусиятларини акс эттирувчи ҳужжатларни кўрсатишнинг ўзи kifоя. Чунки, бундай товарлар мамлакатда қўлланилаётган иқтисодий сиёсат чоралари доирасидан ташқарида бўлишади.

Ўзбекистон Республикасида БЮДни тўлдириш 1999 йилга қадар БЮДни тўлдиришнинг тартиби тўғрисидаги вақтинчалик Низом асосида амалга оширилган. 1999 йилдан бошлаб эса БЮДни тўлдиришнинг доимий Қўлланмаси амалга киритилди. Декларацияни товар эгаси, божхона брокери, сотувчи ёки харидорнинг ишончли вакили тўлдириши мумкин. Божхона органининг мансабдор шахслари юк ташувчининг илтимоси ва топшириғига мувофиқ ёки мустақил равишда декларацияни тўлдириши, унга қўшимча ёки тузатишлар киритиши мумкин эмас. Улар декларацияга фақат ўз ҳуқуқлари доирасига кирувчи маълумотларнигина киритишлари мумкин.

***Божхона қиймати – бу божхона тўловларини (бож, акциз, ҚҚС ва божхона расмилаштурувчи учун йиғимлари) ҳисоблашнинг реал базаси (асоси) сифатида қўлланувчи товар қийматидир.***

**Божхона қийматини аниқлашнинг мақсадлари:**

- Божхона божлари, солиқлар ва бошқа тўловларни ундириб олишнинг реал базасини (асосини) аниқлаш. Уларни ундириш божхона органларининг зиммасига юклатилган бўлиб, ундан божхона статистикасини юритиш ва товарлар қийматини сунъий равишда ошириш ёки камайтиришга қарши кураш воситаси сифатида фойдаланилади.
- Валюта назоратини амалга ошириш учун зарур ахборотларни тўплаш ва таҳлил этиш;



- Товарлар қийматини божхонанинг бошқа мақсадлари учун аниқлаш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган божхона қонунчилигини бузганлик учун жазолар қўллаш.

### **1-усулнинг шартлари:**

- 1) декларант божхона қийматини белгилашда фойдаланган маълумотлар ҳужжатлар асосида тасдиқланган ва тўғри бўлса;
- 2) харидорнинг товарларни тасарруф этиши ёки улардан фойдаланишида куйдагилардан ташқари чеклашлар бўлмаганда:
  - а) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган чеклашлар;
  - б) харидорнинг товарларни кейинчалик қайта сотиши (бегоналаштириши) мумкин бўлган географик минтақадаги чеклашлар;
  - в) товарлар нархига жиддий таъсир қилмайдиган чеклашлар.
- 3) товарларнинг сотилиши ёки нархи божхона қийматини аниқлаб бўлмайдиган ҳолга олиб келадиган қандайдир шартларга ёки фикрларга сабаб бўлмаса;
- 4) харидорнинг товарни кейинчалик қайта сотиши, тасарруф этиши ёки фойдаланишидан келган тушумнинг бирон–бир қисми бевосита ёки билвосита сотувчига ўтмаса, фақат агар қийматга тегишли тузатишлар киритиш мумкин бўлмаса;
- 5) харидор ва сотувчи бир-бирига боғлиқ шахслар бўлмаса, бундай ўзаро боғлиқлик декларант томонидан исбот этилган ҳоллар бундан мустасно.

**Айнан бир хил товар** – бу ҳар жиҳатдан, шу жумладан, физик хусусиятлари; сифати ва бозордаги кадри; қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги; ишлаб чиқарувчиси каби белгиларига кўра баҳоланаётган товар билан бир хил бўлган товар тушунилади.

### **2-усулнинг шартлари:**

- баҳоланаётган товар олиб кирилгунча қадар кўпи билан 90 кун олдин Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш учун сотилган бўлса;
- тахминан ўшанча миқдорда ва (ёки) ўшандай тижорат шартларида олиб кирилган бўлса;
- агар айнан бир хил товар кўп ёки кам миқдорда ва бошқа тижорат шартларида олиб кирилган бўлса, баҳоланаётган товарнинг божхона қийматига ана шу фарқларни ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилади (бу тузатишларнинг асосли эканлигини божхона органига ҳужжатлар билан тасдиқлаб бериш мумкин бўлса).

**Ўхшаш товар** - бу ҳар жиҳатдан бир хил бўлмаса-да, ўхшаш хусусиятларига эга бўлганлиги ва таркибий жиҳатдан ўхшашлиги туфайли баҳоланаётган товар билан бир хил вазифаларни бажара оладиган ва тижорат нуқтаи назаридан унинг ўрнини боса оладиган товар тушунилади.

**4-усул** - бунда баҳоланадиган айнан бир хил ёки ўхшаш товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ички бозоридаги дастлабки ҳолати ўзгартирилмасдан сотиладиган сотиш нархи божхона қийматини белгилаш учун асос қилиб қабул қилинади. Сотиладиган товар бирлиги нархидан қуйидаги харажатлар чегириб ташланади:

- воситачилик ҳақи тўлашга қилинган харажатлар, фойдага қўйиладиган одатдаги устамалар ва олиб келинган бир хил турдаги товарларни Ўзбекистон Республикасида сотиш билан боғлиқ умумий харажатлар;
- товарлар олиб кириш ёки сотиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасида тўланиши лозим бўлган импорт бождари, солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар суммаси;
- Ўзбекистон Республикасида транспортда ташиш, суғурталаш, юклаш ва тушириш учун қилинган харажатлар.

#### **5-усулнинг шартлари:**

- баҳоланаётган товарни ишлаб чиқариш муносабати билан тайёрловчи томонидан сарфланган материаллар қийматини ва бошқа харажатларни;
- айна бир турдаги товарларни олиб чиқиладиган мамлакатдан Ўзбекистон Республикасига сотишга хос бўлган умумий харажатларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтиш жойигача транспортдан ташиб келтириш, юклаш ва тушириш, суғурталаш харажатларини;
- айнан ёки бир хил ўхшаш товарларни Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш натижасида экспортёр томонидан одатда олинадиган фойдани қўшган ҳолда чиқариладиган баҳоси божхона қийматини белгилаш учун асос сифатида қабул қилинади.

**6-усул** – бунда қуйидаги оқилона қайишқоқликга йўл қўйилиши мумкин:

- а) айнан бир хил товарларга нисбатан қайишқоқлик қуйидагилар юзасидан йўл қўйилиши мумкин:
- айнан бир хил товарларни олиб келиш муддатлари, бироқ божхона қийматини белгилаш учун асос сифатида экспортёр мамлакатда бошқа ишлаб чиқарувчи томонидан ва экспортёр мамлакатдан бошқа қайсидир ўзга мамлакатда ишлаб чиқарилган, шунингдек импорт қилинган товарлар кўриб чиқилиши мумкин;
  - импорт қилинган айнан бир хил товарларнинг илгари 4 ва 5-усулларга кўра белгиланган божхона қийматидан фойдаланиш.
- б) ўхшаш товарларга нисбатан қайишқоқлик қуйидагилар юзасидан йўл қўйилади:
- ўхшаш товарнинг олиб келиниши муддатларига нисбатан;

- экспортёр мамлакатдан бошқа қайсидир ўзга мамлакатда ишлаб чиқарилган ўхшаш товарлардан божхона қийматини белгилаш учун асос сифатида фойдаланилганида;
  - импорт қилинган ўхшаш товарларнинг илгари 4 ва 5-усулларга кўра белгиланган божхона қийматидан фойдаланиш.
- в) 4-усулга нисбатан товарларнинг ички бозорда сотилиши муддатлари, шунингдек, уларнинг қай ҳолда импорт қилингани (яъни, муайян қайта ишлашга йўл қўйилиши) борасидаги талабларнинг қайишқоқлик билан талқин этилишига йўл қўйилиши мумкин.

### **9-Мавзу. Божхона статистикаси божхона иши асосларининг таркибий қисми**

5. Божхона статистикасининг усуллари.
6. Ташқи иқтисодий алоқалар статистикаси ва унинг синфланиши.
7. Ташқи савдо божхона статистикасида товарларни етказиб беришнинг тижорат шартларининг ўрни.
8. Товарларни етказиб беришнинг тижорат шартлари таснифи.

#### **Ташқи савдо статистикасининг хусусиятлари:**

- статистика фақат божхона чегарасини кесиб ўтаётган товарлар ва хизматлар массасини ҳисобга олади;
- статистика божхона чегарасини тижорат ва нотижорат мақсадларда кесиб ўтаётган ҳар қандай товар массасини (вазни бўйича) ҳисобга олади. Демак, мамлакат томонидан олинган барча инсонпарварлик ёрдамлари импортга, мамлакатдан берилаётган барча инсонпарварлик ёрдамлари экспортга қўшилади.

#### **Божхона чегарасини кесиб ўтаётган қуйидаги товарлар ташқи савдо ҳисобига кирмайди:**

- бевосита транзит (омборларга тўхтамасдан);
- дипломатик муассаса ходимлари ва яқка шахсларнинг багажлари;
- қайтариладиган тара (контейнерлар, шиша идишлари) ва намуналар;
- шартнома бўйича бир йилдан кам муддатга олиб ўтилаётган жорий ижара товарлари;
- монетар олтин, шунингдек, муомаладаги бошқа тангалар, қимматбаҳо қоғозлар, банкноталар;
- вақтинчалик олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарлар, масалан, театр декорациялари, спорт инвентарлари, машиналар, кўрғазмалар, ярмаркалар, аукционлар ва бошқалар учун мўлжалланган товарлар.
- товарларни кафолат ҳисобига етказиб бериш;

- транспорт воситалари ва бошқа асбоб-ускуналарнинг ремонт ишлари;
- товарларни олиб кирмасдан реэкспорт қилиш;
- хизматлар қиймати (номоддий);
- нейтрал, худудий ва хорижий сувларда концессия доирасида овланган балиқлар.

#### **Товарлар импорти:**

- ички истеъмол ёки қайта ишлаш учун олиб кирилатган товарлар (барча олиб кирилатган товарларнинг катта қисми);
- кейинчалик реэкспорт учун мўлжалланган товарлар;
- божхона омборларида қайта ишлаш учун олиб кирилатган товарлар тушунилади.

#### **Товарлар экспорти дейилганда:**

- экспортёр мамлакатда ишлаб чиқарилган, қазиб олинган ёки сезиларли қайта ишланган товарлар;
- божхона назорати остида қайта ишланган товарлар;
- божхона омборларидан олиб чиқилаётган товарлар;
- миллий товарлар;
- ички истеъмол учун олиб кирилган (шу билан боғлиқ равишда божхона тозалавудан ўтган) ва эркин муомалага чиқарилган, кейин қайта ишланмасдан олиб чиқилаётган товарлар тушунилади.

#### **Божхона статистикасининг вазифалари:**

- экспорт ва импорт тўғрисида ишончли маълумотлар олиш;  
Ташқи савдода товарлар ҳаракатини ҳисобга олиш тизимлари:
  - айрим товарларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган махсус тизим;
  - барча турдаги товарларга нисбатан қўлланувчи умумий тизим.

#### **Божхона статистикасининг шаклланишида фойдаланиладиган кўрсаткичлар:**

- ҳисобот даври;
- товар оқимининг йўналиши (олиб кириш ёки олиб чиқиш);
- олиб киришда товарнинг келиб чиқиш мамлакати;
- олиб чиқишда белгиланган мамлакат;

- статистик қиймат;
- товарлар коди ва номлари;
- нетто оғирлик;
- қўшимча ўлчов бирликларининг коди ва номланиши;
- қўшимча ўлчов бирликлари бўйича миқдор;
- битимлар хусусияти;
- божхона режимининг тури;
- товар жўнатувчи (қабул қилувчи) категорияси;
- ҳудуд.

**Божхона статистикасида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади:**

- ташқи савдо товарообороти.
- савдо баланси сальдоси.
- қоплаш коэффициенти қ (экспорт қиймати)/(импорт қиймати).
- савдо баланси.
- тўлов баланси.

**ИНКОТЕРМС** - Халқаро савдо палатаси (International Chamber of Commerce - ICC) томонидан ишлаб чиқилган товар етказиб беришнинг тижорат шартларини шархлашнинг халқаро қоидалари мажмуидир.

**Юк ташиш шартларининг классификацияси.**

Е гуруҳ (жўнатиш)	<b>EXW</b>	Франко-корхона
Ғ гуруҳ (асосий фрахт тўланмаган)	<b>FCA</b> <b>FAS</b> <b>FOB</b>	Франко-юк ташувчи Кема борти ёнида эркин Бортда эркин
С гуруҳ (асосий фрахт тўланган)	<b>CFR</b> <b>CIF</b> <b>CPT</b> <b>CIP</b>	Қиймат ва фрахт Қиймат, суғурта ва фрахт ... га қадар ташиш тўланган ... га қадар ташиш ва суғурта тўланган
Д гуруҳ (етиб келиш)	<b>DAF</b> <b>DES</b> <b>DEQ</b> <b>DDU</b> <b>DDP</b>	Франко-чегарага етказиб келиш Франко-кемага етказиб келиш Франко-соҳилга етказиб келиш Бож тўламасдан етказиб келиш Бож тўлаган ҳолда етказиб келиш

**Биринчи гуруҳ - жўнатиш, Е гуруҳи (Ex Works, EXW),** бунда сотувчи товарни харидорга ўз корхонасида етказиб беради («франко- завод»).

**Иккинчи гуруҳ - асосий фрахт тўланмаган, Ғ гуруҳи (FCA, FAS ва FOB),** бунда сотувчи товарни етказиб бериш шартномасини тузган-номинацияланган («to nominate» атамаси «белгилаш» деган маънони

англатади), яъни белгиланган ташувчига етказиб бериши шарт. Бу гуруҳга «франко-юк ташувчи», «кема борти ёнида эркин», «кема бортида эркин» каби атамалар киради.

**Учинчи гуруҳ - асосий фрахт тўланган, С гуруҳи (CFR, CIF, CPT ва CIP)**, бунда сотувчи юкни импортёр чегарасига қадар ташишни таъминлаш масъулиятини ўз зиммасига олади. Юклаб ортиш ва жўнатишдан сўнг товарнинг йўқолиши ёки шикастланиши билан боғлиқ қўшимча харажатлар хатарини ўзига олмайди. Бундан ташқари бу гуруҳ шартларига мувофиқ асосий фрахт кўрсатилган жойгача тўланиши мумкин. Бу гуруҳга «қиймат ва фрахт», «қиймат, суғурта ва фрахт», «...га қадар фрахт тўланган», «...га қадар фрахт ва суғурта тўланган» каби шартлар киради.

**Тўртинчи гуруҳ - етиб келиш, D гуруҳи (DAF, DES, DEQ, DDU ва DDP)**, бунда сотувчи товарларни импортёрнинг мамлакатига харидор томонидан белгиланган жойга қадар етказиб бериш билан боғлиқ барча харажатлар ва хатарларни ўз зиммасига олади. Товар етказиб бериш «франко-чегара», «франко-кема», «франко-причал», «бож тўламасдан етказиб бериш», «бож тўлаган ҳолда етказиб бериш» шартларида амалга оширилади.

#### **10-Мавзу. Божхона органларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти ва контрабандага қарши кураш**

4. Божхона органларини ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти.
5. Божхона қоидаларини бузилишининг умумий тавсифи.
6. Контрабанда жиноятини содир қилганлик учун қўлланиладиган маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги ишларни юритиш божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан Божхона кодексига мувофиқ, Кодексида тартибга солинмаган ҳолларда эса маъмурий жавобгарлик тугрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тугрисидаги ишларни юритиш божхона қоидалари бузилганлиги тугрисида баеннома тузилишидан бошланади. Божхона органи мансабдор шахси томонидан божхона қоидалари бузилганлиги белгилари аниқланиши божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳақида иш юритилишига асос булади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тугрисидаги кодексининг 262-моддасига мувофиқ (кейинги уринларда УзР МЖК деб аталади), УзР МЖКнинг 227-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тугрисидаги ишлар божхона органларига тегишлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тугрисидаги ишларни юритиш вазифалари куйидагилар ҳисобланади: ҳар бир ишнинг ҳолатини уз вақтида, ҳар томонлама тулик ва ҳолис аниқлаш, уни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этиш, чиқарилган қарор ижро этилишини таъминлаш, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши сабаблари ва унга қумаклашувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларни Конституцияга ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тугрисидаги ишларни юритиш куйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаш ва уларга барҳам бериш, бирламчи материалларни, ҳуқуқбузарликлар тугрисидаги хабарларни текшириш, аниқланган факт ва ҳуқуқ бузиш ҳолатлари, ҳуқуқ бузувчининг шахсини аниқлаш, исботлар туплаш ва текшириш бўйича процессуал ҳаракатларни юритиш, текшириш материалларини қуриб чиқиш ва унинг натижалари бўйича қарор қабул қилиш;

- иш материалларини қуриб чиқишга тайерлаш;

- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тугрисидаги ишларни қуриб чиқиш;

- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тугрисидаги ишлар бўйича қарорлар ижроси;

- ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш бўйича таклифлар, ахборот ва хабарлар киритиш, улар содир этилишига қумаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда тартибга солишнинг бошқа чора-тадбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тугрисидаги кодексининг 276-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тугрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган еки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тугри қуриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Бу маълумотлар куйидаги воситалар: божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари тугрисидаги баеннома, жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг курсатувлари, эксперт ҳулосаси, ашевий далиллар, аше ва ҳужжатларни олиб қуйиш тугрисидаги тузилган баеннома, шунингдек, бошқа материаллар билан белгиланади.

Божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги иш материалларида мавжуд булган маълумотлар иш куриб чикилгунга кадар ошкор килинмайди. Куйидаги холатлармавжуд булган такдирда божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилиши тугрисидаги иш юритиш бошланмаслиги, бошланган иш эса тухтатилиши керак:

1. божхона хукукбузарлиги таркиби мавжуд булмаганда;
2. Божхона коидалари бузилиши содир этилган пайтда шахс ун олти ешга тулмаганда;
3. Божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилишини содир этган шахс акли бутун булмаганда;
4. Шахс зарур мудофаа еки энг охирги чора холатида иш курганда;
5. Божхона коидалари бузилганлиги учун жазо куллаш бартараф этилган такдирда амнистия чикарилганда;
6. Божхона хакидаги конунлар бузилганлиги учун жавобгарликни белгиловчи хужжат бекор килинганда;
7. Ишни куриб чикиш пайтига келиб, божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилганлиги учун жазо бериш муддатлари тугаганда;
8. Жавобгарликка тортилувчи шахсга нисбатан бир фактнинг узи буйича жазо куллаш тугрисида карор ехуд божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилиши тугрисидаги ишни тухтатиш хакида белгиланган тартибда бекор килинмаган карор мавжуд булганда, шунингдек, уша бир фактнинг узи буйича жиноий иш мавжуд булганда;
9. Унга нисбатан иш юритиш бошланган шахс вафот этганда.

Божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилиши тугрисидаги баенномада куйидаги маълумотлар курсатилади:

1. Баеннома тузилган сана ва жой.
2. Баенномани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми.
3. Хукукни бузган шахс тугрисидаги маълумотлар.
4. Сафарнинг максади, йуналиш, поезд, автомашина еки бошка транспорт воситасининг тартиб раками, унинг кимга тегишли эканлиги, бориш йуналиши.
5. Содир этилган хукук бузиш жойи, вакти ва мохияти (фабула).
6. Мазкур хукук бузиш учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий хужжат.
7. Олиб куйилган (ушланган) ашелар, бойликлар ва хужжатлар тугрисидаги маълумотлар.
8. Хукук бузувчининг тушунтириши ва ишни хал этиш учун зарур булган бошка маълумотлар.



Божхона хақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши аниқланишининг ҳар бир ҳолати ва улар бўйича қурилган қоралар юзасидан божхона органи ҳодими томонидан рапорт езилади. Унда содир этилган ҳуқуқ бузиш аниқланишининг барча ҳолатлари (излаш усуллари, яшириш усуллари, назорат қилишнинг техник воситаларини қуллаш, оғзаки суров натижасида олинган маълумотлар, багаж ва қулда олиб юриладиган юкни расмийлаштириш, шахсан қуздан кечириш, транспорт воситаси, контейнерни қуздан кечириш, шунингдек ишга тегишли бўлган бошқа ҳолатлар) акс эттирилиши керак.

### **Божхона органлари фаолиятини самарадорлигини оширишда божхона соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач фаол ташқи иқтисодий сиёсат юрита бошлади. Ўзбекистон Умумжаҳон божхона ташкилотининг аъзоси ҳисобланади. Эндиликдаги муҳим масала Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишдир. Ўзбекистон Халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг божхона хизматлари билан фаол ҳамкорлик алоқаларини ўрнатмоқда.

Ўзбекистон УБТнинг фаол аъзоси ҳисобланади ва божхона сиёсатини жаҳонда қабул қилинган амалиёт билан мос равишда олиб боради. Ўзбекистоннинг УБТ билан ҳамкорлиги 1992 йилдан бошланган.

Ўзбекистон 1992 йилда Божхона ҳамкорлиги Кегашини таъсис этиш Конвенциясига қўшилди. Хорижий мамлакатларнинг шунга ўхшаш хизматлари билан биргаликда халқаро конвенцияларнинг ҳужжатларини, ҳуқуқий ҳужжатларни, методик ва инфор­мацион материалларни ўрганиш, шунингдек, хорижий ҳамкасбларинининг амалий ишларини ўрганиш Ўзбекистон божхона хизмати фаолияти даражасини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Европа Ҳамжамияти Комиссияси билан ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. У божхона хизмати мутахассислари учун саккизта семинар ўтказди, Ўқув Маркази, божхона лабораторияларига асбоб-ускуналар ва наркотикларни аниқлаш учун тестлар етказиб берди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти аъзоси ҳисобланади.

1999 йилнинг кузида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар божхона хизмати бошлиқларининг олтинчи учрашуви Тошкентда ўтказилди. Унда транзит савдоси, контрабанда ва божхона қонунчилигининг бузилиш ҳолларига қарши курашда ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Йиғилишда, шунингдек аъзо мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқалар ва савдо муносабатларини кенгайтириш ва божхона ҳамкорлиги масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон божхонаси бир қатор мамлакатларнинг божхона хизматлари билан ҳамкорлик олиб бормоқда (масалан, ГФР, АҚШ, Россия ва б.). Ўзбекистон божхона хизмати вакиллари АҚШ, Англия, Франция, Германияга ташриф буюриб, божхона ишини, хусусан, божхона постларини ташкил этишни ўргандилар. Бу эа Республика божхона хизматини такомиллаштириш таклифини тайёрлаш имконини берди.

Ўзбекистон божхона хизмати БМТ, хусусан, БМТнинг савдо ва ривожланиш Конвенциси (ЮНКТАД), Европа иқтисодиёт комиссияси ва БМТнинг МДПни қўллаш масалалари бўйича Конвенциси, БМТнинг Наркотикларни назорат этиш бўйича Комиссияси ва унинг бошқа бўлинмалари билан яқин алоқа ўрнатган.

Жаҳонда наркотик моддалар обортининг кенгайиши хавфининг ортиши ва Ўрта Осиё орқали наркотик моддалар транзитининг ўсиши ЮНДКП билан ҳамкорлик қилишни ўта долзарб вазифага айлантди. Бу Конвенция 1997 йилда ислоҳ этилди ва БМТнинг Наркотикларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси (УКНПП) деб атала бошланди. БМТнинг Наркотиклар устидан назорат қилиш халқаро дастурини (ЮНКД) ва Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича халқаро марказ (ЦМПП)ни ўз таркибига олади.

Бошқарма фаолиятининг асосий мақсадлари қуйидагилар:

- наркотикларни суиистеъмол қилишнинг хавфлилиги борасида маърифий фаолиятни таъминлаш;
- наркотикларни тайёрлаш, уларни ноқонуний айлантириш ва наркотиклар билан боғлиқ бўлган жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;
- наркотикларни суиистеъмол қилишни (айниқса, ёшлар ва аҳолининг ночор қатламлари орасида) камайитиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга ёрдам бериш;
- маҳаллий, миллий ва халқаро даражада наркотикларга қарши кураш масалалари бўйича ҳамкорлик ўрнатиш;

- наркотиклар билан боғлиқ барча масалалар бўйича ахборот, таҳлил ва мутахассислар билан таъминлаш.

Ўрта Осиё учун наркотиклар транзити ва гиёҳвандликнинг асосий ҳавфи жанубдан келмоқда. Бир қатор ҳисобларга қараганда умумий наркотиклар ҳажмининг ярми (таҳминан 140 тонналик героин эквивалентида) Европа ва бошқа регионларга контрабанда йўли билан етиб боради. Ноқонуний наркотиклар оборотининг 65 %га яқини Ўрта Осиё орқали ўтади.

Ўзбекистоннинг УКНПП билан ҳамкорлиги наркомания, қурол-яроғ контрабандаси, коррупция, «ҳаром» пулларни тозалаб олиш, терроризм ва одам савдосига қарши кураш соҳаларида давом этмоқда.

Турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўзининг мевасини бермоқда. Ҳамкорлик бошқа мамлакатларда тўпланган бой тажрибани ўрганиш, ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш, божхона ишини халқаро ва регионал даражада мувофиқлаштириш имконини яратмоқда.

## Адабиётлар рўйхати

### АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

26. Толиш Л. «Технологии обучения в экономическом образовании: введение в технологизацию обучения в экономическом ВУЗе», - Т., ч. 2, ТГЭУ, 2005, 79с.
27. Толиш Л. «Технологии обучения в экономическом образовании: технологий обучения на лекциях и семинарах в экономическом ВУЗе», - Т., ТГЭУ, 2005, 203с.
28. Свинухов В.Г. Таможенное дело: учебник / В.Г.Свинухов. М.: Экономист, 2005. 298с.
29. Свинухов В.Г. Таможенное тарифное регулирование внешнеэкономической деятельности. Издательство таможенная стоимость: Учебник/Свинухов В.Г.- М.: Экономист, 2005. 271с.
30. Гулямов С. и др. «Дистанционное экономическое образование», Т.:Шарк, 2004, 84с.
31. Сирожиддинов Н. «Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана». Т.: УМЭД, 2004, 224с.
32. Свинухов В.Г. «Таможенно-тарифное регулирование ВЭД» М: Экономист 2004г.
33. Миляков Н.В.-«Таможенная пошлина» М: Финансы и статистика 2004г.
34. Жиряева Е.В. «Экспертиза в таможенном деле и международной торговле». Санкт-Петербург. Логос. 2003г.
35. Хамидов И.А, Алимов А.М. «Узбекистан Республикасында Ташкииктисодий фаолият асослари» Т: Узбекистан 2002й.
36. Сандровский К.К. «Международное таможенное право» Киев: Знание, 2002г.
37. Гордиенков А.Д., Козыкин А.Ф. Теория и практика доказывания по делам об уклонении от уплаты таможенных платежей (в стадии предварительного расследования): Монография. - М.: РИО РТА, 2003.- 161 с.
38. Демченко А.А. Организация системы управления в таможенных органах. Лекция. М.: РИО РТА, 2003. - 33с.
39. Д.И.Менделеева: уроки для России: Учебное пособие. - М.: РИО РТА, 2003. -304с.
40. Жиряева Е.В. Экспертиза в таможенном деле и международной торговле. Классификация. Экспертиза. Оценка. - СПб.: Питер, 2003. - 557с.
41. Соболевская С.Ю. Таможенное оформление. - М.: Бератор, 2003. 240с.
42. Назаренко Б.Н., Назаренко К.С. «Таможенное обслуживание ВЭД». М: Экзамен, 2001г.
43. «Основы таможенного дела», -Т.: "Мир экономики и права", под ред.У.Т.Камилова, 1998.

44. «Основы таможенного дела».- М., под ред. В.Г.Драганова, 1998.
- 45.Киреев А.П. «Международная экономика» -М.:Международные отношения, Ч. 1 1997.
- 46.Ершов А. Д. Международные таможенные отношения: Учеб.пос. - М.: Изд. ИВЭСЭП, 2000.
- 47.Основы таможенного дела. Учебник. Коллектив авторов, - М.: изд. «Мир экономики и право», 1998.
- 48.Молчанова О.В. Таможенное дело. Учебник. - М.:Изд. «Мир экономики и права», 2005.
- 49.Чекмарева Г.И.Основы таможенного дела. - М.: Изд. ИНФРА, 2001.
- 50.Ваҳабов А.В., Худякова Н.К., Хожибоқиев Ш.Х. Божхона иши асослари. Ўқув қўлланма. Т.: Университет, 2002.

#### Кўшимча адабиётлар:

- 22.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
- 23.Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси. Т.: Изд. «Ўзбекистон»,1998.
- 24.Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги қонуни. - Т.:Изд. «Ўзбекистон» 1997.
- 25.Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. /Т. 1992.
- 26.«Импорт операцияларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 1998 йил 18 феврал.
- 27.«Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори. 1998 йил 31 март.
- 28.Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. «О ввозе, вывозе и транзите через территорию Республики Узбекистан наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров» №293 от 31 июля 2000 г.
- 29.Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. «О дополнительных мерах по унификацию импортных таможенных пошлин» №189 от 31 мая 2002 г.
- 30.Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об упорядочении ввоза товаров физическими лицами на территорию Республики Узбекистан» №154 от 6 мая 2002 г. с изменениями ПКМ №335 от 27 сентября 2002 г.
- 31.Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан. «О внесении изменений в отдельные решения Правительства Республики Узбекистан по вопросам упорядочения ввоза товаров физическими лицами на территории республики» №335 от 27 сентября 2002 г.

- 32.Контрабанда жинояти ва унга карши кураш масалалари, Ўқув-методик кулланма, Давлат Божхона кумитаси ўқув маркази. - Т.: 2000 й.
- 33.Международные конвенции Организации Объединенных Наций по таможенному делу. - Т: ИПК «ШАРК», 1995.
- 34.Петров Ю., Кудрявцева И. Практика таможенного регулирования. /М. 1995.
- 35.Пўлатов Ю.С Таможенное законодательство Республики Узбекистан.Т.ИПК «Шарк» 1995
- 36.Экспорт: таможенное регулирование. М «Беагвест»2000
- 37.Шорахмедов Ш. Умумий тахрири остида “Божхона фанларининг илмий асослари”, Т.: Изд. Солиқ ва божхона органлари академияси, 2002.
- 38.Ахмедова А. Божхона ишида “Инкотермс-1990”,халқаро қоидаларнинг қўлланилиши.Ўқув қўлланма. - Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999.
- 39.Таможенное право в схемах. Конспект лекций. /М.: «ПРИОР», 1999.
- 40.Бадин Э.П. Основы внешнеэкономической политики. –М.: Экономика, 1997 г.
- 41.Арутюнян Г.В. Правовое регулирование таможенных платежей. Учеб.пособ. - М.: Изд. «Юриспруденция», 2000 г.
- 42.[http.www. Norma.uz](http://www.Norma.uz)



